Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 31 январь, №26-27 (3138-3139) Жума

ҚАДИМИЙ ДЎСТЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 27-29 январь кунлари давлат ташрифи билан Испания Қироллигида бўлди



Европани Африка билан боғловчи ҳудудда жойлашган Испания Қироллиги нафақат жуғрофий қулайлиги, балки иқтисодий салоҳияти, савдо ва сайёҳлик соҳаларидаги имкониятлари жиҳатдан ҳам жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Мамлакатнинг йиллик ялпи ички маҳсулоти қарийб 700 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Испания дунёда тинчликни сақлаш, халқаро террорчиликка қарши курашда ҳам фаол иштирок этаётган давлатлардан. Бундай мамлакат билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш яхши самара бериши табиий.

Ўзбекистон Республикаси билан Испания Қироллиги ўртасидаги дипломатия муносабатлари расман 1992 йили ўрнатилган бўлса-да, халқларимиз орасидаги борди-келди кўп асрлик тарихга эга. Шу боис ҳам Президентимизнинг Испанияга сафарини том маънодаги тарихий ташриф, деб аташ мумкин.

"Эл Пардо" қароргоҳидаги расмий кутиб олиш маросими чоғида Испания миллий гвардияси ва суворийлар иштирокида ўтказилган ҳарбий парад мезбон томон Президентимиз ташрифига алоҳида тайёргарлик кўрганидан, Ўзбекистонга бўлган қизиқиш ва ҳурмат ғоят юксак эканидан далолат беради.

Ислом Каримовнинг Қирол Хуан Карлос Биринчи билан суҳбати мобайнида Ўзбекистон-Испания муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболларига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Испания Қиролининг расмий хонадони бўлмиш "Сарсуэла" саройида уюштирилган қабул маросимида икки давлат раҳбарларининг "Эл Пардо"да бошланган самимий суҳбати янада кенгроқ тарзда давом этди. Жумладан, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳадаги ҳамкорлик масалалари қаторида террорчиликка қарши кураш муаммоси ҳам муҳокама этилди.

Сиёсий жабҳада Ўзбекистон билан Испаниянинг муносабатлари изчил ривожланмоқда. Хусусан, БМТ, Европа Иттифоқи, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти каби халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасида кўп томонлама ҳамкорлик мавжуд. Испания ҳам Афғонистонда барқарор тинчлик ўрнатилишидан манфаатдор. Шу боис бу мамлакат афғон заминидаги тикланиш ишларида фаол иштирокчилар сафидан жой олган. Мамлакатларимизнинг кўпгина халқаро ва минтақавий миқёсдаги муаммоларга муносабатлари ҳам бир-бирига яқин ё ўхшашдир.

Ижтимоий соҳадаги муносабатларимизнинг ҳам қамрови кенг. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида кўплаб иқтидорли ёшларимиз Испаниянинг нуфузли олий ўқув юртларида таълим олянпти. Мазкур дастур Испания илмий доиралари томонидан юқори баҳоланган. Ўтган йили унинг асосий ташаббускори ва ижодкори бўлган Президентимизга Испаниянинг машҳур Алкала де Энарес университети фахрий доктор унвонини берган эди. Ислом Каримовнинг Испанияга ташрифи чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан Алкала де Энарес университети ўртасида ҳамжиҳатлик меморандумига имзо чекилди.

Иқтисодиёт соҳасидаги алоқалар мамлакатларимизнинг имконият ва салоҳияти даражасида эмаслиги ташриф давомида алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон-Испания савдо-иқтисодий муносабатлари ривожига қандай омиллар тўсиқ бўляпти, деган савол туғилади. Президентимизнинг фикрича, бу, аввало, ахборот танқислигидир. Хусусан, испан ишбилармонлари Ўзбекистонда қандай соҳалар устувор эканлиги, қаерда ҳамкорликда бизнес очиб, катта фойда олиш мумкинлиги, хориж сармояси учун яратилган шарт-шароит ва унинг ҳуқуқий асослари ҳақида маълумотлар кам. Демак, биринчи навбатда, ахборот танқислиги муаммосини бартараф этиш керак. Бунинг учун икки мамлакат ишбилармонларининг бевосита мулоқотини ташкил этиш, тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддиларининг ўзаро борди-келдиларини фаоллаштириш зарур.

Бу фикрлар Президент Ислом Каримовнинг "Монклоа" саройида Испания ҳукумати Раиси Хосе Мария Аснар билан суҳбати чоғида ҳам алоҳида қайд қилинди. Давлатимиз раҳбари савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг айни кундаги аҳволи икки томонни ҳам қониқтирмаслигини айтди. Иқтисодий алоқалар, Испания сармоясини Ўзбекистонга жалб қилиш бирмунча сust. Бугун мамлакатимизда Испания сармояси иштирокида атиги олтита қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Ваҳоланки, икки мамлакатнинг мавжуд имконият ва салоҳияти, заҳиралари ҳамкорликда кўплаб йирик ишлаб чиқариш корхоналари барпо этиш учун етарли.

Давлатимиз раҳбарининг испан ишбилармонлари билан учрашуви жуда қизиқарли ўтди. Савол жавобларга бой бўлди. Мулоқот чоғида испан тадбиркорлари Ўзбекистонга нечоғли қизиқиш билдираётгани аён бўлди.

Ўзбекистонда ишлаётган испан ишбилармонларидан бири ўзбек тилида сўз бошлаганида, барча қарсак чалиб юборди. У ўз ҳамкасбларини Ўзбекистонда бизнес қилишга чақирар экан, юртимиз гўзалликлари, халқимизнинг азалий анъаналари, меҳмондўстлиги ҳақида тўлқинланиб гапирди. Мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик бизнес самарадорлигининг асосий кафолати эканлигини алоҳида таъкидлади.

"Банко Билбао Веская Аргентария" ("ББВА") Испаниянинг энг йирик молиявий муассаларидан бири. Ислом Каримов ана шу банк бошқаруви аъзолари билан учрашди. "ББВА Трейд" компанияси раиси ва ижрочи директори Леополдо Лопес Фугет Балистерас, мазкур муассасанинг Европа ва Осиё мамлакатлари бўйича директори Януш Пиотрович ва "ББВА" бош менежерининг ўринбосари Эмилио Хуан билан ўтказилган суҳбат чоғида молиявий муносабатлар ривожи, Испания сармоясини Ўзбекистонга кўпроқ киритишга оид масалалар муҳокама қилинди.

(Давоми 2-бетда).

САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга таваллудининг 65 йиллиги муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, жамоат ташкилотлари раҳбарларидан кўплаб табрикномалар келмоқда.

Уларда Президентимизнинг давлат раҳбари сифатидаги фаолиятига юксак баҳо берилиб, мамлакатимиз истиқлолга эришиши, иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши, халқаро майдонда юртимиз нуфузининг ошиши, Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликнинг таъминланиши Ислом Каримовнинг номи билан бевосита боғлиқлиги таъкидланади.

Америка Қўшма Штатлари Президенти Жорж Бушнинг табрикномасида шундай дейилган:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари,

65 ёшга тўлишингиз муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз. Марказий Осиё ва Афғонистондаги аксилтеррор ҳаракатларимизни қўллаб-қувватлаганингизни беҳад қадрлаймиз. Сизга мустаҳкам соғлиқ, мамлакатингизни тинчлик ва порлоқ истиқбол йўлидан донишмандлик билан бошлаб боришингизда улкан муваффақият ва катта куч-қувват тилайман. Ўзбекистонда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва Марказий Осиёда барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги ишларда бундан кейин ҳам Сиз билан ҳамкорлик қилавериш-дан мамнунман.

Эҳтиром билан,

Жорж БУШ,
АҚШ Президенти.

* * *

30 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси Президентининг махсус вакили, Президент В.Путин маъмурияти раҳбари А.Волошинни қабул қилди. Меҳмон В.Путин номидан Ислом Каримовни таваллуд куни билан самимий табриклади ва Россия Президентининг мактубини топширди:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Туғилган кунингиз билан самимий табриклашга ижозат бергайсиз.

Россияда анъанавий дўстона ва ўзаро манфаатли Россия-Ўзбекистон муносабатларини ўрнатиш ва барқарор ривожлантиришга қўшаётган улкан шахсий ҳиссангиз юксак қадрланади.

Шуниси қувонарлики, давлатларимиз ҳамкорлигининг тўпланган ижобий ва кўп томонлама салоҳияти яқин қўшничилик, тенглик ва ўзаро ҳурмат тамойилларига асосланган икки томонлама алоқаларни ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратмоқда.

Аминманки, Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги самарали ҳамкорлик мамлакатларимиз халқларининг туб манфаатларига мос келади ҳамда Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашнинг муҳим омили бўлиб қолади.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, Ўзбекистон халқининг фаровонлиги йўлидаги масъулиятли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Эҳтиром билан,

Владимир ПУТИН,
Россия Федерацияси Президенти.

* * *

Шунингдек, Украина Президенти Леонид Кучма, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Озарбойжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиев, Арманистон Республикаси Президенти Роберт Кочарян, Туркия Республикаси Президенти Аҳмет Неждет Сезер, Австрия Республикаси Федерал Президенти Томас Клестил, Болгария Республикаси Президенти Георги Парванов, Словакия Республикаси Президенти Рудольф Шустер, Татористон Республикаси Президенти Минтемир Шаймиев, Москва вилояти губернатори Борис Громов ҳам самимий табрик йўллаган.

Табриклар келиши давом этмоқда.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 30 январь куни Россия Федерацияси Президенти маъмуриятининг раҳбари Александр Волошинни қабул қилди.

Учрашувда давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги алоқалар барча жабҳаларда барқарор ривожланиб бораётганини таъкидлади.

— Бундай кенг қамровли ҳамкорлик мамлакатларимиз равнақи учун муҳим аҳамиятга эга, — деди Ислом Каримов.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш, минтақамизда хавфсизликни мустаҳкамлаш, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

ИҚТИСОДИЙ ЯНГИЛАНИШЛАР ВА ХОРИЖ САРМОЯСИ

Тошкентда "Иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган мамлакатларда иқтисодий ислоҳотлар ва хорижий сармояларни жалб этиш жараёни: ўтмиш сабоқлари ва Марказий Осиёнинг ривожланиш истиқболлари" мавзуидаги икки кунлик халқаро конференция бошланди. Ушбу тадбир Иқтисодий тадқиқотлар маркази (ИТМ) томонидан БМТ Тараққиёт Дастури ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати шафеълигида ташкил этилди.

Анжуманда Марказий Осиё мамлакатлари ҳукуматлари, БМТ Тараққиёт Дастури, хусусий сектор вакиллари, Европа мамлакатларидан ташриф буюрган иқтисодиёт масалалари билан шуғулланувчи халқаро экспертлар, шунингдек, техник ҳамкорлик бўйича халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

Конференциянинг ялпи мажлисларида Марказий Осиё давлатларида тузилмавий қайта қуришларни ҳамда уларнинг иқтисодий ривожланиш суръатларини жадаллаштириш мақсадида хорижий сармоялар оқимини рағбатлантириш, хусусий тадбиркорликни ва молиявий инфратузилмани ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ялпи мажлислардан ташқари конференция иштирокчиларини қизиқтирадиган барча мавзулар бўйича норасмий мунозаралар ва маслаҳатлашувлар ўтказилиши ҳам кўзда тутилган. Конференция иштирокчилар учун кенг кўламли мулоқотни таъминлашга қаратилган интерфаол тартибда давом этмоқда. Анжуман иштирокчилари Ўзбекистоннинг қатор етакчи корхоналари ва банкларига ташриф буюради.

Конференциянинг долзарблиги шу билан изоҳланадики, ўзининг геоиқтисодий ва геосиёсий салоҳияти билан ажралиб турадиган Ўзбекистонга ва минтақанинг бошқа давлатларига жаҳон ҳамжамиятининг эътибори йилдан-йилга кучаймоқда. Мамлакатимизда ва минтақа давлатларида иқтисодий муаммоларнинг ҳал этилиши, макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ривожланишга эришиш орқали аҳолининг реал даромадини ошириш — минтақада ижтимоий ва сиёсий барқарорликка эришишнинг энг муҳим омилидир. Шу сабабли минтақамиз давлатларида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва уларнинг жаҳон иқтисодиётига кириб бориши халқаро ҳамжамият томонидан фаол қўллаб-қувватланмоқда.

Конференция иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган мамлакатларнинг хориж инвестицияларини тўғридан-тўғри жалб этиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва молия соҳасини ислоҳ қилиш борасидаги тажрибасини ўрганиш ҳамда Марказий Осиёдаги шароитга мослаштиришда қўл келади. Анжуман иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим масалаларини муҳокама этиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Конференциянинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В.Голишев, Бош вазир ўринбосари, мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Э.Ганиев қатнашди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИНИНГ ИЛМИЙ ЭЪТИРОФИ

Ғарбда бутун дунё нигоҳи қадалган Марказий Осиё минтақасининг марказий давлати бўлмиш Ўзбекистонга эътибор катта. Сиёсатчилар ва иқтисодчиларнинг мамлакатимиздаги ўзгаришларни диққат билан кузатиб боришига табиий ҳол сифатида қараш мумкин, деб ҳисобланса, нуфузли илмий доираларнинг кузатувини улкан ислоҳотлар жараёнига катта қизиқиш, дейиш мумкин.

Ушбу ислоҳотлар, давлат ва жамиятнинг, халқ хўжалигининг барча соҳаларида юз бераётган ўзгаришлар бошида турган Президент Ислом Каримовнинг ташкилотчилик, ташаббускорлик ва ижодкорлик маҳорати шу чоққача хориждаги ўнлаб нуфузли илм даргоҳлари томонидан кўп бор эътироф этилиб, муносиб баҳоланган.

Франциянинг Париж-4 Сорбонна ва Париж-Сюд 11 университетлари "Президентлик фаолиятининг фахрий дипломи"ни таъсис этган. У халқ таълими тизимидаги ислоҳотларга, таълим, илм-фан ва маданиятни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга, шунингдек, халқлар ўртасида дўстона муносабатларни равнақ топтиришга улкан ҳисса қўшган давлат раҳбарларига берилади.

Айни кунларда Париж-4 Сорбонна ва Париж-Сюд 11 университетлари президентлари Жорж Молинье ҳамда Ксавье Шапиюза мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди. 30 январь куни Оқсаройда улар Президент Ислом Каримов қабулида бўлди.

Меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мамлакатимиз раҳбари қадимий "Сорбонна" номи нафақат Франция, балки бутун Европа таълим тизимида эталон сифатида қабул қилинишини, Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг Сорбонна тизимидаги университетларга эҳтироми баланд эканини таъкидлади.

Европанинг энг қадимий университетларидан бири — 1215 йили асос солинган Сорбонна дастлаб 4 факультетга эга эди. Орадан йиллар, асрлар ўтиб, у мисли кўрилмаган даражада кенгайди. 1968 йили Франция олий таълим соҳаси қайта қурилганидан кейин бу улкан университет бир нечта мухтор олий ўқув юртига бўлинди.

"Сорбонна" деган ягона ном билан аталувчи Париж-1, Париж-3, Париж-4 ва Париж-5 университетлари ягона инфратузилма ҳамда умумий маъмурий ва ўқув муассасаларига эга. Университетлараро кутубхона, Олий таълимнинг амалий мактаби, Миллий хартиялар мактаби, Париж университетлари девонхонаси ва Академик ректоратни шулар жумласига киритиш мумкин.

Университетларнинг ҳар бири умумий манфаатга хизмат қиладиган бирор вазифани бажаради. Масалан, Париж-5 университетлараро тиббий хизмат, Париж-4 ягона ҳужжатлаштириш маркази ва радиостанция, Париж-3 маданий марказ ва ахборот агентлиги, Париж-1 матбаа марказига эга. 1770 йили фаолият бошлаган Сорбонна кутубхонасининг бойлиги эса, бошида 20 минг том билан ўлчанарди. 1997 йили ундаги китоблар сони 3 миллиондан ошиб кетди.

Алоҳида олинганда ҳам мазкур университетларнинг ҳар бири — жуда катта таълим муассасаси. Масалан, Париж-4 Сорбоннадаги йигирмага яқин факультетда 25 минг талаба таҳсил олади. Университет ҳузурида бир неча илмий-тадқиқот институтлари, малака ошириш марказлари бор.

1965 йили Сорбонна таркибидан ажралиб чиққан Париж-Сюд 11 ҳақида ҳам шунга монанд маълумотларни келтириш мумкин. Бу ерда 19 ихтисос бўйича 26 минг талаба таҳсил олади. Кўплаб илмий марказлар, технология институтлари ва бошқа муассасалар бор. Илмий тадқиқотлар сифати бўйича ушбу университет Франциядa илғорлардан саналади.

Мазкур икки университет бир неча йилдан буён Ўзбекистондаги олий ўқув юртлари билан самарали ҳамкорлик қилиб келади. Хусусан, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Самарқанд ва Бухоро давлат университетлари билан алоқалар кўлами анча катта.

Оқсаройдаги учрашувда бу ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув якунида меҳмонлар халқ таълими тизимидаги ислоҳотларга, таълим, илм-фан ва маданиятни ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш, шунингдек, халқлар ўртасида дўстона муносабатларни равнақ топтиришга, демократик жамият қурилишига қўшган улкан ҳиссаси учун Ислом Каримовга "Президентлик фаолиятининг фахрий дипломи"ни топширди.

Мамлакатимиз раҳбари бундай эътибор учун миннатдорлик билдирар экан, ушбу диплом Ўзбекистондаги улкан ўзгаришларга Франция илмий доиралари томонидан берилган юксак баҳо эканлигини таъкидлади.

(ЎзА)

ФРАНЦИЯЛИК ОЛИМЛАРНИНГ ЮРТИМИЗДАГИ УЧРАШУВЛАРИ

Франциянинг Париж-4 Сорбонна университети президенти Жорж Молинье ҳамда Париж-Сюд 11 университети президенти Ксавье Шапиюза раҳбарлигидаги делегация вакиллари мамлакатимизнинг қатор идора ва муассасалари, ўқув юртлари раҳбарлари билан учрашди.

Франциянинг ўқув юртлари таълим сифати бўйича дунёда ҳар доим етакчи ўринларни эгаллаб келган. Қарийб саккиз аср муқаддам ташкил этилган Сорбонна университети эса нафақат Франция, балки дунёнинг энг илғор илм даргоҳларидан бири саналади. Жаҳондаги кўплаб буюк олимлар, сиёсатчию иқтисодчилар мазкур университетда таҳсил олгани эса бу масканнинг юксак нуфузини яна бир карра тасдиқлайди. Бутун дунёдан келган минглаб талабалар, шу жумладан, юртимизнинг энг иқтидорли ўғил-қизлари турли йўналишлар бўйича таълим олаётган бу даргоҳ келажакда ҳам дунё сиёсати, иқтисодиёти ва маданиятини бошқарувчи кўплаб буюк арбобларни тайёрлаб бериши табиий.

Бир неча кун давомида меҳмонлар кенг қамровли талай учрашувлар ўтказди. Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бадиий академия, Хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети каби идоралар ҳамда муассасалардаги мулоқотлар чоғида ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш, ҳамкорликда турли дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга оид масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзА).

«КЕЛАЖАК МАКТАБДАН БОШЛАНАДИ»

Таҳририятимизга "Бевосита мулоқот"га тайёргарлик кунларида келган хатларнинг бирида мактабнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ана шундай ибора ёрдамида таърифланган ва бу таърифда катта ҳақиқат бор. Мактаб даври — ҳар бир инсоннинг камолотида ҳал қилувчи босқичлар. Шу боисдан мактаб ва мактабгача таълим ҳақида халқ таълими вазири Р.Ҳ.ЖЎРАЕВ билан "Бевосита мулоқот" ўтказилиши тўғрисида газетамизда чоп этилган хабар кўпчиликда катта қизиқиш уйготди. Мактаб ва мактабгача таълим ниҳоятда кўпчиликни ўйлантириб турган соҳалар эканлиги аён бўлди.

Одамлар ҳаёти тинч, иши юришиб турган бўлса, бировнинг бироз билан иши бўлмайди, хотиржам юраверади. Бу — ҳаёт қонуняти. Қачонки, кўнгилда ташвиш, ҳаётида муаммоси бўлса, унда инсон ўз хотиржамлигини унутади, муаммони ҳал қилишга киришади ва бошқаларни ҳам оёққа турғазади.

Жумладан, "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарининг таклифига рози бўлиб, юртдошларимиз билан "Бевосита мулоқот"га киришган халқ таълими вазирига ҳам бутун мамлакатдаги ўқитувчилар, ўқувчилар, оталар, оддий фуқаролар мактабдай ҳаётий муҳим соҳанинг долзарб муаммоларини кўриб туриб, унга бефарқ бўлмаганликлари учун қўшиноқлар қилишди, саволлар йўллашди. Самимий ва ўзаро ҳамкорликдаги бу мулоқот ҳар икки томон учун ҳам самарали бўлди. Фуқароларимиз учун уларнинг муаммоларини тинглаб, имкон қадар ҳал эта оладиган инсон топилгани фойдали ва қувонарли. Вазирлик учун эса жойлардаги муаммоларни аниқлаб олиб, куч-ғайратни қаерга сарфлаш имконияти аён бўлди. Хуллас, "Бевосита мулоқот" натижаларидан ким қандай хулоса чиқариши ҳар кимнинг ўзига ҳавола.

Муҳими, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида мамлакатимиз таълим тизимида, жумладан, мактаблар ва мактабгача таълим муассасаларида олиб борилаётган ислоҳотлар ривожига бу тадбир бир кичик ва қамтарона ҳиссасини қўша олса, шунинг ўзи бир ютуқдир.

"Бевосита мулоқот" ҳисоботи билан газетамизнинг 5-саҳифасида танишасиз.

ЎЗИНГДАН ЧИҚҚАНИГА НИМА ЕТСИН?!

"Биз бежирим целлофан халтачага солинган бир килограммлик йодланган тузни очиб кўрганимизда, кўзларимизга ишонмадик. Сабаби — туз билан бирга унга майда қум заррачалари ва тошчалар ҳам қўшиб қадоқланиб юборилган эди."

2-бет

ЖАСОРАТ

Мактаб, лицей, коллеж, институт, университетларимизда яхши фазилатлар — ватанпарварлик, чет тилига қизиқиш, одоб... каби жасорат тарбиясини ҳам кун тартибига қўйиш керак.

3-бет

БУРГУТ БОЛАНИНГ ҚАНОТИ ҚАЙРИЛДИ

"...Томонлар бир битимга келишишди. Бургутов кечиримли экан. Бозоровга раҳм-шафқат қилди. 10 минг АҚШ долларини берса ва илтимос қилинган болани лицейга жойлаштирса, гуноҳидан кечадиган бўлди."

6-бет

ЖОНИВОРЛАР УЧУН ЎЙИНЧОҚ

Британиялик фермерлар 90 кун ичида боқилаётган уй ҳайвонларини ўйинчоқлар билан таъминлашлари лозим, йўқса улар уч ойга қамоқ жазосига маҳкум қилиниши мумкин.

7-бет

ПОЛВОНЛАР

Шер билан шер олишса,
енголмайин қийналар.
Раҳмон, агар енгилсанг,
Исмат қишлоғингдан ўйланар.

8-бет

ИНСОН. РАҲБАР. ЙЎЛБОШЧИ

Бразилиялик номи жаҳонга машҳур адиб Пауло Коэлонинг Озод Шарафиддинов зўр илҳом-иштиёқ билан ўзбек тилига таржима қилган ғаройиб романи «Алкимёгар»да шундай эзгу ғоя илгари сурилган: бу ёруғ дунёга келган ҳар бир инсон зурёди борки, ким бўлишидан қатъи назар, унинг ҳаётда муайян миссияси — биз биладиган ва билмайдиган ўз ўрни, хизмати бор. Модомики шундай экан, бу дунёдаги илмлар ичида энг буюги, муқаддаси инсон зотини, умри мазмунини англаш, ўзгаларга англатиш илмидир. Айниқса, ҳаётини халқ эрки, миллат равнақи, маънавияти йўлига тиккан фидойи инсонлар — миллатнинг асл ўғлонлари ҳақида ёзиш, бундай шонли умрнинг асл моҳиятини, сир-асрорини очиб бериш ғоят масъулиятли ва савоб ишдир.

Озод Шарафиддинов сўнгги йилларда инсоншунослик деб ном олган сўз санъати дарғалари, устоз адиблар, қаламкаш дўстлари, шунингдек, илм-фан, маърифат аҳли, жамоат арбоблари ҳақида бири-биридан гўзал ўнлаб бадиа-очерклар яратди. Уларнинг ҳар бири оғизга тушди, жумоатчилик орасида катта қизиқиш уйғотди. Бадиалар қаҳрамони муаллифга шахсан таниш, дилига яқин кишилар бўлгани, айни ўша шахсий дахлдорлик, ёрқин хотиралар асарларга ажиб самимият бахш этади, бу асарлар саҳифаларида замондош алломаларнинг сиймосида бор бисоти, бутун жозибаси билан кўз олдингизда гавдаланади, улар худди бадиий асардек мароқ билан ўқилади.

Мана шу фазилатларнинг барчаси адибнинг «Мустақиллик меъмори» деб аталган рисоласида ўзига хос тарзда янгидан намоён бўлган.

Президентимиз Ислом Каримов тўғрисида ўзимизда ҳам, хорижда ҳам иқтисодчи, тарихчи олимлар, сиёсатшунос, файласуф ва ёзувчилар томонидан кўплаб битиклар, китоблар, тадқиқотлар яратилди. Саид Аҳмад, О.Ёқубов, П.Қодиров, А.Орипов, Э.Воҳидов, Ў.Ҳошимовлар қаламига мансуб бадиалар кўпчиликка яхши таниш. Устоз О.Шарафиддиновнинг «Адолат» нашриётида чоп этилган рисоласи уларнинг бирортасини ҳам такрорламайди. «Мустақиллик меъмори» адабиёт майдонида ярим асрдан бери ҳақиқат, адолат учун мардона кураш олиб борган, мустабид тузум таъқиби, тазйиқи шароитида ҳам ҳақ сўзини айта олган, фақат мустақиллик йилларидагина елкасига офтоб теккан, истиқлолдан, истиқлол меъморидан руҳ, мадад олиб ёниб, тўлиб-тошиб ижод қилаётган, шу йиллар давомида фаол жамоатчи-арбоб даражасига кўтарилган адабиётшунос олим, адибнинг улуғ ва шарафли йўлда дадил илгарилаб бораётган улкан карвон сарбони тўғрисидаги дил сўзларидир.

Президентимиз бошчилигида истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилган асрларга татигулик буюк ўзгаришлар, улкан ишлар, туб ислоҳотлар, катта йўлдаги муаммолар ҳақидаги бетиним ўй-мушоҳадалари самарасидир. Бу сўзларни фақат Озод акагина айтиши мумкин ва у бунга тўла маънавий ҳақлидир.

«Шундай одамлар борки, улар билан ҳар бир учрашув кўнгилда ўчмас из қолдиради, — деб ёзади муаллиф. — Ислом Абдуғаниевич Каримов ана шундай одамлар сирасига киради. У киши билан ҳар учрашганимда кўнглимда қандайдир нурли туйғулар пайдо бўлар, улардан бутун вужудимга алланечук қувват югургандек туюлар эди» (25-бет).

Асарда ана шундай учрашувларга оид бир неча лавҳалар келтирилади. 80-йиллар охирларида вилоят конференциясидаги ғаройиб ҳодиса, мажлисда олимнинг расмиятчилик руҳига зид таклифи ва бу таклифнинг кутилмаганда Ислом Каримов томонидан қўллаб-қувватланиши муаллиф кўнглига илк бор нур олиб кирган. Бир қарашда бу арзимас ҳодисадек кўриниши мумкин. Аммо Озод ака учун бу ҳаётидаги бурилиш нуқтаси эди. У кўп йиллик фаолияти давомида республика биринчи раҳбари томонидан илк бор ҳимоя қилиниши эди. Орадан кўп ўтмай, Москва сафари чоғи самолётдаги учрашув, Ёзувчилар уюшмасидаги нохуш аҳвол ҳақидаги очиқ суҳбат, сўнг бирин-кетин турли даврадардаги мулоқотлар... Муалллифнинг чин дилдан айтган мана бу эътирофини ўқиб кўринг-а:

«Мақтанишга йўймайсиз-у, муҳтарам ўқувчим, мустақиллик йилларида мен Президентимизнинг диққат-эътиборини, ғамхўрлигини мунтазам равишда сезиб келмоқданман. Зарур топган чоғларида мени ҳузурларидаги баъзи бир муҳим мажлисларга таклиф қиладилар. Бетоблик пайтларимда вакилларини юбориб, ҳолимдан хабар оладилар, мақолаларимни ўқиб, фикр-мулоҳазаларини айтадилар. Давлат ишлари билан ҳар қанча банд бўлишларига қарамай, назаримда, у киши мени муттасил кузатиб тургандек туюлади. Бундай эътибор менга жуда катта куч-қувват беради, бамисоли қанот бағишлайди. Президентнинг назарига тушиш — халқнинг назарига тушиш билан баробар. Айниқса, ёш улғайган бир даврда бундай эътиборга эришиш — зўр бахт».

Ҳолбуки, Президент 25 миллион одамнинг ташвиши билан яшайди. Муаллиф ёзганидек, 25 миллион одамнинг тинчлиги, хавфсизлигини ўйлаш, ишлаши, ўқиши, ҳаёт кечириши учун шароит яратиб бериш, мамлакатнинг эртанги куни ҳақида қайғуриш — осон гапми... 25 миллион одамнинг ҳар қайсиси ҳар хил табиатга, ҳар хил савияга эга — Президент улар ўртасида ҳамжиҳатликни таъминлаши керак. Масалан, бирор жойда бирор одамнинг бурни ноҳақ қонамадимикин, кимдир адолатсизлик ё бедорликдан азият чекмадимикин, бирор нокас амалдор деҳқоннинг ҳақига кўз олайтирмаяптими, бирор юлғич пахтакорнинг ҳақини еб кетаётгани йўқми, ҳамманинг қора қозони қайнаб турибдими... Президентимизнинг халққа мурожаат қилиб, чуқур ҳаяжон ичида кўп бор айтадиган «азиз дўстлар, мен сизларни яхши кўраман, ҳамма ларингизни бағримга босгим келади», деган гапларида заррача ясамалик йўқ.

Ҳар қанча муҳим бўлмасин, Президент фаолияти шулар билангина чекланмайди. Мамлакатни ғалла, нефту газ билан таъминлаш, иқтисодни янги асосда юритишдан тортиб юртимиз сарҳадларини даҳлсиз асраш, бу йўлда турли давлатлар билан тил топиш, инсон руҳияти, маънавияти, миллий қадриятларни кўз қорачиғидай асраш, таълим-тарбия, спорт, халқаро алоқалар, хорижий мамлакатларга сафарлар, нуфузли халқаро анжуманлардаги дадил чиқишлар, юртимизга ташриф буюрган турли давлат, жамоат арбоблари, элчилар, донгдор бизнесменлар, санъат, маданият арбоблари билан мулоқотлар — булар кишидан қанчадан-қанча жисмоний ва руҳий куч, қанчадан-қанча ақл-заковат талаб қилади.

Китобда йўл-йўлакай Ислом Каримов ҳаёти, фаолияти билан боғлиқ республикамизнинг кейинги 15 йиллик тарихига назар ташланади: қизил империя салтанатининг охирги таҳликали кунлари, халқимиз бошига ёғдирилган маломатлар, 37-йилни эслатадиган қатағонлар, кўзга кўринмас кучлар томонидан уюштирилган фитналар, ношуднотавон раҳбарлар уқувсизлиги туфайли юз берган кўнгилсизликлар... Она юртни мана шундай танг аҳволдан, бўҳрондан олиб чиқишга қодир раҳнамо керак эди бу қадим шавкатли мамлакатда. Оллоҳ бизга ана шундай Юртбошини насиб этди. Китобда кураш жабҳаларида, шунингдек, истиқлол ғояларини ҳаётга татбиқ этишда намоён бўлган унинг инсоний фазилатларини, етук замонавий сиёсатчи, мустақил давлат раҳбарига хос хислатларини очиб беради.

Президентимизнинг «Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, кам бўлмаймиз ҳам» деган сўзлари аллақачон юртимиздаги ҳар бир фуқаронинг дил шиорига айланган. «Лекин бу ҳақиқатни амалда — ишда ва ақл-заковатда исбот ҳам қилиб бериш керак, — дейди муаллиф. — Мен Президентимизнинг бу қийин вазифани ҳам шараф билан ўринлатганини, бутун дунёнинг ўзига бино қўйган казо-казо арбоблари унга эҳтиром билан пешвоз чиқиб, эҳтиром билан кузатиб қўяётганини, у билан ҳисоблашаётганини, уни дўст сифатида ўзига яқин олиб, бу билан ифтихор қилаётганини кўриб беҳад тўлқинлашиб кетаман, она юртимнинг, қадрдон халқимнинг жаҳон тарихида ўзига муносиб ўринга эга бўлиб бораётганидан бошим кўкка етади.

... Йўқ, у ойлар номини янгиламади, ўзига олтиндан ҳайкаллар ясатмади, аксинча, у она юртимизнинг улуғворлигини ҳар биримизга яққол намоён қилиб берди».

Инсоний ғурур, миллий ифтихор туйғуси жуда баланд бу улкан сиймода танқидий тафаккур ҳам ниҳоятда кучли. Ҳар гал Олий Мажлис сессияларида, бошқа анжуманларда нафақат ютуқларимиз, балки ҳал қилинмаган муаммолар, иқтисодий мураккабликлар, иқтисодимиз нималарда оқсаб қолаётгани ҳақида бор ҳақиқатни дангал айтади, жамоатчилигимиз, халқимизни бу муаммоларни бартараф этишга чорлайди. Кўп бор кузатганмиз: камчиликлар, муаммолар устида гап кетганда у олдиндан тайёрланган матнни нарига суриб қўйиб, юракдан астойдил куйиб-ёниб гапиради.

Гоҳо Ўзбекистонда ошкора танқид, ўткир масалаларни дадил кўтариб чиқишга имкон йўқ, деган гапларни эшитамиз. Биз баҳс юритаётган китоб муаллифининг публицистик фаолиятини шу жиҳатдан бир эслаб кўрайлик. Кейинги йилларда бу одамнинг радио ва телевидениедаги чиқишларида, журналистларга берган интервьюларида, журнал ва газеталардаги мақолаларида дадил кўтариб чиққан кескин муаммоларни санаб саноғига етиш қийин. Бу борада унга тенглашадиган бирор журналист борми?! Энг муҳими, мана шундай дадил чиқишлар республика раҳбарияти томонидан маъқулланяпти, Президентимиз Озод Шарафиддиновни биринчи галда самимияти, шижоати, ҳақ сўзи учун қадрламоқда.

Муаллифнинг қуйидаги дил сўзлари ушбу тақризимизга хулоса вазифасини ўтар деган умиддамиз:

«Мен Ислом Каримовнинг асарларини ўқиб, унинг турли вазиятлардаги феъл-атворини кузатиб, қилган ишларини кўриб, шундай хулосага келдимки, бу инсон ҳеч қандай қолипни тан олмайди, ҳар қандай вазиятда самимийлигини сақлаб қолишга интилади, расмиятчиликни жинидан бадтар ёмон кўради ва ҳар қандай шароитда ҳам инсоний мантиқ асосида фикр юритиб иш тутишга одатланган. У ниҳоятда заковатли, зеҳни ўткир, ҳар қандай чигал муаммонинг ҳам туб моҳиятини кўра билади. Хуллас, улкан сиёсатчи учун зарур бўлган барча ноёб фазилатларга эга. Буларнинг ёнига жасурлик ва дадиллик қўшилиб, уни бениҳоя қатъиятли инсонга айлантирган. Айни чоғда, одамларнинг табиатини яхши ҳис қиладиган, уларга ишонадиган, улардаги яширин куч ва имкониятларни кашф эта оладиган раҳбар... эҳтимол: сиз ҳам фикрларимга қўшиларсиз ва мен билан бирга Оллоҳ таоло ўзбек халқига ҳар жиҳатдан муносиб Йўлбошчи ато этганига қувонарсиз».

Умарали НОРМАТОВ.



ҚАДИМИЙ ДЎСТЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Испания парламенти икки палатадан — Сенат ва Депутатлар конгрессидан иборат. Ислом Каримовнинг мамлакат олий қонун чиқарувчи органига келиши муносабати билан Сенат ва Депутатлар конгрессининг доимий қўмиталари қўшма йиғилишга тўпланди.

Сенат раиси Хуан Хосе Лукас Хименес Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида етакчи ўрин тутишини, мамлакатнинг бозор иқтисодиётига ўтиш борасида ўзига хос йўлни танлагани жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланишини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистондаги парламент ислоҳоти, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ва таълим соҳаларидаги ўзгаришлар, минтақадаги бугунги вазият ҳақида сўзлади. Икки мамлакат парламентларининг ўзаро алоқасини кучайтириш зарурлигига эътиборни қаратди.

Давлатимиз раҳбарига парламентнинг махсус медали ва 1978 йилда қабул қилинган Испания конституциясининг нусхаси тақдим этилди. Конституция ҳар бир давлатнинг эркинлиги ва мустақиллигини кафолатловчи бош қонундир. Шунинг учун ҳам у энг азиз меҳмонларга, мамлакатнинг яқин дўстларига туҳфа этилади. Ислом Каримов Сенатнинг "Олтин китоби"га дастхат битди.

Ташриф асносида бир неча икки томонлама ҳужжат имзоланди. Ўзбекистон Республикаси билан Испания Қироллиги ўртасида Сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисида битим, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан Испания Қироллиги Иқтисодиёт вазирлиги ўртасида ҳамжиҳатлик меморандуми, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан Испания Қироллиги Ташқи ишлар вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги маслаҳатлашувлар меморандуми шулар жумласидандир.

Ушбу ҳужжатлар орқали ҳамкорликни оқсатаётган кўпгина муаммоларга ечим топилади. Иқтисодиёт вазирликлари муносабатларининг расмийлаштирилиши уларнинг ўзаро алоқаларни фаоллаштириши, камчиликларни баҳамжиҳат ҳал этиб, сармоя, товарлар ва хизматлар оқимига кенг йўл очишига имкон яратади. Сармояларнинг қонунан рағбатлантирилиши ва ҳимоя қилиниши эса ишбилармонларнинг бир-бирига ишончини мустаҳкамлайди.

Ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида ҳужжат имзоланиши улар зиммасига савдо-иқтисодий ҳамкорлик доирасидаги ишларни мувофиқлаштириш баробарида, икки мамлакат муносабатларига оид бошқа масалаларни бамаслаҳат ҳал этиш вазифасини юклайди.

Ўзбекистон Президенти Мадрид шаҳри мэриясига ташриф буюрганида мэр Хосе Мария Алварес дел Манзано Ислом Каримовга тантанали равишда ўз шаҳрининг рамзий "Олтин калити"ни топширди. Европанинг қадимий ва гўзал шаҳарларидан бири бўлган Мадрид эшиклари Ўзбекистон халқи учун доим очиқ эканлигига ишора эди бу.

Мадрид жамоатчилиги билан бўлиб ўтган учрашувда давлатимиз раҳбари шаҳарнинг ўзига хос чиройи, меъморий ечими, тарихий бинолари катта таассурот қолдирганини таъкидлади. 600 йил аввалги Мадрид ҳам жуда гўзал бўлган. Испания Қироллиги билан мустаҳкам алоқа ўрнатган Соҳибқирон Амир Темур Муҳаммад ал Қозийни ушбу давлатга элчи қилиб жўнатган.

Таъкидлаш жоизки, учрашув қадимий Испаниянинг машҳур элчиси Руи Гонсалес де Клавихо номи билан аталадиган кўчада жойлашган бинода бўлиб ўтди. Мэрнинг айтишича, Клавихо соҳибқирон Амир Темур ҳузурига тарихий сафарга отланганига бу йил 600 йил тўлади. Шу муносабат билан шаҳар маъмурияти мазкур сафар ва ўша давр ҳақида кўргазма тайёрлаш ниятида экан. Мэр жаноблари мамлакатимиз раҳбаридан ушбу тадбирни ўтказишда ҳамкорлик ва ёрдамини аямаслигини сўради. Кўргазмани кейинроқ Тошкент ва Самарқандда ҳам ўтказиш таклифини айтди.

Испания сайёҳлик юксак даражада ривожланган давлатлар сирасига киради. Биргина ана шу соҳадан ҳар йили мамлакат ғазнасига 34 миллиард АҚШ долларига яқин маблағ тушади. Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг (ЖСТ) бош қароргоҳи Мадридда жойлашгани ҳам бежиз эмас.

Ўзбекистоннинг сайёҳликни ривожлантириш борасидаги имкониятлари бу мамлакатникидан қолишмайди. Ислом Каримов ЖСТ бош котиби Франческо Франжиадини қабул қилган чоғида Ўзбекистондаги ана шу имкониятдан самарали фойдаланишга оид масалалар муҳокама қилинди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон билан Испания ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очилди. Президентимизнинг ташрифи, учрашувлар давомида эришилган келишувлар, имзоланган ҳужжатлар тез орада ўз самарасини беришига шубҳа йўқ. Зеро, ташриф давомида томонларнинг юқори кайфияти, бир-бирига юксак ҳурмати яққол намоён бўлди. Бу эса истиқболда ҳамкорликнинг янги-янги қирралари очилиши, қўлами янада кенгайишига ишончни мустаҳкамлайди.

Озод РАЖАБОВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент-Мадрид-Тошкент.

СУРАТЛАРДА: ташриф пайтидан лавҳалар.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.

Давримиз қомуси

«Мулоқот» журнали таҳририятида Президент Ислом Каримовнинг «Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак» деб номланган китобига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбек халқининг тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи илк бор рўёбга чиққанидан сўнг Юртбошимиз 1992 йилда ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли асарини эълон қилди. Кейинги ҳаётимизга мана шу асар дастуриламал бўлиб, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини белгилаб берган эди. «Мулоқот» ўз вақтида бу асарни «Мустақиллик, поклониш ва тараққиёт қомуси» деб таърифлади.

Журнал бош муҳаррири Барот Бойқобилов давра суҳбатини очар экан, «Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак» деб номланган ўнинчи жилднинг чоп этилишини тарихий воқеа дея баҳолади. Давра суҳбатига йиғилган журнал таҳрир ҳайъати аъзолари, таниқли файласуфлар, сиёсатчилар ва ҳуқуқшунослар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари, академик Мурод Шарифхўжаев, юридик фанлари доктори, профессор Акмал Саидов, сиёсатшунослик фанлари доктори, профессор Нарзулла Жўраев, Ўзбекистон Республикаси Матбуотни қўллаб-қувватлаш жамғармаси раиси Хуршид Дўстмуҳаммедов, шунингдек, тарих фанлари доктори, профессор Дилором Алимова, профессор Азиз Тўраев, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши котиби Аслиддин Рустамов китобда давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатидаги ўзига хос тамойиллар, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш ва жамиятда тадбиркорликни кенг қарор топтириш, сиёсий қарашларга эркинлик бериш сингари долзарб масалалар теран таҳлил этилганини қайд этиб ўтдилар.

Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ.



Конвейерда — мини тракторлар

«Тошкент трактор заводи» ҳиссадорлик жамияти — мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасининг юраги, десак асло муболаға бўлмайди. Чунки бу ерда ўтган 60 йил мобайнида 630 мингта трактор ва 1 миллион 200 минг дона тележка ишлаб чиқарилиб, деҳқонларга етказиб берилди. Айни кунларда корхонада хитойлик шериклар билан ҳамкорликда мини тракторлар тайёрланмоқда. Улар деҳқон ва фермер хўжаликлари учун мўлжаллангандир.

СУРАТЛАРДА: заводнинг фахрий ишчиларидан бири, «Шуҳрат» медали соҳиби Хушмурод Умарқулов: конвейердан чиққан яп-янги мини тракторлар ўз эгаларини кутмоқда.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

Ўзингдан чиққанига нима етсин?!

Журналист суриштируви

Газетамизнинг аввалги сонларида республикамиз корхоналарида локализация дастури асосида импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида дадил қадамлар қўйилаётганлиги, натижада мамлакатимизнинг қанчадан-қанча валюта заҳираси тежаб қолинаётганлиги хусусида сўз юритгандик. Бугун эса ана шу импорт ўрнини босувчи маҳсулотларга нисбатан истеъмолчиларнинг муносабатлари ҳақида фикр юритмоқчимиз. Шу мақсадда пойтахтимиздаги бир қатор савдо дўконларидаги аҳвол билан яқиндан танишиб, харидорлар билан суҳбатлашдик.

"Буюк ипак йўли" метро бекати ёнидаги "Хумо—3. Х." хусусий савдо дўкониданмиз. Ростини айтиш лозимки, ҳали дўконга кириб улгурмасингизданоқ, савдо расталаридаги ўндан ортиқ турдаги бежирим идишларга қадоқланган яхна ичимликлар, озиқ-овқат, консерва ва қандолат маҳсулотлари эътиборингизни жалб этади. Буларнинг ҳаммаси "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компанияси, "Ёғмойтамакисаноат" уюшмаси, "Ўздонмаҳсулот" корпорацияси тизимига кирувчи корхоналарда ишлаб чиқарилган эди.

—Бундан беш-олти йиллар аввал бизда асосан хориждан келтирилган маҳсулотлар сотиларди, — дейди дўкон соҳиби Ҳамидулла Шодиев. — Эндиликда импорт маҳсулотлари ўрнини ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар эгаллай боқлади. Кўриб турганингиздек, сотувга қўйилган маҳсулотларнинг қарийб 70-75 фоизи республикамиз корхоналарида тайёрланган. Асосийси — улар арзон, сифатли ва ишончли. Шунинг учун бўлса керак, бундай маҳсулот турларига талаб юқори бўлаяпти.

Бу ердан чиққач, "Дилноз" хусусий фирмасига қарашли савдо дўконини кўздан кечирарканмиз, қизиқ манзарага дуч келдик. Растадаги «Ulker» қўшма корхонасида тайёрланган қандолат ва "Магдаленас" номли кекс маҳсулотларининг сақланиш муддати аллақачон ўтиб кеттанига қарамасдан, сотувга қўйиб қўйилганлиги бизни ажаблантирди. Ўзини таништиришни истамаган сотувчи йигитдан бунинг сабабини сўраганимизда, у мулзам тортишдан нари ўтолмади. Ҳаттоки, бу маҳсулотларга тегишли ҳужжатларни ҳам кўрсатолмади. Фақатгина ундан бу дўкон Нозим ака деган кишига тегишли эканлигини зўрға билиб олдик.

Собир Раҳимов туманидаги "Солиҳ — Табассум" хусусий савдо корхонасида бўлганимизда эса, сотувдаги маҳсулотларнинг қарийб 90 фоизи маҳаллий хомашё ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулотлар эканлигига амин бўлдик.

— Мана бу бежирим целлофанларга қадоқланган пишлоқлар Косонсой туманидан олиб келинган, — дейди дўкон соҳиби Солиҳ Розиқов, гематоген ва печенье маҳсулотлари Тошкентдаги "Гемос" масъулияти чекланган жамиятидан, мармалед, музқаймоқ "Парвина" қўшма корхонасидан, сариёғ эса "Браво" қўшма корхонасидан, йодланган ва оддий ош тузлари "Ёқут" ҳамда "Орзу ош тузи" фирмаларидан келтирилган, уларнинг барчаси давлат стандарти томонидан берилган махсус сертификатларга эга. Шу боис ҳозирга қадар сифати бўйича харидорлардан эътирозлар билдирилганича йўқ.

«Аския» бозоридаги дўконларда ҳам асосан республикамиз корхоналарида тайёрланган маҳсулотларни учратиш мумкин. Хилма-хил маҳсулотларга лиммо-лим тўлган расталарни айланарканмиз, бежирим ёрлиқлар билан рисоладагидек қадоқланган яхна ичимликлар эътиборимизни тортди. Нархи ҳам бор-йўғи 250 сўм. Ундан бир дона харид қилгач, ишхонага қайтдик. Шоша-пиша уни очиб, пиёлаларга тўлдирдик. Хушбўй ҳидли бу яхна ичимликни сипқорганимиздан сўнг бир-биримизга ажабланиб тикилиб қолдик. Сабаби — иккимизнинг ҳам оғзи-лўнжимиз сап-сариқ рангга бўялиб қолганди. Аниқлашимизча, бу маҳсулотлар Юнусобод туманидаги "Нико - сервис" хусусий корхонасига тегишли экан. Германия концентрати асосида тайёрланган бу маҳсулотга газ қўшилганлигини ҳисобламаса, унинг қуруқ бўёқ кукунидан тайёрланганлигига амин бўлдик. Албатта, унинг инсон саломатлиги учун қанчалик фойда ёки зарарлигини энди тегишли мутахассислар аниқлаб беришади.

Юнусобод туманидаги янги улгуржи бозоридаги дўконлардан бирида савдо қилаётган аёлнинг суҳбати эътиборимизни қаратди.

— Йўқ, Россияники эмас, ўзимизда ишлаб чиқарилгани бор эдику? Ҳаҳ, номи нимайди? — дея у сотувчига мурожаат қиларди.

— «Нима демоқчи экан, бу аёл?» деб бироз уларнинг гапига қулоқ тутиб турдик. Маълум бўлишича, у ўзимизда ишлаб чиқарилган "Горчица" ва "Кетчуп"дан харид қилишни истаётган экан. Товарнинг ёрлигига қарасак, бу маҳсулотлар "Йўлдошев" хусусий ишлаб чиқариш фирмасида тайёрланаркан. Бириси 285 грамм, яна бошқалари бир килограммлик елим идишларга, чиройли ёрлиқлар билан қадоқланган бу маҳсулотларни кўриб, ҳақиқатдан ҳам, завқимиз келди.

Биз ўзини Льюбов Андревна деб таништирган бу аёлдан нима учун айнан шу маҳсулотларни харид қилаётганлигини сўрадик.

— Ўтган сафар ҳам шу корхонанинг маҳсулотини харид қилгандим. Оиламизга ёқди, шекилли, яна шундан олиб келинг, деб "буюртма" беришди. Тўғри-да, ахир, ўзимизнинг маҳаллий хомашёдан тайёрланган маҳсулотларга нима етсин! Бунинг устига, арзон, сифатли ва ишончли.

Шу бозордаги якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланаётган Камоллидин Орифжоновни ҳам суҳбатга тортганимизда, у шундай деди:

— Етти хил маҳсулот билан савдо қиламан, ҳаммаси ўзимизда тайёрланган. Айниқса, картошка чипсисининг харидори чаққон. Бундан ташқари, юз граммдан қадоқланган писта, бодом ва бошқа турдаги истеъмол маҳсулотлари ҳам харидоргир.

Шаҳар дўконларида бир пайтлари эл оғзига тушиб, кейинчалик топилмас матоҳларга айланиб қолган "Ўртоқ", "Лаззат" "Клариса", "Уфқ" сингари қандолатчилик корхоналарининг маҳсулотлари пайдо бўлиб, Россия ва Украина корхоналарида тайёрланган ширинликлар билан рақобатлашаётганлиги, айниқса, бизни қувонтирди. Улар қаторида кичик ва ўрта бизнес субъектларидан "Зебунисо она" хусусий ишлаб чиқариш корхонаси ўзининг конфет, карамель ва бошқа турдаги қандолатчилик маҳсулотлари билан ички бозоримиздан муносиб ўрин олаётганлиги ҳам таҳсинга лойиқдир.

"Сифат" хусусий корхонаси томонидан савдога чиқарилаётган бир-икки килограммлик ҳажмдаги ош тузини харид қилганмисиз? Биз бежирим целлофан халтачага солинган бир килограммлик йодланган тузни очиб кўрганимизда, кўзларимизга ишонмадик. Сабаби — туз билан бирга унга майда қум заррачалари ва тошчалар ҳам қўшиб қадоқланиб юборилган эди. Таомга биринчи галда маза киритадиган маҳсулотга, шунчалик муносабатда бўлиш гуноҳ эмасми?

Суриштирув давомида яна шу нарса аён бўлдики, республикамизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархини янада арзонлаштириш имкониятлари мавжуд экан. Аммо сўнгги пайтларда туманлар ҳокимликлари қошидаги комиссиялар божхоналар томонидан мусодара қилинган маҳсулотларни бозордагидан икки-уч баравар ортиқ нархлаб, дўконларга мажбурлаб тиқиштиришга уринаётганликлари ва банклардаги хизмат ҳақларининг ой сайин ортиб бораётганлиги нархноларнинг суньий равишда ошишига сабаб бўлмоқда. Албатта, биз бу билан кимларнидир айбламоқчи эмасмиз.

Фақат, дўконларимизда сотилаётган ранг-баранг маҳсулотлар халқимизга арзон нархларда етиб боришининг тарафдоримиз, холос.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,
"Халқ сўзи" мухбирлари.

Бизда «истеъмолчи ҳуқуқлари», «маънавият», «ислоҳот», «Ватан», «тадбиркорлик» каби кўп сўзлар бугунги кунимизни янгича тушуниш, тушунтириш учун фаол ишлатилаяпти. Нега жасорат сўзи кўп ишлатилмаяпти. Жасорат кам учраяптими? Ёки жасоратли ишларни бошқача – фидокорлик, ватанпарварлик деб атаётибмизми?

*Ўзбекистонда мана шу фазилатнинг энг ёрқин соҳиблари кўксига тақиш учун Жасорат медали жорий қилинган. Медаль мағзига **«JASORAT»** деб ёзилишининг ҳикмати нимада экан? Балки бу муҳташам сўзнинг маънолари жасур ватандошларимиз, замона қаҳрамонларининг сиймолари орқали очиб берилса янада тиниқ кўринар?*

ЖАСОРАТ

Маънавий янгиланиш турли тадбир, воситаларни қўллаб миллатни ғафлатдан – ҳушёрликка, билмасликдан – билишга, номаълумдан – маълумга, зарардан – фойдага, саволдан – жавобга, муаммодан – ечимга, камбағалликдан – бойликка олиб ўтиш йўлларидан биридир. Бундан ҳар бир соҳа (пахтачилик, товар ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, таълим-тарбия, иқтисодиёт, савдо, фермерлик, медицина, банк иши ва ҳ.к.) асабларга эмас, фазилатларимизга таяниб, ҳеч бир зўриқишсиз гуллаб-яшнаб кетади. Чунки муаммоларни пайдо қиладиганлар ҳам, уни ечадиганлар ҳам – ўзимиз. Ечим ўзимизда, ташқарида эмас. Бунинг учун бугун биз Инсон омилини ана шу муаммоларни ечиш учун энг зарур бўлган фазилатлар билан қуроллантиришимиз керак. Ана шулардан бири – жасоратдир.

Одатда жасорат дейилганда қандайдир экстремал вазият: сув тошқини, ер қимирлаши, ёнғинга ўхшаган ҳалокатли дамларда кўрсатилган қаҳрамонлик ҳақидаги хабарни қута бошлаймиз. Худога шукур, Ватанда барқарорлик собитлигидан хотиримиз жам. Бугуннинг жасорати қандай, у нимада кўринади? Ҳар куни, ҳар бир соҳада жасорат учун жой-ўрин бор. Ҳозирги даражамиздан-да яна юксакроққа кўтарилишимизга фойда берадиган ижодкор ғояларни кўтариш, тўсқинлик қилаётган муаммоларни ечишга биринчилардан бўлиб ташланиш мумкинку. Демак, биз тинч, барқарор ҳаётимиздаги бунёдкор жасоратга ўзимизни тайёрлашимиз керак бўлади.

Жасорат – арабча сўз. У азалдан жасурлик, шижоатлилик, баҳодирлик, қаҳрамонлик каби сўз-сифатларга тенг нодир сифат бўлиб келади. Барча замон, маконларда, ҳамма халқлар ўз марказий кўчалари, майдонлари, театрлари, хиёбонларини энг жасоратли фарзандлари номи билан атайдилар. Улар фақат қаҳрибийлар эмас, олимлар, ёзувчилар, шоирлар бошқа соҳибкорлар ижодда, меҳнатда жасорат қилганлар. Демак жасорат касб танламайди.

Жасорат туғма эмас. У болаликдан бизни ижтимоий тарбиялаган маънавий муҳит ва мақсадли, изчил тарбия натижаси. Шу сабабли тарбия орқали ҳар бир ўзбекистонлик ўғил-қизимизни жасур қилиб етиштирса мумкиндир. Жасоратни аввал уларнинг ўйларига, кейин ҳаракатларига сингдириш махсус, натижали иш деб қаралса. Чунки жасоратли тафаккур – ўйлашда, жасоратли характер – ҳаракатда шаклланади.

Бу – аксиома.

Бунинг жуда кўп усуллари бор. Биттаси – ўғил-қизларимизни ўзидаги қўрқув, иккиланиш, журъатсизликни енгишга ўргатиб, машқ қилдириш. Масалан, бола қоронғиликдан қўрқса, у тез-тез (енгил-енгил) қоронғуликка киритила борилса, қўрқмай қўяди. Нутқ сўзлашга уяладиган ўқувчи, талабаларни кўпроқ очиқ сўз талаб қилинадиган, бошқаларга бирор нарсаларни тушунтириб, уюштириш билан боғлиқ вазиятларга, ёлғончи болаларни ростлик тақозо қилинадиган вазиятларга атайлаб солиб, ўргата бориш лозим. Чунки, болани сувга туширмай сузишга ўргатиб бўлмайди. Болаларимизни кичик-кичик дадиллик, жасоратталаб вазиятларга солмасак, жасорат тарбиясини махсус, натижали иш деб билмасак, улар фақат қўшиқ, шеър, ғазал билан жасур бўлиб қолмайдилар.

Мактаб, лицей, коллеж, институт, университетларимизда яхши фазилатлар – ватанпарварлик, чет тилига қизиқиш, одоб, андиша, ибо, ҳаёни тарбиялашга эътибор яхши. Айни вақтда миллатнинг суягини қаттиқ, мускулини чайир, иродасини – метин, ақлини – олмос қилувчи жасорат тарбиясини ҳам кун тартибига қўйиш керак. Айрим ёшларимизнинг ҳоҳил ақидапарастлар домига тушиб қолганликларининг бош сабаблари – уларни авраётган даъватчининг олдида қўйдек бўлиб туравергани эмасми? Даъватчининг ҳоҳил кўзларига тик қараб, омбурдек қудратли қўллари билан «Қани, юр-чи!» – деб уни кўпчиликнинг олдига олиб чиқиб, фош қила олмаганлиги, ожизлиги, жасоратсизлиги эмасми?!

Агарда биз кеча ўзимиз дарсда айтган жасорат ҳақидаги ривоят, гапларимизни болаларимиздан қайтариб эшитмоқчи бўлсак (мақсадни шундай қўйсак), уларга жасурлик ҳақида эртак, ривоятлар, яхши гапларни гапиришимиз кифоя. Афсус, биз баъзи ҳолларда ана шуни жасорат тарбияси деб ўйлаяпмиз. Ҳозир бўлмаса, худо ҳоҳласа, яхши бўлар, деяпмиз. Тўғри, жасорат ҳақида ривоятлар, тушунтиришлар керак. Лекин бундай оғзаки «ишлаш» жасорат тарбиясининг муайян фоизини ташкил этади-да. (Агарда тушунтириш, ривоятлардан фойдаланиш юксак педагогик-психологик талаблар асосида ташкил қилинса). Агар биз ёшларимизда жасурликни уларнинг кундалик ҳаётида, ёшига мос намуналарни кўришни истасак, бу ишга бошқача ёндашувимиз керак бўлади. Тарбияга ёндошувнинг Президентимиз ифодалаган тамойилини яна такрорлаймиз: жасурликка **ўргатиш керак.** Ота-боболарига мустамлакачилар сингдирган, андиша тўнидаги қўрқувни ҳайдаб чиқармасак, улар мутеликда ота-боболарига ўхшаб қолаверадилар. Чунки тарбия тарихининг, демак жасорат тарбиясининг ҳам романтик босқичи ўтди, технологик босқичи бошланди. Яъни ёшларимизни фидойиликка, ватанпарварликка, тадбиркорликка, миллатпарварликка, садоқатга, жасоратга **ўргатиш технологияси ишлаб чиқилиши зарур**. Янги фан – социобиология ютуқлари ҳам инсон дунёга тайёр хулқ-атвор дастури, қоллари билан туғилмаслигини, инсоний фазилатлар ижтимоий ҳаёт, тарбия орқали орттирилишини исботлаган (Ч.Уилсон, Ч.Ламзден). Қолаверса, Ислом таълимоти ҳам одам яхши ё ёмон бўлиб туғилмаслигини эътироф этишини биламиз.

Демак, ёш ўзбекистонликларни дунёнинг энг ўткир, фаол, уддабурон, жасур ёшларига айлантириш ё айлантирмаслик ҳозир бизнинг авлодга боғлиқ. Агар шу ишни пишиқ ҳал қила олсак, XXI асрда ижодий ташаббуслар байроғи ўзбеклар қўлида туради. Биз уларни энг сўнгги билимлар билан қуроллантирмоққа ҳаракат қиляпмиз. Энди ана шу шиддат билан уларни тарбиялашнинг янги тамойили – Шахс, Давлат, миллат манфаатлари учун энг муҳим фазилатларни ўргатиш технологиясини яратишимиз керак. Чунки билим – масаллиқ бўлса, фазилат – оловдир. Оловсиз овқат пишмаганидек, ёниқ қалб, ирода, руҳ, жасорат бўлмаса, бор билимни, технологияларни ҳаётга яшин тезлигида жорий қилиб, янги кашфиётлар қилиб бўлмайди.

Жалолиддин Мангубердилар, Широқ, Соҳибқирон Амир Темур, Спитаменлар бизда доимо ва кўп бўлганида эди, биз ҳеч қачон мустамлака, муте бўлмас эдик тарихда. Демак, миллатимиз тарихининг нафақат шонли, балки аламли сабоқларидан ҳам хулосалар чиқариб турмоғимиз керак. Жасурлари кўп миллатлар – ғолиб, жасурлари кам миллатлар – мағлуб бўлган. Илгари ҳарбда, қўл кучида, ҳозир – ақл, технологияларда. Шундай экан, биз фарзандларимизни ер юзининг энг жасур ёшларига эришиш тарбиялашимиз керак! Агар шу ишга ҳафсаламиз, иродамиз етса, биз ер юзининг энг ғолиб миллатларидан бири бўла оламиз: ИЛМДА, ТЕХНОЛОГИЯЛАРДА, ЭНГ СИФАТЛИ ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА, АҚЛИЙ КАШФИЁТЛАРДА, СПОРТДА (Спортчиларимиз буни бошлаб бердилар! Бўлар экан-ку!) ва ҳ.к. Акс ҳолда биз жасоратли ёшлари кўп бўлган бошқа миллатлардан ўзиб кета олмаймиз. Уларга кашфиёт, маҳсулот сотиб эмас, улардан кашфиёт, маҳсулот сотиб олиб яшашга тўғри келади.

Устоз бўлиб эмас, шогирд бўлиб яшашга тўғри келади.

Бухорийзодалар, Фарғонийзодалар, Беруний зодалар, Хоразмийлар, Мотурудийзодалар бунга кўнадиларми?!

Улардан бизга дунёвий билимларда ижтиҳод қилишдаги аввалиёт ҳам мерос қолган.

Одамнинг ўзи ҳаракат қилиб эриша оладиган нарсаларни худодан сўраши уят бўлади. ***Ғойибдан келажак бахт – бир афсона.*** (F. Fулом). Саломат бўлишнинг, тинчликни сақлашнинг, қўша қаришнинг, бой бўлишнинг, обрў орттиришнинг, тўйни яхши, тартибли ўтказишнинг аниқ шартлари, талаблари бор. Уларга риоя қилинса – бас. Буларнинг ҳаммаси қўни-қўшни, ёрдўстларимиз бемалол эришиб келаётган нарсалар-ку. Демак, киши сидқидилдан, меҳнатни ақлига суяб ҳар куни интилса, билиб, билганига амал қилса, бу дунёдаги ҳамма мақсадларига Ўзбекистонда эришади. Ҳаракат қилмаса, худо ҳам йўл бермайди. Чунки Оллоҳ мўминларга меҳнатсиз, текин бахтни раво кўрмайди. Чунки У ОДИЛ, ЖАББОРдир. Шунинг учун ҳам инидан чиқмаса қумурсқа очидан ўлади. Ризқи уни излаб келмайди. Оллоҳ унинг ризқини бировдан бериб юбормайди, осмондан ташламайди. Текин ризқ фақат қопқонларда туради. Ўғрини кутиб.

Жасоратнинг отаси – ақл, онаси – юрак. Бирор киши жасорат содир қилса, бу аввал унинг фикратида содир бўлади. Кейин тил, қўл, оёқ орқали ҳаракатга, амалга кўчади. Шунинг учун ўзбек миллий педагогикаси дарғалари ақл тарбиясини муаллимлар виждонига юкланган муқаддас вазифа деб таъкидлаб келганлар. Чунки: «Фикр инсоннинг шарофатлик, ғайратлик бўлишига сабаб бўладур».

Фикр агар яхши
тарбият топса,
Ханжар, олмосдан
бўлур ўткир.
Фикрнинг ойинаси
олурса занг,
Руҳи равшан
замир ўлур бенур.
(А.Авлоний).

Демак, Сурхондарёда Ўзбекистоним деб ўзларини қурбон қилган оддий ўзбек йигитларининг фикрати жасоратга тайёр эди. Вазият тақозо қилди – фикрдаги жасорат қўл, оёқ ҳаракатга таяниб юзага чиқди. Ўша лаҳзада, ўша жойда бизга ўқ отаётган душман тор-мор қилинди.

Тинчлик шароитидаги жасоратнинг маъноси ҳар ишга астойдил киришиш, саъй ва ғайрат орқали ҳам очилар экан. Ғайратли одамни жасоратли инсонликка биринчи номзод, деса бўлар экан. «Ғайрат вужудимизга қуввати масъуд ва бахтиёр бўлишимизга сабабдур. Шунинг учун ҳар биримиз саъй қилуб, ўз кучимиз ила маишатимизга керак бўлган нарсаларни топуб, бошқаларга муҳтож бўлмай, роҳат-роҳат яшамоқ лозимдур... Ялқов кишилар ҳар нарсадан маҳрум, доим бошқаларнинг ёрдамига муҳтож бўлуб, хорликда қолурлар... Бу кўмурчилик, бу темирчилик, менга муносиб иш эмас деб, дангасалик қилуб, ишсиз юрса, зўр айб, ғайратсизликдир» (А.Авлоний).

Жасорат бу – ботирлик, дадиллик, тантилик, юраклилик, шердиллик. Жасоратнинг акси – қўрқоқлик, мутелик, ҳафсаласизлик, ғайратсизлик, иккиланувчанлик. Муте, юраксиз бизнесмен таваккал қила олмайди, бойлигини орттира олмайди. Қўрқоқ одамлар касрига халқ озодлигидан, давлатларидан, мустақилликларидан ажраладилар. Жасур одамлар эса бу хатоларни тузатадилар. Миллат – озод қилинади, Давлат – мустақил бўлади. 1 сентябрни шунинг учун жасорат байрами деса бўлади.

Буюк шахслар жасорати инсон характери қудратига қўйилган ҳайкалдек тарихда қолади. Эгаси вафот қилади, бироқ жасорати йилдан-йилга унинг номига шараф, шон қўшиб, яшайверади. Олижаноб, бунёдкор ғояли одамлар миллат тараққиётининг маёғи бўлиб қолади. Шунинг учун бўлса керак, миллат тарихи унинг буюк шахслари тарихидир, дейишади (Карлейл). Англияда турли тарихий даврларда яшаган жасоратли кишилар кўпқиррали инглиз характерини яратди. Соҳибқирон Амир Темур, ал-Бухорийлар дунёдан ўтиб кетдилар. Бироқ, уларнинг илмий, мафкуравий, сиёсий жасоратлари то абад ўзбекларнинг характерига куч, ижодига илҳом бериб туради.

Фикрий жасорат шахс эркинлигининг намойиши. Ҳар бир инсон ўз кучига таяниб, ўз ақли билан ўйлаб, ўз фикрлари, туйғулари билан яшаса ярашади. Қайси бир аллома: «Ўз фикрига эга бўлишга журъати йўқ одам – қўрқоқ, ўз фикрига эга бўлишга эринган – ялқов, ўз фикрига эга бўлиш қобилияти бўлмаса – ахмоқдир», – деган экан. Чунки жасоратга ўз фикрига эга ва собит кишиларгина қодир бўладилар. Атоқли педагог Герберт Спенсер буни алоҳида таъкидлайди: «Ўзи ўзи устидан ҳукмронлик қилиш – комиллик белгиларидан биридир. Бугун – шу топда хаёлига келиб қолган хоҳишга, эртага – эртага хаёлига келганига оғиб, беқарор яшаш яхши эмас. Ваҳоланки, ана шу хоҳиш, истакларнинг мияда «мажлис»ини ўтказиб, ҳамма хоҳишларнинг тилакларини инобатга олиб, бир қарорга келиш – мана оқилона ечим йўли».

Ёқимли нарсани эмас, зарур нарсани қилишга ўзини мажбур қилиш жасоратнинг шартидир. Бу хулоса кимнинг фарзанди, невараси бўлса, кимни миллат келажаги безовта қилса, уни қизиқтириши керак. Боламизга, неварамизга унга ёқимли эмас, балки зарур ишни қилишни ўргатишга шу бугуноқ киришмоғимиз керак. Бунга инглизлар ўз миллий тарбияларида қатъий амал қилиб, кам бўлишмади. Бир инглиз адибаси оила тарбиясида интизомнинг аҳамиятини ўрганиш мақсадида Европадаги барча руҳий касалликлар шифохоналарини айланиб чиққач, руҳий касаллар орасида ёлғиз фарзандлар ёки эрка ўсган, болалигида нуқул ёқимли нарсаларни кўриб, қийинчилик, зўриқиш нималигини билмай ўсганлар кўп бўлишини аниқлаган. Ёши катта бўлиб, уни ёқимли эмоциялар билан боқиб» келган ота-она ўлгач, бу дунёнинг ташвишларини якка ўзи кўтара олмай, ақлдан озишар экан.

Жасорат – олдинда турган муаммони, қийин вазиятни ўзгартириш қобилияти ва шунга интилишга қаратилган кучли, тугалланган ҳаракат. Буни физика тилида – борлиқнинг агрегат ҳолатидаги инерцияни ўзгартириш қобилияти ва шунга қаратилган таъсир, деса бўлади. Жасорат соҳиби бу пайтда шундай руҳий кўтаринкиликка эришадики, бу ишнинг ўзига етадиган фойда-зарарларини ҳисоблаб ҳам ўтирмайди.

Жасорат даражалари ҳар хил бўлади. Биз Ватан, халқ манфаатлари йўлида, жанг майдонларида содир қилинган жасоратларни кўпроқ биламиз. Улардан кичикроқларини – тинчлик шароитидаги, кичикроқ жасоратларни унчалик тан олгимиз келмайди. Бироқ, XXI асрда юқорида таъкидлаганимиздек, нафақат ҳарбий, балки маърифий, илмий, технологик кашфиётларга қаратилган жасоратлар керак бизга. Учраяпти ҳам. Жасорат майдони, имкониятлари ўзгарди. Бугун жасорат учун жонидан, мулкидан, соғлиғидан кечишдан олдин энг безарар – интеллектуал жасорат – илмий, ижодий, жисмоний меҳнатни Ватан равнақи йўлида тўла сафарбар этиш тақозо қилинмоқда. Бу – фозил ва меҳнатсевар одамларнинг жасорати бўлади. Жоҳилларнинг нияти ҳам, жасорати ҳам жоҳил бўлади.

Бугун дунё дастурхонининг тўрида ўтирган миллатлар ҳозирги дорулфаровонликка бундан анча аввал ўзини, мустақиллигини, озодлигини ҳимоя қилишда кўрсатган жасоратлари эвазига эришганлар.

Бугун ҳамманинг от миниб, қўлда қилич, автомат билан душманга қарши ташланиши унчалик шарт эмас. Чунки бизни кафолатли қўриқлашга қодир, отган ҳар бир ўқи душманининг икки кўзи ўртасига тегадиган профессионал, сони озу – ўзи соз, касби – жасорат бўлган шавкатли армиямиз шаклланмоқда.

Яна бир мозийга қайтиб олайлик-да. 1913 йилда ҳам маърифатчилар миллий юксалиш йўлидаги жасоратни илмда, тижоратда, саноатда кўрсатишга даъват қилганлар. Чунки бизнинг мустамлака бўлиб қолишимизга сабаб деб шу соҳадаги журъатсизлигимизни ва жасоратнинг бир оз танқислигини тахир сўзлар билан, лекин севиб танқид қилганлар:

Бу замонда фил ила жанг
айламак эрлик эмас,
Эр ўшалдурким тутар илму
ҳунарнинг ёқасин.
Бешлаб, ўнлаб сўм
топишса, илм ила аҳёрлар,
Биз бўлуб ҳаммол,
оладурмиз тийинлаб
чоқасин,
Бошқалар санъат,
тижоратда тараққий
айласа,
Бизни эл тортар аҳёдин
ўлган отнинг тоқасин.

Авлонийга кўра ялқовлик, кўп ухлаб, еб-ичиб, маишатчилик орзусида яшаш, бефойда сўзлаш, умри азизни бекор ўтказиш кўп йилларнинг бефойда ўтишига сабаб бўлди. Маърифатпарварларимиз орзулари ижобат бўлганида эди, миллатимизнинг юқоридаги (ейиш-ичиш, тўй қилиш, базм қуриш ва ҳ.к.) барча орзулари бир неча карра мукаммал бўлиб рўёбга ошар эди.

Буюк келажак ҳар бир ўзбекистонликдан ҳар куни кичик-кичик жасоратларни кутмоқда. Бизнингча булар:

– нафақат бирор мақсад қўйиб, ҳаракат қилиб унга эришмоқ, балки ўзига, ватандошига, ватанига зарарли нарсалардан қўл тортмоқ;

– ўз соҳасида замоннинг ойдан-ойга ўтиб эришган янги билимларини чанқоқлик билан эгаллаб, янгилик яратиб ўша заҳоти қўллай бориш. Чунки билим ирода йўлини ёритиб туради, ирода ҳаракатларга жон ва буйруқ беради, бошқаради. Буларсиз жасорат бўлмайди;

– Ҳаргиз умидсизликка тушмаслик. Умидсизликни, эски тузумни тарғиб қилганларга ишонмаслик, чунки умидсизлар, консерваторлар, диний ақидапарастлар – ожизлардир. Ожизларга ожизлар эргашади;

– ҳар бир ўзбекистонлик ўзига ўзи бугун кечагидан юксакроқ талаб қўйишга жасорат қилсин, шунда у эртага бугунгидан бойроқ, билимлироқ, бахтлироқ бўлади;

– ҳар бир ўзбекистонлик ўз бизнес (иш)ининг сифатини юксак даражага кўтарсин. Тадбиркор – маҳсулотининг, олим – илмий ишининг, стоматолог – қўйган тишининг, ўқитувчи – қўйган бешининг, пахтакор – толанинг, бастакор – ноланинг, гулчи – лоланинг, журналист – мақоланинг, ва.ҳ.к. Барча жабҳаларда ҳалол фаровонликнинг жаҳон стандартларига эришишнинг энг яқин йўли шу бўлса керак.

– Ҳаёт – саёҳат, ғоя – бошловчи. Бошловчи бўлмаса ҳамма тўхтайди. Бизни бирлаштираётган Миллий истиқлол ғоясига садоқатимиз зиёда бўлсин.

Баланд тоғ устидан бир харсанг тошни юмалатиб юборинг. Узоғи билан 2-3 минутда ерга тушади. Энди ана шу харсанг тошни тепага қайтариб чиқаринг. Қанча вақт, қанча куч кетади? Удкан харсангни бир кишининг ўзи ҳам ҳийла билан тагини ковлаб, пастга юмалатиб юборади. Бироқ уни қайтариб, юксакликка, жойига қўйиш учун минглаб одам, демак, минг карра кўпроқ вақт, куч керак. Пастга туши(ри)ш осон, юксал(тир)иш қийин эканми?

Биз бугун бир вақтлар оламга ибрат бўлган ўзбек давлатчилиги шавкатини, шони, шарафини жойига – юксак ўринга кўтараяпмиз. Юксалтириш қийин иш экан. Чўққидан 2-3 минутда юмалаб тушган тошни 2-3 минутда жойига чиқариб қўйишни орзу ёки талаб қилиш ақлдан эмас. Бу иш қанча кўп одам елкасини қўйса, шунча тезлашади, тез битади. Оғир юк остига 5 киши кирса ҳалок бўлади, 10 киши кирса майиб бўлади, 100 киши қийналади, 1000 киши бемалол, ўйнаб-кулиб кўтаради.

Миллий истиқлол ғояси ҳар биримизни ана шу кичик жасоратга – ҳеч бўлмаса ана шу бунёдкор, жасоратли 1000 ликнинг биттаси бўлишга чорламоқда.

Муҳаммад ҚУРОНОВ,
педагогика фанлари доктори.

Истеъдоднинг кўзлари бўлак

11 тилда куйлайдиган 14 ёшли санъаткор



Ҳаётда санъатни, куй, қўшиқни севмайдиган, ундан завқ, баҳра олмайдиган киши топилмаса керак. Негаки, унда инсон кечмишларини ифодаловчи, дилларга ором берувчи сирлар яширинган.

Ана шу сеҳрли оламга етаклаш, қалбларни забт этиш санъаткорнинг истеъдодига, ижрочилик маҳоратига боғлиқ. Халқ кўнглидаги қўшиқларгина уни эл назарига тушириши, меҳрини қозониши мумкин. Бугуннинг зукко одамлари унча-мунча санъаткорни тан олавермайди. Аслида тан олиш шараф. Чунки, эришилган ютуқ миллат мулки бўлиб қолади.

Сухробжон Кенжаевни кўпчилик тан олди, қўшиқлари халқ мулкига айланди. 14 ёшда бундай шарафга эришишнинг ўзи бўлмайди. Сиз уни танийсиз, қўшиқларини ойнаи жаҳонда, радиода кўп эшитгансиз.

Бир қарашда унинг атиги икки-уч йил ичида республикамиздагина эмас, қатор чет элларда ҳам доврўқ тараттанига ишонгиси келмайди кишининг. Лекин, истеъдод ёш танламас экан-да. У ўн бир ёшидаёқ «Қизилқум овози» минтақавий кўрик-танловининг ғолиби бўлганди. 2000 йилда «Ўзбекистон – Ватаним маним» танловининг шаҳар, вилоят, республика босқичларида I даражали диплом билан тақдирланди. Ўша йили Белоруснинг Витебск шаҳрида ўтказилган «Славян бозори» қўшиқ фестивали унинг учун катта синовга айланди, дейиш мумкин. Ўзбек, беларус, рус, итальян, инглиз тилларида ижро этган қўшиқлари 24 мамлакат вакиллари орасида қизғин кутиб олинди ва биринчи ўринга муносиб топилди. Фестивалнинг бош соврини – «Энг жарангли овоз соҳиби» билан тақдирланди. Олтин диск ва «Ўзбекистоннинг энг нодир овоз эгаси Сухробжон Кенжаевга» деб ёзилган фестиваль рамзини олиб қайтди у ердан. Навбатдаги халқаро фестиваль ҳайъат аъзолигига номзоди киритилганию, анжумандан сўнг Беларус Президенти ўз ҳузурига таклиф этиб, миннатдорчилик билдиргани шараф устига шараф бўлди.

Кейинги йили эса Ялта шаҳрида бўлиб ўтган «Қора денгиз соҳили» деб номланган фестивалда қатнашди. 62 давлатдан келган болалар ўртасида ижрочилик маҳоратини намойиш этди. Ватанимизга лауреат номи билан қайтди. Орадан кўп ўтмай Италияга таклиф этилди. «Дунёни қўшиқ қутқаради» халқаро болалар қўшиқ фестивалида ўзининг неларга қодирлигини кўрсатди. Ўзбек ва итальян тилларида жаранглаган қўшиқлари кўпчиликни лол қолдирди. Танлов ғолибига Леч шаҳри мэри ўз совғасини топширди.

Италия таассуротлари совимасданоқ «Дўстлик хороводи» деб номланган Қозоғистон фестивалига йўл олди. Яна олқишлар, табриклар ва лауреатлик белгиси...

Ўтган йилда 2 та нуфузли халқаро анжуманда иштирок этди. Октябрь ойида Россиянинг Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган «Дунё – умумий уйимиз» фестивалида унинг тиниқ, жарангдор овозига Филипп Киркоров, Алла Пугачева, Николай Басков, Витас, Монтеррат Каболье (Италия) каби машҳур санъаткорлар ҳам юксак баҳо беришди.

«Қора денгиз соҳили» халқаро фестивалида иккинчи бор қатнашиб, Гран-при соҳибига айланди. 14 ёшли ўзбек боласининг номи ўнлаб давлатлар санъаткорлари тилига тушди. Италия, Украина, Белорусда фильм-концертлари намойиш этилди.

Шу ёш ўспирин айни пайтда Навоий шаҳридаги Глинка номли мусиқа мактабининг 7-синфида таълим олаяпти. Ибн Сино номли умумтаълим мактабининг 9-синфида ўқийди, Навоий кон-металлургия комбинатининг «Фарҳод» маданият саройи яккахон хонандаси ҳам ҳисобланади.

Навоийда Кенжаевлар оиласи ҳақида ҳамма ҳавас билан гапиради. Оила аъзоларининг барчаси мусиқачи. Улар авлоддан-авлодга ўтиб келаётган халқ санъатини авайлаб-асраб, унга сайқал бераётган ажойиб истеъдод соҳибларидир. Сухробжон шу оиланинг кенжаси. Тўғриси, уни қўшиқ эшитиб «тили чиққан» деса ҳам бўлаверади. Отаси Муҳиддин Кенжаев кўзга кўринган қўшиқчилардан, «Фарҳод» маданият саройи директори ўринбосари, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби. Онаси Рўзибиби ҳам қўшиқ куйлайди. Тўнғич ўғил Жасурбек бастакор, Жўрабек ва Элбеклар педагогика институтининг мусиқа факультетида таҳсил олишмоқда.

– Ота-боболарим санъаткор ўтган, – дейди Муҳиддин Кенжаев, – ўғлимиз беш ёшдан бошлаб мусиқага талпинди. Мусиқа мактабида талантли скрипкачи Гулнора Қораева, вокаль устаси Людмила Назаренколар қўлида таълим олаётганидан хурсандман. Скрипкачилик унинг севган соҳаси. Лекин жуда тиниқ овози ҳам бор. Шу боис унга фақат скрипкачиликда эмас, қўшиқчиликда ҳам ўз кучини синаб кўришни тавсия этдим. Мана ўғлим билан дунё кезаяпмиз. Сизга бир воқеани айтиб берай. Екатеринбург шаҳри губернатори Москвадаги туғма ногиронлар госпиталида Сухробжон иштирокида концерт ташкил этишни тавсия этди. Аслида ўзимизнинг ҳам хайрия концерти бериш мақсадимиз бор эди. Ўғлимнинг ўзбекча «Топмадим», украинча «Чернишка», русча «Шарманка» каби қўшиқлари беморларга шунчалик таъсир этади, деб ўйламовдим. Олқишлар, қайта-қайта саҳнага таклиф этишлар, миннатдорчилик ҳайқириқлари ҳали-ҳали қулоқларим остида жаранглаб турибди.

Айтиш мумкинки, Сухробжон Кенжаев ижодий меҳнати, дилрабо қўшиқлари билан минглаб кишилар қалбини забт эта олган ёш хонанда. Туғма истеъдод соҳиби ўн бир тилда бурро куйлайверади. Ҳар бир чиқишини томоша қилар экансиз, ижодининг янги-янги қирраларини илғайсиз.

Болаликнинг кўзлари бошқача. Дунёни бошқача кўради. Мен Сухробжон билан суҳбатлашиб, Ватан иқболи, халқ бахти учун ўз авлоди, ўз даврининг куйчиси бўлишдек мақсадини дарров сездим.

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Барҳаёт сиймо

Куни кеча Юқори Чирчиқ туманидаги Янгибозор маданият уйида академик шоир Fафур Fулом таваллудининг 100 йиллигига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди.

Барҳаёт сиймо деб номланган ушбу тадбир туман ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳамда маданият ишлари бўлими ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кечани республика «Нуроний» жамғармаси марказий кенгаши бўлими мудири Тўхтасин Ғаниев қисқача кириш сўзи билан очди. Сўнг «Саховат» журнали бош муҳаррири, халқаро Аҳмад Яссавий мукофоти соҳиби Темур Убайдулла, «Тошкент оқшоми» ва «Нуроний» газеталари бош муҳаррири ўринбосарлари Солиҳ Ёқубов ҳамда Муроджон Ботировларга сўз берилди. Улар халқимиз меҳр-муҳаббатини қозонган шоир ва адиб ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашдилар.

Кекса ўқитувчилар, меҳнат фахрийлари Баҳриниса ая Пардаҳўжаева билан Мунисхон ая Пўлатхўжаеваларнинг чиқишлари жуда қизиқарли бўлди. Улар Fафур Fуломнинг туманимиздаги сўлим Кавардон қишлоғига кўп бор ташриф буюриб, янги ёзилажак асарларига қаҳрамонлар кашф қилганлиги ҳақида мароқ билан гапирдилар.

Янгибозор маданият уйининг хушовоз хонандалари Дилфуза Салимова, Темур Мирқурбоновлар ижро этган шўх куй-қўшиқлар барчага манзур бўлди. Тадбир сўнггида 7-, 10-ўрта мактаб ўқувчилари томонидан Fафур Fуломнинг дилбар шеърлари жаранглади:

*... **Ҳаёт шаробидан бир қултум ютай,***
Дамлар ғаниматдир, умрзоқ соқий,
Қуёш-ку фалакда кезиб юribди,
Умримиз боқийдир, умримиз боқий...

Латифжон МАНСУРОВ.

2002 йилнинг энг яхши мактаби аниқланди

Республика таълим марказида анъанавий йилнинг энг яхши мактаби кўрик-танлови якунланди.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан 1993 йиллан буён ўтказиб келинаётган мазкур танлов тобора такомиллашиб бормоқда. Хусусан, бу йил уни ўтказишнинг мезон, тартиб-қоида ва иштирокчилар олдига қўйиладиган талаблар ҳар галгига қараганда аниқ ҳамда мукаммал ишлаб чиқилди. Замонавий технологиянинг ўқув жараёнига қандай татбиқ этилаётгани, компьютер ва Интернет тизимидан таълимда қанчалик фойдаланилаётгани ҳамда энг муҳими, нақадар чуқур билимли ёшлар тарбияланаётганлигига алоҳида эътибор берилди.

Танловда Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳридаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат 2002 йилнинг энг яхши мактаби деб топилди.

Ҳулкар СОДИҚОВА,
ЎзА мухбири.

«Шарқ тароналари» IV халқаро мусиқа фестивали олдидан



Самарқанд дунё санъатини бирлаштиради

Бу йил Самарқандда тўртинчи бор «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ўтказилади. Унга дунёнинг кўплаб мамлакатларидан мумтоз мусиқачилар, созандалар ва хонандалар ташриф буюрадилар. Мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллик байрами арафасида бўладиган мазкур мусиқий анжуманга тайёргарлик эса ҳозирданоқ бошлаб юборилди. Бу ҳақда вилоят ҳокимининг ижтимоий мажмуа масалалари бўйича ўринбосари Йўлдош СУЮНОВ мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Шубҳасиз, ушбу фестиваль асрлар мобайнида шаклланган ўзбек миллий мусиқасини ривожлантириш, унинг бетакрорлиги, гўзаллиги ва жозибасини оширишга хизмат қилади. Дунё халқларининг бир-бирларига яқинлашишига, улар маданияти, санъатининг уйғун ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга мамлакатимиз, жумладан, қадимий ёдгорликлар, осори-атиқаларга бой бўлган қўҳна Самарқанднинг халқаро майдондаги нуфузини, обрў-эътиборини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Фестивалнинг Самарқанд шаҳрида ўтказилиши бежиз эмас. Негаки, Самарқанд азал-азалдан Шарқ цивилизациясининг бешиги бўлган. Бу қўҳна юртда халқимизнинг мумтоз мусиқаси шаклланган ва ривожланган. Юртбошимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда «Самарқанд халқимиз, миллатимиз довруғини дунёга таратган, мингминг йиллик тарихга эга илоҳий масканимиздир».

Айни пайтда вилоятимизда бу нуфузли анжуманга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Ҳар галгидек бу йил ҳам фестивалнинг асосий тадбирлари Самарқанднинг юраги бўлмиш — Регистон майдонида бўлиб ўтади. Шу боис ҳам Регистон ободончилигига жиддий эътибор қаратаяпмиз. Гулзорлар яратиш, фестиваль иштирокчилари ва меҳмонларнинг бўш вақтларида мазмунли дам олишига мўлжалланган соя-салқин масканларни кўпайтириш, борларини таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

Дунёнинг турли мамлакатларидан келган санъаткору томошабинлар аввало, Самарқанднинг тарихий обидалари билан танишадилар. Муқаддас қадамжоларини зиёрат қиладилар. Шундай экан шаҳар фестиваль тадбирлари ўтадиган кунларда ҳар қачонгидан гўзал ва ораста, обод ва озода бўлиши керак-да. Айнан шу мақсадга эришиш учун катта ҳажмда қурилиш-ободончилик ишлари бажарилаяпти. Регистон ансамбли — Шердор, Тиллакори, Улуғбек мадрасаларида кенг миқёсдаги таъмирлаш юмушлари кетяпти. Қатнашчилар ташриф буюрадиган муқаддас қадамжолар — имом Бухорий, имом ал-Мотуридий, Бибихоним, Шоҳизинда, Улуғбек обсерваторияси каби обидалар атрофлари ободонлаштирилаяпти.

Регистондан бошланадиган фестиваль садолари янграйдиган «Мароқанд» концерт мажмуаси қайта қурилиб, томошабинлар ўрни икки бараварга кўпайтирилди. Ҳамид Олимжон номли ўзбек мусиқа ва драма, Чехов номли рус драма театрларини таъмирлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилди. Иштирокчиларнинг шаҳарликлар олдида чиқишларини уюштириш мақсадида қўшимча концерт майдончалари яратиш режалаштирилаяпти. Меҳмонларнинг ҳордиқ чиқаришларига мўлжалланган, сузиш ҳавзасига эга «Афсона» дам олиш мажмуаси қурилиб ишга туширилди. Яқин фурсатда «Сўғдиёна» деб номланган янги оромгоҳ фойдаланишга топширилади.

Олдинги йиллардагидек «Афросиёб» меҳмонхона мажмуаси «Шарқ тароналари» қатнашчиларининг асосий марказига айланади. Хорижлик ва маҳаллий журналистлар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга ана шу ерда жавоб олишади, матбуот маркази хизматидан фойдаланишади. Тубдан таъмирланган «Зарафшон» меҳмонхонасида соғломлаштириш марказининг ишга туширилгани фестивалолди совғаси бўлди, дейиш мумкин. Шаҳарнинг қоқ марказида барпо этилаётган «Отель Президент Палас» меҳмонхонасида қурилиш-монтаж ишлари жадаллаштирилаяпти. Хорижлик сайёҳларга таниш бўлиб қолган, «Hotel central Samarkand», «Самарқанд» ва яна кўплаб хусусий меҳмонхоналар ҳам Шарқу Ғарбдан келадиган меҳмонларга хизмат кўрсатишга шай.

Иштирокчиларга Самарқанд шаҳридаги «СамКочавто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган янги автобуслар хизмат кўрсатади. Чет тиллар институти ўқитувчилари ва талабалари эса қўҳна шаҳарнинг ўзида таржимонларнинг етарли эканлигини бемалол исботлашга қодир.

Мусиқий фестивални ёдда қолдирадиган тадбирлардан яна бири унинг рамзи тушириллган эсдалик чинни ва бошқа буюмларнинг ишлаб чиқарилишидир. Ҳозиргача «Нафис», «Бофанда» акциядорлик жамиятлари ва яна бир неча саноат корхоналари бу ҳақда ўз таклифларини беришди.

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали қисқа вақтда жаҳон халқларининг эътиборини қозониб, юксак нуфузга эга бўлди. Буни қатнашчиларнинг ҳар гал кўпайиб бораётганидан ҳам англаш мумкин. Масалан, ҳозиргача «Шарқ тароналари» IV халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмитага 500 дан ортиқ хорижлик фуқаро оддий томошабин сифатида қатнашишга рухсат беришни сўраб, мурожаат қилган. Умуман, бу йил қатнашчилар сони, янада ошиши кутилаяпти.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мавзуга қайтиб

БУ КИТОБ КЕРАКМИ? ҲА, КЕРАК!

Ҳар қандай жамиятда матбуот демократик ўзгаришларнинг ҳаққоний кўзгуси, фикрлар плюрализми, хилма-хил назарлар ва қарашлар минбари. Газетамиз саҳифасида жамиятимиз ҳаётида содир бўлаётган янгилик,фан ва маданиятга доир кашфиётлар ўз ифодасини топмоқда. Газетхонлардан, турли касб эгаларидан келаётган мактублар бунинг исботи.

Газетамизнинг 2003 йил 17 январь сонида босилган Асқар Маҳкамнинг «Фалсафа тарихи» ёхуд «қўлбола» таржима қилинган китобнинг ўқувчиларга акс таъсир қилиши ҳақида» мақоласи ҳам, биринчи навбатда, матбуотимизда кечаётган демократик ўзгаришлар самарасидир. Мақолада норвегиялик файласуфлар Г.Скирбекк ва Н.Гилье қаламига мансуб «Фалсафа тарихи» китобининг ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилиши илмий ҳаётимиздаги жиддий воқеа эканлиги эътироф этилгани ҳолда, таржима ва нашр жараёнида йўл қўйилган жузъий услубий хатолар танқид қилинган эди. Зеро, бизнинг ниятимиз холис бўлиб, амалга оширилган яхши ишни камчиликсиз кўришни истагандик, холос.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, мустақиллик йилларида республикамизнинг етакчи илмий-тадқиқот институтлари, ижтимоий фанлар билан шуғулланувчи муассасалар, йирик файласуф олимларимиз томонидан янгича фалсафа фани дастурлари ва дарсликлари ишлаб чиқилди. «Фалсафа» (Э.Юсупов, Ж.Тўланов, З.Ғафуров, И.Раҳимов, Қ.Назаров), «Янги давр Ғарб фалсафаси» (С.Йўлдошев, М.Усмонов, Г.Қобулниёзова, Г.Рўзматова), «Антик фалсафа», «Ўрта асрлар фалсафаси» каби қатор дарслик ва қўлланмаларни қайд этиш мумкин. Аммо ҳали амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар бир талай. Жумладан, шу пайтгача Шарқ фалсафаси, хусусан, Ўзбекистон фалсафаси, буюк мутафаккирларимизнинг фалсафий мероси етарлича ўрганилган эмас. Бу илмий жамоатчилигимиз олдида турган кечиктириб бўлмас вазифалардандир.

Илмий таржимачилигимиздаги улкан ишлар, албатта таҳсинга лойиқ. Бироқ мазкур жараённинг самарадорлиги ва муваффақиятини таъминлаш бениҳоя зарур.

Ўтган вақт давомида юқоридаги мақола юзасидан ҳурматли муштарийларимиз, фалсафа фани мутахассисларидан кўплаб мактублар олдик. Улардаги фикрлар ҳам ўзининг холислиги ва рўй-ростлиги билан диққатни тортади. Қуйида мазкур мақолалардан айримларини эълон қилмоқдамиз.

Мустақиллик фалсафани ўрганиш, ўқитиш ва илмий ёритишда янги даврни бошлаб берди. Биз истибдод даври ҳукмрон мафкураси ва тузумига таяниб чизиб берган андозалар, қонунлар ва қоидалар доирасидан чиқиб, эркин равишда ўз фикримиз ва нуқтаи назларимизни ифода қила бошладик. Ўзбекистон файласуфлари жаҳон файласуфлари оиласига кириш жараёнидадир ва бу борада илк қадамларни қўймоқдадир. Бу жараён уч йўл билан амалга ошмоқда: биринчидан, чет элларда ўзбек файласуфларининг айрим китоблари чоп этила бошланди: иккинчидан, чет элларда тайёрланган ва чоп этилган айрим дарсликлар, қўлланмалар ва монографиялар ўзбек тилига ўгирилмоқда, учинчидан эса, Ўзбекистон файласуфларининг чет эл файласуфлари билан бевосита мулоқоти учрашувлар ва конференциялар, симпозиумлар тарзида кўпайиб бормоқда.

Бу ижобий ўзгаришларни эътироф этарканмиз, бир жиддий муаммога ҳам эътибор берайлик. У ҳам бўлса файласуфларимиз кундалик дарс бериш жараёнида қўлланаётган китоблар қаторини кенгайтиришдир. Бунинг учун эса биринчи навбатда ҳозирги замоннинг ривожланган мамлакатларида ўқитиш жараёнида олий ўқув юртларида мавжуд бўлган китоблар, энг синалган ва етук дарсликлар ҳамда қўлланмаларни ўзбек тилига ўгирмак, ўзбек тилида оммавий ададда чоп этмоқ даркор.

Шу нуқтаи назардан 2002 йилда ўзбек тилида Гуннар Скирбекк ва Нильс Гильенинг «Фалсафа тарихи» китобининг чоп этилиши файласуфлар учун қувонарли воқеа бўлди, дейишимиз мумкин.(Гуннар Скирбекк, Нильс Гилье, «Фалсафа тарихи», Т.«Шарқ», 2002, 718 бет. И.Саифназаров ва Ж.Маҳкамовлар таржимаси) Ўттиз боб ва етти юздан зиёд саҳифани эгаллаган бу китоб аслида норвег тилида ёзилган бўлиб, ундан инглизчага, инглизчадан эса рус тилига, шундан сўнг ўзбек тилига таржима этилган. Китобни маълум бир қаяжон ва қизиқиш билан қўлга оламиз, чунки у ғарб тилларидан ўзбек тилига ўгирилган биринчи жиддий дарсликлардандир. Фақатгина ўн-ўн беш йил муқаддам бундай таржима ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас ва бу китобни махфий фонддан махсус рухсатнома асосидагина (кўчириб олмаслик, ёзувлар битмаслик шарти билан) маълум соатларга олиш, варақлаш мумкин эди.

Китобни варақлар эканмиз, аввало, таржимонлар томонидан бажарилган улкан меҳнатга эътибор берамиз. Ўзбек тилига XX аср ичида, фалсафага тегишли бундай катта ҳажмли китоб таржима этилмагани аниқ. Китобда фалсафанинг келиб чиқиши, шаклланиши, ривожлана бориши энг қадимий даврлардан бошлаб то ҳозирги даврга ёритилган.

1-боб «Сократгача бўлган даврдаги фалсафа ва Ҳинд ҳамда Хитой таълимотлари шарҳи» деб аталади. Охирги XXX боб эса «Ҳозирги замон ва танглик» деб номланган. Китобнинг ана шундай тузилишидан пайқаш мумкинки, муаллифлар ҳозирги замонгача бўлган ва у ёки бу даражада илмий жиҳатдан ёритилган барча фалсафий назариялар, мактаблар, оқимлар, йўналишлар ҳақида сўз юритиб, уларни бир бутун тизим ҳолига келтиришга интилганлар. Шу билан бир қаторда улар маълум бир мафкура ёки фалсафий мактаб, назария ёки таълимот таъсирига берилмай, ўзларини улардан узоқда ва холисона тутиб, объектив фикр юритишга ҳаракат қиладилар.

Асарнинг Ўзбекистон воқелиги учун қиймати шундан иборатки, олий ва бошқа ўқув юртларида фалсафа соҳасида дарслик ва турли адабиётларнинг танқислиги, етишмаслиги муаммосини ҳал этишга маълум улуш бўлиб қўшилади. Масаланинг бундай қўйилишини тушунадиганлар ҳам бор, тушунмайдиганлар ҳам топилади. Бу масалада шу ҳақиқатни инобатга олиб фикр юритиш керакки, фалсафа — инсон фикри ўз чегараларини ўлчайдиган фан. Айнан фалсафада биз инсон фикри нақадар кенг ва чуқур имкониятларга эга эканлигининг шоҳиди бўламиз, Фалсафага тегишли адабиёт нақадар кўп, турли-туман ва хилма-хил бўлса, шунчалик уларни ўқиш, ўрганиш, улардаги ғояларни онгимизга сингдириш ва уларни ижодий ўзлаштириш асосида янги фикрлар бериш, янги хулосалар ясаш фалсафанинг бевосита ва биринчи даражали вазифасидир. Фалсафий адабиётни чеклаш, уни ўқиш ва ўрганишни бир қолипга солиш қандай салбий оқибатларга олиб борганини истибдод даври тажрибасидан биламиз.

Ана шу хулоса шубҳасиз ҳақиқатлардан бири, дейишимиз учун асос бор. Шундай экан фалсафий адабиётларни чоп этишни ҳар томонлама рағбатлантириш вазифамиздир. Ҳар бир китобни ўн чиқиришдан ўтказиш, текшириш ва яна текшириш даври орқада қолмоқда. Мустақил Ўзбекистоннинг танлаган йўли тўғри эканлигига ишонар эканмиз, халқаро фалсафа майдонига собитқадамлик билан чиқишимиз керак.

«Фалсафа тарихи» китобининг ўзбек тилида чоп этилишини ижобий воқеа сифатида баҳолар эканмиз, шу муносабат билан баъзи мулоҳазаларни айтиб ўтишни ҳам ўринли деб биламиз. Бизнинг фикримизча, китобга «Таржимонлардан» деган номда илова бериш керак эди. Гап шундаки, тақриз этилаётган китоб — Ғарб олимлари нуқтаи назаридан ёритилган фалсафа тарихидир. Ғарб эса фалсафа тарихини биринчи навбатда Ғарб фалсафасининг тарихи сифатида тушунади ва фараз қилади. Ана шу камчилик таҳлил этилаётган китобда ҳам мавжуд: китобдаги 700 бет соф фалсафа тарихига тегишли матндан Шарқ фалсафасига, яъни Ҳинд,Хитой ва Араб фалсафасига бор-йўғи 21 бет ажратилган. Бу эса китоб ҳажмининг 3 фоизини ташкил қилади, холос. Иккинчидан, китобда Ўрта Осиё фалсафаси ҳақида умуман лом-мим дейилмаган. Китобда «Ўрта Осиё» ёки «Марказий Осиё» жуғрофий атамалари учрамайди. Учинчидан, «Араб фалсафаси ва фани» номли матнда Ибн Сино араб файласуфи ва олими сифатида, Ал-Хоразмий эса араб олими сифатида берилган. Шундай қилиб, Ўрта Осиёнинг икки мутафаккири араб мутафаккирлари деб аталган.

Шарқ фалсафаси ҳақида бундай қарашларнинг устунлиги, афсуски, Европа фалсафасидагина эмас, балки бошқа қитъалар ва минтақалар фалсафий адабиётида ҳам мавжуд эканлигини инобатга олсак, Ўзбекистон файласуфлари олдида бу борада қандай вазифа ва мураккаб муаммо турганини пайқаш мумкин.

Китобнинг кириш қисмида бу аччиқ ҳақиқатни эслатиб, шу билан бирга китобдан фойдаланишда Ўрта Осиё фалсафаси ҳақида талабаларга ва фалсафа билан қизиқувчиларга тўғри тушунчага эга бўлиш имкониятини бериш тўғри бўларди. Бундай қўшимча шунинг учун ҳам керакки, китобнинг муаллифлари унинг номига «Ҳозирги замоннинг фалсафий илдизларига кириш» каби фикрни илова қилганлари боис, уларнинг Ўрта Осиё фалсафаси ҳақидаги сукунатлари янада жиддий маъно касб этади. Афсуски, китоб таржимасида бу жумла эътиборсиз қолган.

Албатта, бундай катта ҳажмдаги ва ниҳоятда мураккаб матнни таржима қилишда ғализ жумлалар, ноаниқ ёки ноўрин ишлатилган атамалар, таҳрирга муҳтож иборалар учрайди, ҳарфий хатолар ҳам оз эмас. Типографик талаб-қоидалардан чекинишларга йўл қўйилган. Бу камчиликлар китобнинг қўшимча нашрида тузатилиши керак.

Бундай ишлар давом эттирилмоғи ва янада кенгайтирилмоғи мақсадга мувофиқдир, чунки бу фалсафа фанини ўқитиш, ўрганиш ва бу борада ўз вазифаларимизни аниқлаб олиш ҳамда Ўзбекистон фалсафаси тарихини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Кўчқор ХОНАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор.

Меъёр — энг одил тарози

Ўзбек хонадони борки, тўй қилишни орзу қилади. Бешик тўй, ўғил тўй, никоҳ тўй, кумуш, олтин тўйлар... Эҳе, тўйлар кўп. Яна улар орасида қанчаланқанча тўйчалари, чақириқчарловлар бор. Хўш, шуларнинг ҳаммасини ўтказиш шартми? Кейинги пайтларда айрим жойларда маросим ошлари ҳам ким ошдига ошиб бораётгани ҳаммага маълум. Учи, йигирма, қирқлардаги ортиқча харажатлар, баъзи кераксиз дабдабалар удумларимизга ҳам, динимизга ҳам зид-ку?! Буларнинг ҳаммасини маҳалла оқсоқоллари, фаоллар, хотин-қизлар қўмиталари, кенг жамоатчилик билишади-ку? Шундай экан тўй ва маросимларни назоратга олиш нега бўшаштириб юборилди?

Муҳтарам Президентимиз бундай дабдабабозликларга вақтида чек қўйиш мақсадида 1998 йил 28 октябрдаги Фармонида тўй ҳашамлар, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишда исроф-гарчиликка йўл қўймаслик, сохта шуҳратга берилмаслик каби инсоний фазилатларни таъкидлаган эдилар. Хўш, нега Фармон талаблари бажарилмаяпти? Масъуллар қаёққа қарашаяпти, ўзи?!

Тан олмоқ керакки, бу борада айрим маҳаллаларда аниқ мақсадга йўналтирилган жиддий ва изчил фаолиятдан кўра ҳайбаракаллачилик кайфияти устун. Бировнинг кўнглига қаттиқ тегиш, ранжитишдан қочиб, ҳаммага бирдай яхши кўринишни афзал кўрадиганлар орамизда йўқ эмас.

Навоий вилояти хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан уюштирилган кенгайтирилган давра суҳбатида шулар ҳақида атрофлича фикр юритилди. Уни вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Мусаллам Иброҳимова бошқариб борди. Бўлиб ўтган давра суҳбатида иштирок этган маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар қўмиталари, «Нуроний» жамғармалари раислари, «Маънавият ва маърифат» кенгашлари раҳбарлари, «Камолот» ижтимоий ҳаракати, диний идоралар вакиллари, ҳуқуқшунослар, шифокорлар «Обод маҳалла йили»да ушбу соҳада амалга оширилаётган ишлар хусусида фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Ўз мухбиримиз.

Чортоқ туманидаги «Соғлом авлод» марказида бир неча тўгараклар ишлаб турибди. Дуторчи қизлар дастаси ана шулардан биридир. Зеро, дутор оҳанги киши руҳиятини кўтариб, қалблардаги ҳазинликни бартараф этади.

Суратдаги қизча Муқаддам Холмирзаева (ўнгда) мусиқашунос Шоира Тожибоева раҳбарлигида дутор сирларини ўрганишга қатъий аҳд қилган. Унинг умидлари албатта ижобат бўлгай.

Абдулмутал МАТКАРИМОВ олган сурат.

Эл назаридаги инсон

— Дўхтирларга ишинг тушгулик қилмасин. Ишинг тушса биларкансан, — асабий ҳолда автобусга чиқаркан ўрта ёшдаги аёл тинмай гапираради, шифокорлар шаънини ерга урарди.

Бундан бироз жаҳлим чиқди. Сабаби ўша аёл айтмоқчи менинг ҳам дўхтирга ишим тушди. Назаримда, жароҳат жиддийга ўхшади. Сирдарё вилояти давлат шошилинч тез тиббий ёрдам маркази қабулхонасига бордим. Омон Казаков деган врач навбатчи экан. Оёғимни рентген қилиб, «Бўғинларда қон уюшиб қолган, жиддий жароҳат йўқ», деган ташхис қўйди. Кўнглим таскин топгандек уйга қайтдим. Бироқ кунлар ўтиши билан оёғимда оғриқ зўрайгандан-зўрая борди. Охири туман марказидан «тез ёрдам» чақиришга мажбур бўлдим. Вилоят давлат шошилинч тез тиббий ёрдам бўлимидаги врачлардан бири қўлтиқтаёқда кириб борганимни кўрдию: «Пулинг бўлса, шифохонага ётқизамиз» деса бўладими? Бу сўзнинг олдида тан жароҳати ҳеч гап бўлмай қолди. Ҳақиқатдан ҳам, нажот кутиб турган одамингдан бундай муомалани кўрганингдан кейин шундайларга ишинг тушганидан хафа бўлиб кетаркансан. Ноилож, яна уйга равона бўлдим.

Тонгни бир амаллаб оттирдиму, шуларнинг ҳам раҳбари бордир, деб яна тез тиббий ёрдам марказига келдим. Марказ директори Ҳотам Нишонов қабулида бўлдим. Оёғимни қайтадан рентген қилишди. Ташхис товон парчаланиб синиши, иккинчи бармоқ панжаси чизиқсимон синиши экан. «Дунёда ёмондан яхши кўп, шунинг учун дунё турибди», деганди саксондан ошган онам. Рост айтган экан. Бир зумда оёғимни гипслаб, жароҳатлар бўлимига ётқизишди. Бу бўлим мудири Жуман Жабборов ҳақида аввал эшитган эдим. «Энг зўр мутахассис», «самимий инсон», «ҳақиқий шифокор» деган таърифлар айнан шу одамга берилганди. Тасодифни кўринг, ўзим шу шифокорнинг беморига айландим. Одамлар билиб гапираркан.

Яхшилар кўп дунёда

Бўлимдаги тартиб, интизом, озодалик, саранжом-саришталик руҳингизни яйратади. Фаррошлар Шарофот опа, Ҳулкарой, Барнолар хоналарни дамбадам артишарди. Барчаси ширинсўз, хушмуомала. Ҳамшира қизлар Мунаввар билан Нигора белгиланган муолажаларни вақтида бекамиқўст бажаришади. Уларнинг очиқ чеҳраларидан, ширин лутфларидан дардингни унутасан киши.

Шифохона зерикарли жой. Бироқ, кўнглингга мос ҳамсуҳбат топилса, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб, кунларни қисқартирасан. Ҳамсуҳбатлар орасида жароҳатлар бўлими мудири Жуман Жабборовни яқиндан биладиганлар ҳам бор экан.

Жуман ака 1970 йили Тошкент давлат тиббиёт институтини битириб, Сирдарё вилояти шифохонасига ишга келган. Ҳозир эса вилоят давлат шошилинч тез тиббий ёрдам маркази жароҳатлар бўлимига мудирлик қилади. Беморлар дардига малҳам бўлиб, жонига оро киряпти. Жуман ака қўли енгил, маҳоратли, тажрибали шифокор. Бундан ҳам кўра унинг энг ажойиб фазилатлари — очиқчеҳралиги, бемор руҳини кўтара олиш санъати.

Одамлар турфа. Беморлар орасида ҳам турли табиатли инсонлар бор. Биров инжиқ, бошқаси кибор, яна бири... Шифокорлар ана шундай турфа табиатли одамлар билан муомала қилади. Бу борада Жуман Жабборовни ажойиб руҳшунос дейиш мумкин. Дардингизни, жон оғригини қарашингиздан билади, бемор кўнглига таскин бериш йўлларини топа олади. Қарийб ўттиз йиллардан зиёд умрини, билимини инсон саломатлиги йўлида сарфлаб келаётган шифокор Жуман Жабборовни кўз олдимга келтирарканман, тиббиётга адашиб кириб қолган айримлар ҳеч ким бўлиб туюлади. Ҳақиқий эл фидойилари бор экан эзгулик, яхшилик тантана қилаверади.

Маматқул БОЗОРБОЕВ,
Гулистон шаҳри.

«Чироқ ўчмаган кеча»

«Шарқ» нашриёт — матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти ёзувчи Маматқул Ҳазратқуловнинг «Чироқ ўчмаган кеча» китобини босмадан чиқарди. Китоб муаллифи ўзининг «Оқ қуш», «Чўли ироқ», «Ҳаётнинг бир парчаси» сингари бир қанча ҳикоя ва қиссалар тўпламлари билан китобхонларга яхши таниш. Унинг қатор асарлари хорижий тилларга ҳам таржима қилинган. «Меҳр кўп кўргаздим», «Меҳмон», «Қадрим», «Афандининг янги саргузаштлари» каби пьесалари театрларда, телевиденеда саҳналаштирилган. Ёзувчи Л. Толстой, В. Шукшин каби рус адиблари, шунингдек, озарбойжон, тожик, татар ва япон ёзувчиларининг ҳикоя ҳамда қиссаларини ўзбек тилига ўгирган.

— Маматқул кўпчилик сингари адабиётга журналистика орқали кириб келган,— дейди китобга ёзган сўзбошисида таниқли адиб Машраб Бобоев. —Бу йўл — журналистика орқали тушган йўлнинг иккита устунлиги бор. Биринчи устунлик — у ёзувчини ҳар доим сафарбарлик ҳолатида тутиб туради, яъни ишчан, меҳнатсевар бўлишга мажбур қилади. Иккинчи устунлик эса — у касб тақозоси билан қаётнинг турли кўчаларига кириб чиқади, гоҳида ақлбовар қилмайдиган вазият ва ҳодисалар билан ошно бўлади.

Айтиш жойизки, адибнинг янги китобига киритилган «Довучча саргайибди», «Шуъла», «Довон», «Аёл», «Ука», «Тўқнашув» каби ҳикоялари ва «Эшиклар очиқ», «Қўккўл» қиссаларида зиддият кўпинча ботиний кечади. Қаҳрамонлар асосан бир-бири билан эмас, балки ўз-ўзи билан курашади. Бу курашлар замиридаги нозик ҳиссиётлар, покиза ва жўшқин туйғулар киши қалбини ларзага солмай қолмайди.

Айниқса, тўпламдан жой олган «Чироқ ўчмаган кеча» қиссаси, бир томондан, тупроғимизга туташ, жондош, қондош юрт — Афғонистонда йигирма йилдан ортиқ муддат давом этган хунрезликдан ғоят азоб тортган афғон халқи қайғу-алами ва орзу-умидларига ҳамоҳанглиги билан ажралиб туради. Иккинчи томондан эса, мазкур асар кишиларимизни тинчлик ва осойишталик бебаҳо неъмат эканлигини имкон қадар теран англашга, Истиқлол баҳш этган тинчлик- барқарорликни, ҳамиша мусаффо ва осуда осмонимизни қадрлашга, киндик қонимиз томган шу бобомерос муқаддас маъво — Ватанни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга даъват этади.

Жасур КЕНГБОЕВ.

Ўзбек тилида ягона

«Халқ сўзи» газетасининг 2003 йил 17 январь сонида чоп этилган «Фалсафа тарихи» ёхуд «қўлбола» таржима қилинган китобнинг ўқувчиларга акс таъсир қилиши ҳақида» номли мақола билан танишиб унинг охирида қўйилган: «Бу ҳақда соҳа мутахассислари нима дейишаркан?» деган саволга қисқа бўлса-да ўз муносабатимизни билдиришни лозим деб топдик.

Дунёда тан олинган, норвегиялик файласуф олимлар Гуннар Скирбекк ва Нильс Гилье қаламига мансуб «Фалсафа тарихи» китобининг ўзбек тилига таржима қилиниши, аслида жуда бир хайрли иш бўлди. Тўғри, унда баъзи бир орфографик ва стилистик камчиликлар ҳам мавжуд. Лекин таржиманинг афзалликлари ва ижобий жиҳатлари ундаги камчиликлардан анча устун. Ушбу китоб шу кунда жаҳон фалсафаси, ундаги йўналиш, оқим ва мактаблар тўғрисида кенг маълумот берадиган ўзбек тилидаги ягона китобдир. Ундан ҳозирги кунда Ўзбекистон Миллий университети талабалари ва ўқитувчилари муҳим манба сифатида фойдаланмоқдалар. Бу китоб ҳақидаги фалсафа фанлари докторлари, профессорлар — Ҳайдар Алиқулов, Расулжон Носиров ва Саидмурод Мамашокировларнинг «Маърифат» газетаси 2002 йил 10 август сонида эълон қилинган тақризи ҳам фикримизнинг тасдиғидир.

Мазкур китоб талабалар дунёқарашининг кенгайиши, мустақил, ҳаётий позицияси шаклланишига ва уларнинг эркин, танқидий фикрлашига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Чунки китобда таҳлил қилинган барча фалсафий оқим ва йўналишларга холисона ёндашув мавжуд.

Китобнинг адади анчагина (5000) бўлса ҳам, фалсафа курсини ўрганадиган республикадаги талабалар сонига нисбатан камлиги сезилмоқда. Ушбу китобда йўл қўйилган жузъий имло ва услубий камчиликлар китобнинг кейинги нашрларида бартараф этилади, деган умиддамиз.

А. УТАМУРАДОВ,
Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультети декани.
С.ЮЛДАШЕВ,
доцент.

«КЕЛАЖАК МАКТАБДАН БОШЛАНАДИ»

Феруза ХУДОЙБЕРДИЕВА — Тошкент тумани, 2-мактаб:

— *Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича ислоҳотлар барча мактабларда, жумладан, бизнинг мактабда ҳам давом этмоқда.*

Марҳамат қилиб айтингчи, Миллий дастурнинг иккинчи босқичида мактабларда яна қандай ўзгаришлар амалга оширилади?

— Иккинчи босқичда сизнинг мактабингизда қандай ўзгаришлар бўлиши кераклигини мендан кўра сиз яхшироқ биласиз деб ўйлайман. Мен эса умуман умумтаълим тизимида амалга оширилаётган ва бундан кейин амалга ошириладиган ишларнинг асосий йўналишлари тўғрисида гапиришим мумкин.

Мана, иккинчи йилки, жамият Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларнинг иккинчи босқичини бажаришга кучғайрат билан киришди. Ўтган даврда биринчи босқичда бошланган ислоҳот жараёни изчил давом эттирилди ва бу йўналишдаги фаолият янада такомиллаштирилмоқда. Шу икки йил мобайнида мактабларни ривожлантириш бўйича эришилган натижаларнинг айрим далилларини келтириб тўшим мумкин. Бу даврда деярли 45 минг ўқувчи ўрнига эга бўлган мактаблар ва уларга қўшимча бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди. 130 та мактаб компьютерлаштирилди. Американинг ЮСАИД агентлигидан 1000 дона компьютер олиш иши якунланаяпти. 8,7 миллиард сўмга мактаблар учун мебеллар олинди, кам таъминланган оилаларнинг ўқувчи болалари учун 13 миллиард сўмдан кўпроқ ҳажмда кийим-кечаклар харид қилинди. Шундай қилиб, халқ таълимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадидаги фаолият қизғин давом эттирилмоқда.

Бундан ташқари, вазирлик иккинчи босқичда таълим сифатини оширишга қаратилган махсус, аниқ мақсадли иш олиб боришни ўзининг бош вазифаси деб билади. Албатта, бундай иш ҳамиша диққат марказимизда бўлиб келган. Бироқ, бундан кейин таълим жараёнининг сифатини янада такомиллаштириш, чуқурлаштириш йўлидан борамиз.

Ҳукуматимиз мактабларни компьютерлаштиришга катта эътибор қаратмоқда. Бу масалада махсус дастур ишлаб чиқилган. Таълим жараёнида ўқув режаларида белгиланган турли фанлардан дарс машғулотларини ўтишда компьютер технологияларидан фойдаланиш кенгайтириб борилади. Бунинг учун аниқ мақсадли компьютер дастурлари ишлаб чиқилиб, қўлланилмоқда ва тажриба майдонлари ташкил этилмоқда. Ҳозирча компьютер технологияси мактабларни ва умуман халқ таълими тизимини бошқариш соҳасига жорий этила бошланди.

Шунингдек, барча даражаларда таълимни бошқаришнинг ҳамда ўқув жараёнининг самарадорлиги ва сифати мониторингини амалга ошириш технологиялари такомиллаштирилмоқда. Жумладан, мактабгача, мактабдан ташқари таълим ва педагог ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш соҳалари мониторингини ўтказиш бўйича яхлит тизим яратилмоқда.

Саломат ҒАФУРОВА — Тошкент, ўқитувчи:

— *Вазирлик аълочи ўқувчилар учун экстерн усулда имтиҳонлар топширишга ўтишни режалаштиряптими?*

— Ҳозирги пайтда имтиҳонларни экстерн тартибида топшириш 1999 йилда вазирлик томонидан тасдиқланган вақтинча Низом асосида амалга оширилмоқда. Аммо ҳозирги талаблар асосида вазирлик томонидан янги лойиҳа тайёрланган. Экстернат ҳақида Низом матбуотда кенг муҳокама қилиш учун тавсия этилган. Қўшимчалар, таклифлар инобатга олиниб, бу Низом такомиллаштирилгач, тасдиқланади.

Асрор ҚОДИРОВ — Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси:

— *12 йиллик узлуксиз мажбурий ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига ўтиш дастури қачон тўла амалга ошади? Вазирлик умумтаълим мактаблари битирувчиларининг савияси давлат таълим стандартларига нечоғлиқ мувофиқ эканлигини таҳлилдан ўтказдими?*

— Мажбурий ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига ўтиш 2010 йилда тугалланиши белгиланмоқда. Бу вақтга келиб, неча юзлаб академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари қуриб битказилиши, кераклі ўқув жиҳозлари билан таъминланиши, ўз бағрига ярим миллиондан зиёд 9-синфни битирган ўқувчиларни қабул қила оладиган бўлиши лозим.

Ўқувчилар билим даражасининг Давлат таълим стандартлари (ДТС) талабларига мувофиқлиги ушбу стандартлар мактаблардаги ўқув жараёнига жорий этилган биринчи йилдан буён мунтазам таҳлил этиб келинмоқда.

Ўтган даврда бошланғич синф ўқувчиларининг таълим тайёргарлиги ДТС талабларига қиёсланиб чуқур ўрганилди. Ундан кейин 5, 6, 7 ва 8-синфларга ДТС ва янги ўқув дастурларининг жорий этилиши якунлари таҳлил этиб чиқилди. 2003 йилда эса ДТС ва янги ўқув дастурлари 9-синфларга биринчи марта жорий этилмоқда. Вазирлик томонидан бу тадбирнинг ярим йилдик ва ўқув йили якунлари бўйича мониторингини ўтказиш кўзда тутилган.

11-синфни битирувчиларнинг таълим тайёргарлигини ҳам биз ҳар йили вазирлик ҳайъат мажлисларида муҳокамадан ўтказамиз. Бунинг учун Давлат тест маркази материалларини асос қилиб оламиз. Айни пайтда уларга мактабларни битириш имтиҳонлари якунлари бўйича тўпланган маълумотларни ҳам қўшиб ва тўлдириб, муҳокама қиламиз.

Суннат ДЎСТМАТОВ — Янгиобод туманидаги 15-мактаб ўқитувчиси:

— *Ўқитувчиларни аттестациядан ўтказиш нега тўхтатиб қўйилди. Бу тадбир яна ўтказиладими? Унинг натижалари ўқитувчиларга тоифа даражаларини беришда инобатга олинадими?*

— Давлат аттестациясини ўтказиш муддатлари жойлардаги ҳокиминятлар томонидан белгиланади. Уни ўтказиш тартибини эса Давлат тест маркази ва вазирлик биргаликда ишлаб чиқишган. Аттестация натижалари асосида ўқитувчиларга тоифа даражалари берилади.

(Шунга ўхшаш савол билан тошкентлик Венера Шокирова ҳам вазирга мурожаат қилди).

Нодир ТЎЙЧИЕВ — Тошкент:

— *Бугун мактаблар савияси бирбиридан ажралиб туради. Сизнингча бу нормал ҳолатми? Келгусида мактабларнинг ўзини ўзи молиявий таъминлаши кўзда тутиляптими?*

— Ҳукумат томонидан Давлат таълим стандартлари тасдиқланганини юқорида айтдик. Республикамиздаги ҳар бир таълим муассасаси ўзининг ўқувчиларига ушбу стандартларда белгиланган талаблардан паст бўлмаган билим бермоғи лозим. Агар улар шу билимни бермаса бу нормал ҳолат эмас, албатта. Биз шу даражадаги мактабларни иложи борича камайтиришга ҳаракат қиламиз.

Таълим муассасалари ўртасидаги рақобат аввалдан бор эди, ҳозир ҳам бор, бундан кейин ҳам такомиллашиб, давом этаверади. Аҳоли талабэҳтиёжидан, шу билан бирга мавжуд имконият ва шароитдан келиб чиқиб бир мактабда чет тили, бошқасида аниқ фанлар, учинчисида ижтимоий фанлар, яна бирида мусиқа ва тасвирий санъат чуқурлаштирилиб ўқитилади. Бундай юқори даражадаги мактаблар республикада қанчалик кўп бўлса, шунча кўп иқтидорли ва истеъдодли ёшларимиз ҳаётда ўз ўринларини топишади.

Раҳима ЙЎЛЧИЕВА — Қўқон шаҳри, 31-мактаб директори:

— *Уч йил аввал мактабимиз биносига шаҳар ҳокимлигининг топшириғи билан битта поликлиника жойлаштирилган эди. Бу ҳам етмаганидай, ўтган йилнинг 7 ноябрь куни яна бир ҳужжат қабул қилиниб, унга асосан иккинчи поликлиника ҳам мактабимизга киритилди. Ота-оналар, мактаб маъмуриятининг фикрини бу ерда ҳеч ким инобатга олмаяпти. Натижада, биз болаларни кабинет тизимида ўқитишдан маҳрум бўлдик. Мактабда ўқиш уч сменада ташкил этилган.*

— Қўқон шаҳар ҳокимлигининг бундай хатти-ҳаракати қонунларга зид. Бугунни ўзида Фарғона вилоят ҳокимлигига хат билан мурожаат қиламиз ҳамда мазкур масалани назоратимизга оламиз.

Муртазо РАСУЛОВ — Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманидаги 45-мактаб ўқитувчиси:

— *Бизнинг мактабимиз Қамашида бўлиб ўтган зилзиладан кейин авария ҳолатига келиб қолди. Шу сабабдан, уни қайтадан қуришга киришилган эди. Лекин қурилиш тўхтаб қолди. Бизлар бор-йўғи яроқли 6 та синфхонада, уч сменада дарс ўтяпмиз. Ўқувчилар тиқилишиб ўтиришади. Мактабимизга ёрдам керак.*

— Муртазо, синфлар совуқ эмасми?

— *Йўқ, иситиш чораларини кўрганмиз.*

— Биламан, зилзиладан кейин Қамашида мураккаб вазият вужудга келган. Фақат сизларнинг 45-мактаб эмас, бошқа яна бир қатор мактаблар жиддий ёрдамга муҳтож. Лекин кайфиятни бардам қилинг. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Қамаши туманидаги мактабларни қайта қуриш ва тубдан таъмирлашни энг зарур объектлар сифатида ўз режаларига киритган. Уларнинг қурилиши ва таъмирланиши вазирлигимизнинг ҳам назоратида. Менга қўнғироқ қилганингиз яхши бўлди. Биз бу масалада вилоят ҳокимлигига шу бугун-эртага яна мурожаат қиламиз. Сизлар ҳам хат билан вилоят ҳокимлигига мурожаат қилишингиз керак. Бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилайлик.

Ойгул ЭШМУРОДОВА — Навоий вилоятининг Навбаҳор туманидаги 18-мактаб ўқитувчиси:

— *Ўқувчилар билимини беш балли баҳолаш ўрнига жорий йилдан бошлаб бундай баҳолашнинг янги — рейтинг тизимига ўтилди. Энди ўқитувчилар қайси ўқувчига беш, қайсисига олти, қайси бирига 12 балл қўйилиши керак деб, ҳисобчилардай ишлашига тўғри келяпти. Бу рейтинг тизими амалиётда ўзини оқлаб, яшаб кетармикин?*

— Янгиликнинг афзалликларини чуқур тушуниб етмасдан инкор қилиш ёки уни шубҳа остига олиш тўғри эмас. Бир оз вақт ўтади, сизнинг ўзингиз рейтинг тизимининг афзаллигига ишонч ҳосил қиласиз.

Рейтинг тизимида ўқитувчи дарс машғулотларини ўтибгина қолмасдан, унинг самарадорлигини ҳам назорат қилиб бориш имкониятига эга бўлади. Ўқитувчининг вазифаси нимадан иборат? Ўқувчига ҳозирги давлат таълим стандартлари, янги дастурлар асосида пухта билим бериши керак. Бугун, масалан, бошланғич таълимнинг охирида ўқувчилар бир дақиқада 80-90 тагача сўзни ўқий олиши керак. Унинг ютуқлари турли босқичларда қандай кузатиб борилади? Бошланғич синфни тугатгандан кейин, ўқувчи ҳамон китобни бўғинма-бўғин, ҳижжалаб ўқишдан нарига ўта олмаса, аҳволни тузатиш қийинлашиб қолмайдими? Рейтинг тизими — ўқувчи билимини қадам-бақадам, ҳар куни назорат қилиб боришга имкон беради. Агар ўқувчининг ўзлаштириши қониқарли бўлмаса, унга вақтида етарли билим бера олмаган ўқитувчи ўқувчи билан бепул қўшимча машғулот ўтказишига тўғри келади. Шундай қилиб, рейтинг тизими — ўқитувчининг салоҳиятини ҳам аниқлаш воситасидир. Бу борада икки ва ундан кўп йил синов майдонига айланган мактабларда янги тизим ҳозир амалиётга муваффақиятли жорий этилмоқда. Сизлар ҳам аста-секин бу янгиликка кўникасизлар.

Биз бугун бутун дунё билан ҳамқадам ривожланишни мақсад қилганмиз. Орқада қолишни хоҳламасак, рейтинг тизимига дадил ўтишимиз керак. Ҳозирги кунда бу тизим академик лицейларда, касб-ҳунар коллежларида, олий ўқув юртларида қўлланилмоқда. Уни қўллаш услубияти батафсил ишлаб чиқилган, махсус китоб тарзида нашр этилган ва мактабларга тарқатилган. Мактабларда компьютерлаштиришга босқичма-босқич ўтилгач, бу масалада ҳеч бир қийинчилиқ бўлмайди. Шунинг билан бирга, биз мазкур тизимни такомиллаштириш билан боғлиқ конструктив мулоҳазалар ҳамда таклифларга тайёрмиз.

(Вазирга Сулаймон Баҳромов, Татьяна Гурьевалар ҳам худди шундай саволлар билан мурожаат қилишди).

Ольга СУХОРУК — Тошкент:

— *Мактабгача таълим муассасалари учун ходимлар тайёрлаш дастури борми?*

— Ҳа. Бу йўналишда ишлар жиддий йўлга қўйилган. Республикамизнинг 5 та педагогик олий таълим муассасасида, шунингдек, Тошкент давлат педагогика университетида ва Термиз давлат университетида мактабгача таълим мутахассислари тайёрланмоқда. Бундан ташқари, бу олий таълим муассасалари қошида худди шу йўналишда сиртқи бўлимлар ҳам очилган. Шунингдек, мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларини тайёрловчи махсус касб-ҳунар коллежлари ҳам бор.

(Тошкентлик Дилфуза Иноғомжонова ҳам шу масаладаги савол билан мурожаат қилган)

Умида НОСИРОВА — Тошкент, ўқитувчи:

— *Янги йилдан бошлаб ўқитувчилар учун белгиланган барча имтиёзлар бекор қилинади, деб эшитдим. Шу ростми?*

— Менинг қулоғимга ҳам шундай гаплар чалиниб қоляпти. Бироқ бундай миш-мишларни кимлар тарқатяпти? Билолмаяпман. Мен ҳукумат аъзоси сифатида расман айтаманки, бундай қарор қабул қилинмаган.

— *Мактаблардаги аёл ўқитувчилар 58 ёшдан, эркак ўқитувчилар — 63 ёшдан нафақага чиқармиш, деган гаплар ҳам юрибди...*

— Бу гапларга ҳам қулоқ тутманг. Бемалол ишингизни давом эттириб, болаларимизни тарбиялаш йўлидаги меҳнатни бардам кайфият билан давом эттиринг.

— *Раҳмат!*

(Вазирга шунга ўхшаш саволлар билан Ольга Хохловкина, Султоной Оқбоева, Тоҳиржон Тўраевлар ҳам мурожаат қилишди).

Тўхтамурод МУҲАМЕДОВ — Зангиота туманидан, собиқ ўқитувчи, меҳнат фахрийси:

— *Бизнинг Эркин қишлоғимиздаги мактаб 1936 йилда ҳашар йўли билан қурилган. Ҳозирги кунда у тубдан таъмирлашни талаб этиб турибди. Ёрдамингиз зарур.*

— Умуман олганда, мактаблар қурилиши ва уларни капитал таъмирлаш жойлардаги ҳокимликларнинг вазифасига киради. Мазкур масалада уларга мурожаат этишингизни тавсия этаман.

— *Ҳозирги пайтда айрим халқаро молия ташкилотлари республикамиздаги таълим-тарбия соҳасини ривожлантиришга қаратилган кредитлар ажратяпти. Улар бизнинг мактабимизни қайта қуриш учун ҳам кўмаклашиб юборишар...*

— Сизга айтсам, яқинда республикамиз ҳукумати Осиё Тараққиёт ва тикланиш банки билан таълим соҳасини ривожлантиришга қаратилган лойиҳани имзолади. Бу кредит ўқув муассасаларининг моддий-техника асосини мустаҳкамлаш ва масофадан туриб ўқитиш асосида ўқитувчиларимиз малакасини ошириш мақсадларига сарфланади. Шу асосда 500 ўқув муассасасини таъмирлаш режага киритилган. Агар Тошкент вилояти ҳокимлиги "Эркин"даги мактабни таъмирлаш иложини топа олмаса, биз ўз имкониятларимизни қараб кўрамиз.

(Китоб туманидаги 65-мактаб ўқувчиси Илҳом Каримов ҳам ўзи ўқийдиган мактабда спорт зали йўқлиги, мактабнинг янги биноси қурилиши чала ётганлигини айтиб, вазирга савол йўллабди. Қашқадарё вилояти ва Китоб туман ҳокимликлари буни инобатга олар деб ишонамиз).

Алфия МАННОПОВА — Шайхонтоҳур туманидаги 58-мактаб ўқитувчиси:

— *Мактабларни дарсликлар билан тўла-тўкис таъминлаш бўйича қандай чора-тадбирлар кўриляпти? Очиғини айтганда, дарсликлар етишмаяпти ва уларнинг сифати ҳам яхшиланиши керак...*

(Худди шундай савол билан А.Тўйчиев ҳам мурожаат қилди).

— Сизни тушунаман. Айрим дарсликлар етишмаяпти. Биз янги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари бўйича таълимни йўлга қўйишга ўтдик. Уларга мос келадиган дарсликларнинг янги авлоди фақат тендер асосида яратилмоқда. Натижада дарсликларнинг нархи арзонлашмоқда, уларнинг полиграфик сифати яхшиланмоқда. Ўқувчиларимизни сифатли дарслик билан таъминлаш мақсадида биз босқичма-босқич ижара тизимини жорий этмоқдамиз. Ўтказилган тажриба-синов мазкур тизимнинг самарадорлигини кўрсатди. Ҳар бир мактаб кутубхонасида китобларнинг айланма жамғармаси ташкил этилмоқда. Жорий йилда шу мақсадлар учун 7,5 млн. нисбатан дарсликлар чоп этилиб, мактаб кутубхоналарига етказилди. Республика ҳукумати мазкур масалага жуда катта эътибор бераяпти. Биргина мисол. 2002 йилда дарсликлар харид этиш учун бюджетдан 8,8 млрд. сўм миқдорда маблағ ажратилди.

— *Мени яна бир масала ўйлантириб турибди. Учта фарзандим қатнайдиган мактабда 4 та фан бўйича ўқитувчи йўқ. Натижада педагогика университетининг юқори курс талабалари мактабга келиб ишлашаяпти. Менинг болаларим ва тенгқурлари бундай шароитда ҳозирги кунда талаб қилинаётган билимни эгаллашга муваффақ бўлишаяптимикин?*

— Тошкент шаҳридаги баъзи мактабларда чет тили, меҳнат ва жисмоний тарбия бўйича ўқитувчилар етишмай турибди. Бошқа фанлар бўйича ўқитувчилар етарли. Биз бу масала билан шуғулланаяпмиз. Шу билан бирга, сизнинг фарзандларингиз ўқиётган мактабда маънавий-руҳий шароит, афтидан, кўнгилдагидай эмас. Ахир мактабда бюджетдан ташқари маблағ топишни, ўқитувчиларни моддий рағбатлантиришни ҳам йўлга қўйиш керак. Изланиш, жон куйдириб ишлаш керак. Замон, бозор иқтисодиёти даври фаоллик, ташаббускорликни талаб қилади.

— *Мен Тошкентдан, Антонина Васильевнаман. Сўрамоқчи эдимки, нега бошланғич синфларда ўқитувчиларнинг дарс юкламаси 14 соатдан 18 соатга ошса-да, лекин уларнинг ойлик иш ҳақида бу ўзгариш сезилмади?*

— Антонина Васильевна, қанча ойлик оляпсиз?

— *25 минг сўм.*

— Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, ҳозирги пайтда ўқитувчиларнинг бир ставка учун ойлик иш ҳақи миқдори ўртача 4 мингдан 4,5 мингтача ошган. Агар, 14 соатлик ҳафталик юклама пайтида бир ставка учун ўқитувчи ўртача 14 мингдан 14,5 минг сўмгача (яъни 18 соатлик юкламада — 18,5 дан 19,3 минг сўмгача) иш ҳақи олган бўлса, ҳозирги пайтда 18 соатлик ҳафталик юкламада бир ставка учун у ўртача 22 мингдан 23,5 минг сўмгача олиши керак. Оддий ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича иш ҳақидаги фарқ мавжуд ва бу босқичма-босқич кўпайиб бораверади.

— *Рисбой Ҳайдарович, яна битта саволга ижозат сўрайман. Ўқитувчилар кўпгина жамоатчилик ишларини ҳам бажарадилар. Майли, биз буни бурчимиз деб биламиз. Лекин бу ишларни бажариш учун у ёқ-бу ёққа бориш, юриш керак бўлади. Бизларга эса йўл паттаси берилмаяпти...*

— Мен бу масалада маҳаллий ҳокимият раҳбарларига мурожаат қилдим. Улар вазиятни тушунтиришди. Йил бошида айрим банкларга пул тушиб улгурмаган экан. Хотиржам бўлинг, йўл паттаси албатта берилади.

Энди, ўқитувчиларни рағбатлантириб туриш масаласига келсак, ҳозирги кунда бу борада мактабларга катта имкониятлар берилган. Жумладан, улар бюджетдан ташқари маблағларни ўзлари ишлаб топишлари мумкин. Бу маблағнинг 25 фоизи самарали фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларга қўшимча иш ҳақи тўлаш учун сарфланади. Ҳозир биз ҳар бир мактабнинг банкларда ўз ҳисоб рақами бўлишига эришаяпмиз. Қишлоқ мактабларининг эса ўзининг ер мулки бўлиши керак. Бу ерларда ўқитувчилар учун мева, сабзавот, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилиши лозим. Хуллас, мактабларнинг хусусий ҳисоб рақамларига тушган даромад жамоа манфаатларига хизмат қилиши лозим. Сиз Юнусобод туманида яшайсизми?

— *Йўқ, Мирзо Улуғбек туманида.*

— Демоқчиманки, яқинда вазирликда бу йўналишда яхши қадамлар қўяётган Юнусобод туман халқ таълими бўлимининг иш тажрибаси кўриб чиқилди. Бу туман мактаблари бюджетдан ташқари маблағ ишлаб топишда шаҳарда биринчи ўринда туради. Нега Мирзо Улуғбек туманида шундай чора-тадбирларни кўриш мумкин эмас? Сиз ўз мактабингиз директори билан бу масалада гаплашиб кўринг, йўл-йўриқ изланглар. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир ташкилот, ҳар бир инсон изланиб яшаши талаб этилади. Тўғри, эмасми?

— *Тўғри.*

— Сизларга муваффақият тилайман.

(Ўқитувчиларнинг ойлик иш ҳақи масаласида таҳририятимиз орқали вазирга Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидан бир гуруҳ ўқитувчилар ва тарбиячилар ҳам мурожаат қилишди. Ўйлаймизки, вазирнинг юқоридаги жавоблари уларга ҳам тааллуқли).

Норбўта ЭГАМҚУЛОВ — Тошкент шаҳри, меҳнат фахрийси:

— *Бизнинг маҳалладаги 110-мактабда дарслар тонг қоронғусида, соат 7.00 да бошланяпти. Сабаби, мактабга 1200 нафар ўқувчи ўрнига 3,5 минг ўқувчи қабул қилинган. Дарслар 3 босқичда олиб борилади.*

— 110-мактаб Тошкент зилзиласи даврида қурилган. У пайтда ўта маҳобатли қурилишлар расм-одат бўлган эди. Биз бу мактаб юкини енгиллатиш чораларини кўрамиз. Аслида эса, ҳар бир микроҳудудда ўқувчилари катта йўлларни кесиб ўтмайдиган мактаблар бўлиши лозим. Менимча, 110-мактабдаги аҳвол учун мактаб маъмурияти ҳам айбдор. Бу мактаб — ихтисослашган мактаб ҳисобланади. Сезишимча, ота-оналар ўз болаларини шу мактабга жойлаштириш учун мактаб раҳбарларини ҳол-жонига қўймай илтимос қилишаверади. Оқибатда, ҳар бир синфда 43-45 талан бола тиқилишиб ўқийди.

Ҳозирги пайтда лойиҳалаштирилаётган, модул типидаги 9 йиллик умумтаълим мактабларга 800 нафардан кўп ўқувчи қабул қилинмайди. Синфларда кўпи билан 35 нафар ўқувчи бўлади.

Наил МЕНЕЛБАЕВ:

— *Мен Россия инновация компаниясининг вакилиман. Менда мактаблар учун лаборатория асбоб-ускуналари, микроскоплар, бошқа оптик қурилмалар ишлаб чиқарувчи қўшма корхона яратиш лойиҳаси бор эди.*

— Бу масала муҳим. Вазирликка келинг ва бизнинг мутахассислар билан ўз таклифларингизни муҳокама қилинг. Албатта келинг, кўришайлик.

Жанна ГАВРИЛОВА — Тошкент шаҳри Сирғали тумани фуқароси:

— *Мактабларда учинчи чорак 11 январдан, яъни шанба куни бошланди. Шу боисдан, айрим ота-оналар ўз болаларининг таътилини душанба кунигача узайтиришни маъқул кўришди. Сирғали тумани халқ таълими бўлими ходимлари эса худди шу куни мактабларда оммавий текширув ўтказишди. Синфлардаги ўқувчилари камроқ бўлган ўқитувчиларнинг ойлик иш ҳақини кесиб ташлаш тўғрисида таҳдид қилишди...*

— Ким бундай қарорни қабул қилган?

— *Гўё ўзингиз билмайдигандай, ҳурматли вазир? Тўлқин Аҳмедович-да.*

— Унинг бундай йўл тутиши асоссиз. Туман халқ таълими мудирига тегишли кўрсатма берилади.

— *Яна бир масала. Мактабга туман халқ таълими бўлимидан комиссия келади, истайсанми-йўқми, дастурхон тузаш учун 300-400 сўмдан йиғиш керак. Ойда бир марта бўлса, бошқа гап. Улар тез-тез келишади...*

— Нега пул йиғиш, дастурхон тузаш керак экан?

— *Билмадим, ҳурматлари учун бўлса керак-да.*

— Хуллас, бари ўзларингга боғлиқ. Биров пул йиғиш керак деса, ҳамён кавлайверишни бас қилинглар. Қатъий гапиринг: пул бермаймиз, вассалом. Мабодо, шундан кейин сизларни хафа қилишса, менга хабар қилинг. Телефон ўша-ўша.

Келишдикми?

— *Раҳмат!*

Мэриэн БРОЙЛЕНД — Швеция, Стокгольм шаҳри, Таълим департаменти бошқарувчиси:

— *Мени Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда Осиё Тараққиёт ва ривожланиш банки лойиҳаси доирасида халқаро консалтинг ва тренинг компаниялари иштирок этиши мумкинми, деган масала қизиқтираётган эди.*

— Сиз айтган лойиҳа, чиндан ҳам, тез орада амалга оширилади. Унда қатнашувчилар Республика ҳукумати ва Осиё Тараққиёт ва ривожланиш банки томонидан белгиланган тартибда рўйхатга олинади. Маълумотлар ана шу банк маълумотлар базасида бор, улар билан танишиш мумкин.

(Худди шундай масала Янги Зеландиядан вазир Р.Ҳ.Жўраевга қўнғироқ қилган ТТТ бош вакили Шон Берриман жанобларини ҳам қизиқтиради).

Фёдор СЕРГЕЕВ:

— *Рисбой Ҳайдаровичмисиз?*

— Эшитаман.

— *Ассалому алайкум, мен мактабда ўқийман.*

— Ваалайкум ассалом. Қайси синфда?

— *Ўн биринчида.*

— Яхши ўқиясанми?

— *Ҳа.*

— Балли! Эшитаман, Фёдор?

— *Бизлардан мактабни таъмирлаш учун пул талаб қилишаяпти.*

— Ким? Ўқитувчиларми?

— *Ҳа.*

— Мана, чет давлатларда мактабларда Васийлик кенгаши бор. Масалан, мен — тадбиркор, бой одамман. Шундай экан, мактабга моддий ёрдам кўрсатишим мумкин. Тўғрими?

— *Тўғри.*

— Сен эса керакли одамларга буни тайинлаб қўямиз. Сендан пул олишмайди. Сен ҳақингда маълумотлар бизда бор.

— *Улар, биласизми, нима дейишди?*

— Ҳўш?

— *Пул топширмасанг, мактабдан кетасан, дейишди.*

— Бундай қилишмайди. Хотиржам бўл. Вазир менга шундай деди дегин. Фақат яхши ўқи!

— *Раҳмат!*

Фарҳод МУҲАММАДИЕВ — Хоразм вилояти:

— *Мактаб кутубхоналарини республика ижтимоий-сиёсий газеталари билан таъминлаш учун ҳар йили уларнинг обунасига маблағ ажратилади. Нега Халқ таълими вазирлигининг жойларга жўнатган обуналар рўйхатида "Народное слово" газетаси кўринмайди?*

— Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги қарорига биноан ҳар бир қишлоқ мактабида маҳаллий бюджет ҳисобидан даврий нашрларга обуна уюштириш белгиланган. Худди шу қарорга асосан Халқ таълими ва Молия вазирликлари вилоят ҳокимликларига ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига хат йўллади. Ушбу хатда "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарига ҳам обуна ўтказиш сўралган.

Татьяна НЕКРАСОВА — Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, 48-мактаб директори:

— *Халқ таълими тизимида "Мактаб — болалар боғчаси" андозасидаги таълим мажмуаларини яратиш бўйича иш олиб борилаяпти. Бундай мажмуалар ўқувчиларнинг таълим тайёргарлиги юқори замонавий даражада бўлишини таъминлайди, шу боисдан улар аҳоли ўртасида қизиқиш уйғотмоқда. Вазирлик таълим мажмуалари тармоғини ривожлантиришни режалаштиряптими? Бошқача йўналишдаги мажмуалар ҳам бунёд этилиши мумкинми?*

— Ҳозирги кунда "Мактаб — болалар боғчаси" андозасидаги таълим мажмуалари республикада 229 тага етди, уларда 25 минг нафар мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар таълим тайёргарлигини олмоқдалар. Бундай мажмуалар тармоғи 2005 йилгача мўлжалланган махсус режа асосида ташкил этиб борилади. Фақат 2002 йилнинг ўзида 70 та ана шундай муассасалар фойдаланишга топширилди. Лекин биз фақат шундай мажмуаларни барпо этиш билангина чекланиб қолмоқчи эмасмиз.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов Олий Мажлисдаги маърузаларидан бирида мактабни, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини, олий таълим ва илмий тадқиқот институтларини ўз ичига олган илмий-педагогик мажмуаларни бунёд этиш узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларидан бири бўлишини таъкидлаб айтган эдилар.

Ўтган йиллар ва тўпланган тажрибалар бундай йўналишнинг долзарблигини яна бир марта равшан тасдиқлади. Меҳнат омилларини ривожлантириш бўйича олдимизда турган вазифаларни ҳал этиш учун ўзида касб-ҳунар коллежини ва академик лицейни ҳамда бир неча турдош ихтисослашган мактабларни бирлаштирадиган таълим мажмуаларини яратиш заруриятя сезилмоқда. Бундай шароитда таълимнинг узлуксизлиги, ворисийлиги амалда таъминланади. Таълим муассасалари ўқувчиларнинг яшаш жойига яқин бўлиши ота-оналарни хотиржам қилишдан ташқари академик лицейлар ва коллежлар қошида ётоқхоналарни камроқ қуриш имконияти туғилади. Бундан ташқари, оилаларнинг ўқувчилар билан боғлиқ сарф-харажатлари тежалади. Таълим мажмуаларини бунёд этиш ўрта-махсус касб-ҳунар таълими муассасалари қурилиши ва уларнинг моддий-техник базасини яратиш учун давлат бюджетидан сарфланадиган маблағ воситаларни ҳам сезиларли қисқартириш учун шароит яратади. Бунинг устига, бу мажмуаларда ҳозиргидан 1,5-2 баробар кўпроқ миқдордаги ўқувчилар қамраб олинади.

Республикада таълим мажмуаларини яратиш бўйича етарли тажриба тўпланди ва бу йўналишдаги ишларни ҳозирги кунда янги сифат даражаларига кўтаришимиз керак.

Марҳабо ТОИРОВА — Каттақўрғон шаҳридаги 11-мактаб директори:

— *Ҳозирги пайтда ёш мутахассисларни мактабларга йўлланма билан жўнатиш нега тўхтатиб қўйилди?*

— Собиқ тузум даврида, чиндан ҳам, мутахассислар йўлланма асосида мактабга жўнатилар эди. Лекин бу мутахассиснинг ўша мактабга боришга ҳоҳиши бормийўқми, ёки инобатга олинмасди. Бугун ёшларга танлов эркинлиги берилган. Ва бу ҳуқуқ Конституцияда муҳрланган. Ёшлар ўз интеллектуал ва ижодий салоҳиятини қаерда юзага чиқара олиш имконияти бўлса, ўша ерга боришга ҳақлидирлар. Бунинг устига, бугун кўплаб ёшлар олий таълим муассасаларига шартнома тўловлари асосида кириб ўқишмоқда. Улар албатта, шартнома асосида, пул тўлаб ўқитган жойга бориб ишлашлари шарт.

Шунинг билан бирга балким, бизлар ёшлар тарбиясида нималарга диқат етарли эътибор бермаётгандирмиз. Масалан, ҳар бир ёш мутахассис ўзи туғилиб ўсган жойга чуқур муҳаббат билан боғланиши, ўз она муҳитини равнақ топтиришга ҳисса қўшишни қалб, виждон бурчи деб билиши керак. Худди шундай ҳис-туйғуни шакллантиришда таълим муассасалари билан бирга ёш мутахассисларнинг ота-оналари, маҳалла бошқарувларига ҳам кўп нарса боғлиқ. Ёшларимиз жойларга ўзлари эгаллаган замонавий билимни, малакани, илғор технологияларни олиб боришлари лозим. Бу уларнинг Ватан олдидаги бурчи. Демак, ёшларнинг ўзига ҳам кўп нарса боғлиқ.

Ҳисобот матнини М.САФАРОВ нашрга тайёрлади.

Мулоқот давом этади

Навбатдаги «Бевосита мулоқот» 2003 йил февраль ойида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси Маҳмуджон Асқаров билан бўлиб ўтади.

Жиноят ва жазо

Бургут оланинг қаноти қайрилди

Сентябрь ойининг ўрталари. Самарқанд шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтириш бўйича республика лицейи директори Алишер Бозоровни кутилмаган қўнғироқ ҳушёр торттирди. Телефон гўшагидан қандайдир таниш, дўрилдоқ овоз эшитилди.

— Алишер Бозорович!

— Эшитаман!

— Сизни Миллий хавфсизлик хизматидан безовта қилаяпмиз.

— Хўш, хизмат?

— Учрашишимиз керак, тақдирингиз ҳал бўлаяпти.

— Тушунмадим?! — Алишер Бозоров ҳайратланди. — Ким билан гаплашаяпман?

— Ҳозир ўзимни таништиришим сизнинг фойдангизга тош босмайди. Лицей қабул ишларида гап-сўз бор. Вилоят миллий хавфсизлик қўмитасига сигнал етиб келди. Ёрдам керак бўлса соат беш яримларда Оҳалик кўчасининг бош қисмидаги озиқ-овқат коллежи ёнига етиб келасиз.

Лицей директори Алишер Бозоров гўшакни қўлига тутганича гандираклаб қолди. Лицейга ўқувчиларни танлаш жараёнини кўз ўнгидан ўтказди. Бирор ножўя ҳаракатларга йўл қўйилмаганлигига тўла ишонч ҳосил қилди. Миллий хавфсизлик хизматидан, дедими? Исми-шарифини айтмагани чатоқ бўлди-да. Ҳозир тўғри хавфсизлик идорасига борган маъқулми? Директорнинг миясида ҳар хил шубҳали фикрлар туғилар экан, нима бўлсада, боришга аҳд қилди.

Учрашувга таклиф этганлар «Дамас»да кутиб туришган экан. Лицей директори Оҳалик кўчасига етиб келиб, ҳали машинадан тушишга улгурмаган эди. Икки ёш йигитнинг бири директор ёнига иккинчиси орқа ўриндиққа чўкди.

— Сизни биз безовта қилдик, — деди телефондаги ўша таниш овоз. Алишер Бозоров бу кимсани яқинда лицейда кўрган эди. У қабул муддати тугаганлигига қарамасдан бир жиянини қабул қилишларини илтимос қилганди. Лекин унга рад жавобини берганлиги ёдида.

Орқа ўриндиққа ўтирган йигит Алишер Бозоровга букланган қоғоз узатди.

— Нима бу?

— Сизнинг устингиздан тушган шикоят. Қабулда харом-хариш йўл тутганингиз ҳақида. Аввал бир танишинг, қолганини кейин гаплашамиз.

Букланган хатни қўлига олар экан, ишонқирамай қоғозни очган эди, унинг орқасида бир неча дона АҚШ долларига кўзи тушди. У бошига қандайдир мусибат ёғилаётганини сезгандек, долларни орқага қайтаришга уринди. Хатни узатган киши уни директорнинг қўлига қайта тутқазиб, бу яхшиликка хизмат қилишини таъкидлади.

— Тортинмасдан олаверинг, — деди телефонда мулоқотда бўлган киши бироз мийиғида кулиб. —Бизнинг хизматда ҳам одамгарчиликни биладиганлар кўп. Шуни оласиз-да, бу кишининг жиянларини лицейга жойлаштирасиз.

— Нималар деяпсиз? — Ахир, қабул муддати тугаган бўлса. Бунинг устига белгиланган ўринлар тўлган.

— Бу сизнинг муаммонгиз. Илтимосимизни рад этсангиз, лицейда ўтказган қабулингизни текширишга ва уни қайта ўтказишга қурбимиз етади.

— Майли! Қайта текширишларингизга розиман, — деди Алишер Бозоров қатъий оҳангда. — Қабулдан кўнглим тинч.

— Кўнглингиз тинчми? — йигит масхараомуз кулди. — Танишайлик. Миллий хавфсизлик ходими Бургутов Акбар Абдуҳамидович бўламан, — дея у қизил ниқобли гувоҳномани директорнинг пешонасига яқинлаштирди. — Айни пайтда қафасга тушдингиз. Ўзингизни ҳар тарафга уришдан фойда йўқ. Қўлингиздагида жиноят излари қолди. Марҳамат машинангиздан тушинг! Биз билан кетасиз.

Ё тавба, бу воқеалар тушда бўлаяптими ёки ўнгда? Директорнинг сира ақли етмасди. Лекин долларларни қўлида тутди. Ўзи оёғи тортмаган эди-я! Келмаса бўлар экан. Унинг назарида, энди ялиниш ёки келишишдан бошқа, чора йўқдек.

— Хўш, нима истайсизлар?

— Энди кеч бўлди, — Бургутов тўнини тескари кийганга солди ўзини.

— Наҳотки! Ё товба! — Алишер Бозоровнинг кўзи ўнгида қора панжара, қамоқхона ва азоб-уқубатнинг мудҳиш кўриниши намоён бўлди. — Ўртоқ Бургутов... Бир ўқувчи бўлса, иложини қиларми. Лекин, бу «хат»ларингизни олиб қўйинглар. — у илтижоли оҳангда долларни Бургутовнинг олдига ташлади. Акбар долларни чўнтагига солар экан, бироз юмшаган бўлди.

— Майли! Лекин шарти бор. Биринчидан, Мўминов Анвар Аҳрорович эрталанок лицей талабаси бўлади. Иккинчидан, Ҳозироқ 50 минг АҚШ долларини келтириб берасиз.

— Нега? — Алишер Бозоров ҳайратланганидан баланд овозда қичқириб юборди.

— Овозингизни паст қилинг, — Бургутов хотиржамлик ишорасини қилди. — Нега бўларди, жиноятингиз эвазига! Шу пайтгача ҳам пора олгансиз, бунинг устига Миллий хавфсизлик хизмати ходимидан ҳам 500 АҚШ долларини олишга улгурдингиз.

— 50 минг доллар?! Бутун қариндош-уруғимнинг мол-мулкини сотсак ҳам бунга етмайди-ку!

— Бу сизнинг муаммонгиз, — Бургутов сира бўшашмас эди. — Кучингиз бирдан етмаса, секинаста узасиз. Ҳозир учидан бироз чўзиб турсангиз, ҳужжатларни расмийлаштирмай турамиз.

Ўша куни Алишер Бозоров Миллий хавфсизлик хизмати ходими Бургутовга 1500 доллар бериб жон сақлаб қолди.

Томонлар бир битимга келишишди. Бургутов кечиримли экан. Бозоровга раҳм-шафқат қилди. 10 минг АҚШ долларини берса ва илтимос қилинган болани лицейга жойлаштирса, гуноҳидан кечадиган бўлди. Лекин бу миқдордаги доллар Алишер Бозоровда йўқ эди. Акбар директорнинг паспортини талаб қилди. Ёнида паспорти бўлмаганлиги сабабли хизмат гувоҳномасини тортиб олди.

— Эҳтиёт бўлинг! Уй телефонингиздаги ҳар бир сўз ёзиб олинмоқда. Уйингизга кириб-чиқадиган кишилар ҳисобда. Орамиздаги бўлган воқеани оғзингиздан гулласангиз, раҳбарларимизнинг ҳам қўли ёқангизда бўлади. Сизни ҳам, оғайниларингизни ҳам тинч қўйишмайди. Эртага қолган 8.500 долларни сичқоннинг инидан қарз олсангиз ҳам топасиз!

Алишер Бозоров уйга келиб хотинига бўлган воқеани оқизмай-томизмай айтиб берди. Эру хотин маслаҳат олиш учун онаси М.Ҳамроеванинг уйига келдилар.

— Айбинг бўлмаса, нимадан қўрқасан! — далда берди она. — Тўғри, бошлиғининг олдига бормайсанми? Бўлган воқеани айтиб ташламайсанми?

— Мен ҳам шуни ўйлаб кўрдим. — Алишер Бозоров онасининг гапига қўшилди. — Лекин нима қилай? Мени алдашди, шикоят хатни ўқинг деб, рангланган долларларни тутқазишди. Долларда қўл изларим қолган...

Онаси ва сингиллари Алишер Бозоровнинг юкини енгил қиладиган бўлишди. Онаси яхши кунларга сақлаб қўйган 500 минг, учала сингиллари 500 минг сўм йиғиб бердилар. Хуллас, у қилди, бу қилди, етмаганини оғайниларидан ундирди. Бозоров 8500 АҚШ долларини Бургутов ҳамда 35 ёшлар чамасидаги Обид деган йигитга, тутқазар экан, унга нисбатан ҳужжатлаштирилган ариза ва хизмат гувоҳномани қайтариб беришни сўради.

— Шошилманг, — деди вазмин оҳангда Бургутов. — Сизнинг ҳужжатларингиз Миллий хавфсизлик хизмати идорасида. Уни йўқотиш осон.

Ишлар қор ёғди, ишлар босилди қабилида давом этар эди. Мўминов Анварни лицейга қабул қилиш чорасини излаб турганида, омадни қаранг-ки, йўли топилиб қолди. Лицейга қабул қилинган талабалардан бири саломатлиги туфайли ўқишни давом эттиролмаслиги тўғрисида ариза берди. Бунинг эвазига Анвар лицей ўқувчиси бўлди. Ўша куни Анварнинг отаси А.Мўминов директорга миннатдорчилигини билдириш учун келди. Директор ота билан танишар экан, Миллий хавфсизлик хизматида ишловчи ходимлар билан қаердан танишлигини суриштириб қолди.

— Бу саволингизга жавоб беришим қийин, — деди А.Мўминов. — Сиз айтган Бургутовни сира танимайман. Лекин Боғишамол туман ҳокимлигида ишловчи Алишер исмли йигитни биламан, холос. У мендан ўғлимни Ҳарбий лицейга жойлаштириб қўйиш учун 200 доллар олган.

А.Бозоров сир бой бермади.- Бу орада Тошкентга даволанишга бориб келди. 22 октябрь куни Бургутов ҳамроҳи Обид билан биргаликда директор хонасига кириб келди. Улар А.Бозоровга хизмат гувоҳномасини топширишар экан, яна унинг олдига янги талабни қўйдилар.

— Аввало, хизматларингиз учун ташаккур! Бундан кейин бизнинг ҳимоямизда бўласиз. Бошлиғимиз бир болани ҳарбий лицейга жойлаштиришни қатъий илтимос қилмоқда.

— Сира иложи йўқ! — директор чўрт кесарлик билан жавоб берди.

— Иложини топасиз.

— Мени жиноятга бошламанг!

— Тушунаман! Қабул муддати аллақачон тугаган. Лекин... Бошлиқлар буни тушунишмаса нима дейсиз. — У бироз ўйланиб турар экан, яна сўзини давом эттирди. — Бафуржа гаплашиб олишимизга тўғри келади, шекилли. Бугун сауна ташкил этсангиз, меҳмонлар бор, зиёфати билан.

— Кечирасиз! — директор тунд қиёфага кирди. — Меҳмон кутишга шароитим йўқ. Бунинг устига, иш ҳам етарли. Яхшиси, бошқа ҳамроҳ топганингиз маъқул.

Лицей директорининг жавоби Бургутовга оғир ботди шекилли, Миллий хавфсизлик хизмати номидан пўписа қилди, қамоқда чиритишга онт ичиб, эшикни зарб билан ёпганча, хонадан чиқиб кетди. Бургутовнинг шубҳали ҳатти-ҳаракати орта бошлаган эди. Лицейга жойлаштиришга уринаётган ўқувчиларнинг ота-оналаридан «совға» олишига Бозоров амин бўла бошлади.

Бу орада яна бир шахс Тошкентдан Миллий хавфсизлик хизматининг 7-бўлинмасида ишлашини, Бургутов иши юзасидан кузатув ишлари олиб борилаётгани, у аъзо бўлган тўда товламачилик билан шуғулланиб келаётганлигини айтади. Бургутов албатта, жазосини олади. Мен бунга кафилман ва бу ишни ўзим охирига етказаман. Лекин айбга буюрмайсиз. Сиз билан боғлиқ бир юмуш чиқиб қолди. Бухоролик бир жиянимизни лицейга қабул қилишингизни ўтиниб сўрайман. Ўйлайманки, бу иш сизнинг қўлингиздан келади» — деди ўзини самимий кўрсатиб. Директор тошкентлик меҳмонга ҳам рад жавобини берди-да, Миллий хавфсизлик хизмати Самарқанд вилояти бошқармасига мурожаат этиб,Бургутов Акбар Абдуҳамидович ва унинг ҳамтовоқларини тартибга чақириш юзасидан шикоят аризаси йўллади. Шундан сўнг Бургутовнинг шахсини аниқлашга киришилди. Самарқанд шаҳар прокуратураси ходимларининг текширувига кўра, Бургутов Миллий хавфсизлик хизмати ходими ҳисобланмайди. Унинг таржимаи ҳоли: Бургутов Акбар Абдуҳамидович 1960 йил 30 октябрда Пастдарғом туманида туғилган. Маълумоти олий. 1994 йилда Самарқанд Давлат университетининг тарих факультетини тамомлаган. Чархин қўрғонида яшайди.Ҳеч қаерда ишламайди.

Терговда А.Бозоровдан 8500 АҚШ долларини машинада қабул қилишда иштирок этган Обиднинг ҳам шахси аниқланди.

Тиркашев Обид Мардонович, 1967 йилда Чархинда туғилган. Бирор фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан келади. Лекин касби-кори товламачилик, Бургутов билан шерикчиликда одамларни Миллий хавфсизлик хизмати номи билан қўрқитиб, содда одамлардан пул ўмариш. (Тергов давомида жавобгарликдан қутилиш мақсадида қочиб кетганлиги сабабли унга нисбатан қидирув эълон қилинган).

Ўта ишонувчанлик инсон бошига мусибат ёғилишига сабаб бўлса, ҳушёрлик ҳар қандай бало-офатларнинг олдини олиши мумкинлигини А.Бозоров ўз ҳаёти мисолида исботлади. Миллий хавфсизлик хизмати номидан иш кўрганлар тузоғига илиниб, жабрини чекиши соддалиги оқибати эди. У ўқувчи А.Мўминовнинг отаси билан учрашганида ундан Алишер исмли йигитнинг номини эшитиши калаванинг учини топишга бирмунча ёрдам берди. Иш юзасидан гувоҳ тариқасида Алишер Қудратов терговга чақирилди.

— Тўғри, Мўминовни танийман, — ерга қаради А.Қудратов . — 2001 йилнинг июль ойида қўшним Шоим Тожиев ўзи билан бирга ишлаётган Аҳрор исмли дўстининг ўғлини ҳарбий лицейга ўқишга жойлаштириш ҳақида маслаҳат солди. Бу иш менинг қўлимдан келмаслигини айтганимда, у «полковник акангиз бор-ку. Унинг бир оғиз гапи», деди. Шоим Жиззах вилоятидаги ҳарбий билим юртида ишлаган Ҳамид Низомовни назарда тутган эди. Лекин у кишининг аралашуви ҳам фойда бермади. Ҳарбий лицейда қабул тугади, лекин Аҳрор Мўминов ўғлининг ўқишга киришини жуда-жуда хоҳлар эди. 28 август куни аввал вилоят ҳокимиятида ишлаган, кейинчалик «Ватанпарвар» ташкилотида фаолиятини давом эттираётган Ҳасан Халилов бу ишни ҳал қилиб беришни зиммасига олди. Шундан сўнг биз 200 долларни Ҳасаннинг уйига етказиб бердик.

Ҳа, Ҳасан Халилов устаси фаранг товламачилардан эди.У ўзи парда ортида туриб шерикларига раҳнамолик қилар, товламачиликнинг турли қинғирқийшиқ йўлларини ўйлаб топарди. Алишер Бозоровга нисбатан уюштирилган барча тазйиқ ва аралашувлар унинг маслаҳати билан амалга ошди. Ҳасаннинг таржимаи ҳоли билан танишамиз:

Халилов Ҳасан Муталлибович 1962 йилда Пастдарғом туманида туғилган, маълумоти олий, 1984 йилда СВВАКУ, 1995 йилда Москва Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган, Самарқанд шаҳрининг Сартепа масканида тураді. Қамоққа олинганга қадар «Кристалл» фирмасида ҳайдовчи бўлиб ишлаган.

Жиноятчиларнинг товламачилик ва фирибгарлик йўли билан пул топишига чек қўйилди. Бургутов ва унинг ҳамтовоқлари фаолияти юзасидан жиноят иши қўзғатилганидан сўнг уларнинг янги кирдикорлари ҳам очила борди. Маълумотларга кўра, Бургутов кўпроқ ҳарбий қисмларда ўралашиб юрган. Ўхшатиш жоиз бўлса, бургут қорнини тўйдириш учун ўлжага бор жаҳди билан ташланганидек, у ҳам соддадил, бир ҳамла қилишда иньом берадиган кишиларнинг ҳузурига кўниб юрган. У Самарқанд шаҳар 75061-ҳарбий қисм ёрдамчи хўжалик бўлимига бир неча марта келиб, ўзини Миллий хавфсизлик хизмати ходими деб таништирган. Хўжалик бошлиғи Жабборқул Рўзмуродовнинг деҳқончилик қилиш учун тузилган меҳнат шартномасини талаб қилиб, уни жазолаш ваҳимаси билан қўрқитган ва эвазига анча миқдордаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиб кетган. Бургутовлар тўдаси устидан ҳукм ўқилганидан сўнг прокуратурага даъво аризаси билан мурожаат қилганларнинг сони кўпайиб қолди. Маълум бўлишича, Бургутов кимнидир ички ишлар бўлимига, яна кимнидир Миллий хавфсизлик хизматига ишга жойлаштириш шарти билан ҳам мўмай пул олган экан.

Ҳа, бургут боланинг қаноти қайрилди. Боғишамол туман суди А.Бургутов ва Ҳ.Халиловларни узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилди. Лекин унутмайлик, ҳаётда ҳали бургутдек текин ўлжа қилирганлар йўқ эмас. Соддадиллик ҳамиша ҳам дўст бўлмаслигини, ҳушёрлик эса ҳар доим ҳамроҳимиз бўлиши лозимлигини англаб етиш, ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Исматилло ЙЎЛДОШЕВ,
Самарқанд шаҳар прокуратурасининг иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш бўйича катта терговчиси, адлия маслаҳатчиси.

Солиқ ҳаёти

Хуфяси ҳазм бўлмади

Тошлоқ тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари «Янги қишлоқ» маҳалласида истиқомат қилувчи Рўзимат Йўлдошевнинг эшигида машиналар гавжумлашиб қолганлигини кўриб ҳайрон бўлишди. Секин суриштириб кўришса, Рўзимат уйида яширинча қўлбола ускуна ўрнатиб, нефть маҳсулотидан бензин олишни йўлга қўйиб юборган экан. Тайёрлаган бензини арзон бўлганлиги учун машиналарнинг кети узилмай қолибди.

Бу гапнинг қанчалик тўғрилигини ўз кўзлари билан кўриш учун инспекция ходимлари М.Абдураззоқов, А.Юнусов ва Ё.Мамажонов дарҳол қисқа муддатли текширув эълон қилдилар. Шу дамда Рўзимат 50 литрли иккита идишдаги 100 литр бензинни фуқаро К.Аҳмаджоновга 10 минг сўмга сотиб, пулини санаб олаётган эди. Демак, одамларнинг оғзидаги гап тўғри экан.

Солиқ хизмати ходимлари яширин бензин цехидан ёнилғи ишлаб чиқарувчи қўлбола ускуна, 200 литр нефт маҳсулоти, ҳар бири 200 ва 100 литр ҳажмли темир идишлар, сотишга тахт қилиб қўйилган 100 литр бензин ва бошқа воситаларни далилий ашё сифатида олдилар.

Сотилган арзон бензин кўпгина машиналарнинг карбюратори ва моторини ишдан чиқарганлигини кейин билдик. Тозаланмаган, сифатсиз бензинни арзон гаровга сотиб олиб бошларига катта ғалва орттирган ҳайдовчилар минг пушаймонда эдилар.

— Автомобилларга ёнилғи қўйиш шахобчаларида операторлар ҳақимиздан уриб қолавергач, Рўзматжонга мижоз бўлиб қолган эдик, — дейишди улар солиқчиларга. — Истаган шахобчани текшириб кўринг, албатта ишкали чиқади.

Одамларнинг гапида жон бор экан. Ўзбекистон тумани давлат солиқ инспекцияси ходимларидан А.Аҳмаджонов ва О.Мадраҳимов Конизар қишлоғидаги «Мегали-Афродита» хусусий фирмасига қарашли автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчасида тезкор текширув ўтказишганида бензин пули назорат касса машинасини четлаб бошқа киссага тушиб кетаётганлигининг гувоҳи бўлдилар. Уларнинг кўзи олдида оператор М.Носиров 20 литр бензин учун харидор О.Имомназаров тўлаган 5000 сўмни назорат касса машинасига кирим қилмади. Шундан кейин солиқчилар текширувни чуқурлаштириб салкам 100 минг сўм савдо иши банк муассасаларига топширилмай бошқа мақсадларга сарфлаб юборилганлигини аниқладилар.

Ҳужжатсиз, рухсатсиз хизмат

Бундай ҳуқуқбузарлар Фарғона вилоятининг бошқа туманларида ҳам сув юзига қалқиб чиқмоқда. Яқинда Марғилон шаҳар давлат солиқ инспекцияси ходимлари яширин тегирмоннинг орқасидан «пишқириб» кетган бойвачча Абдуҳалим Соқиевнинг кирдикорларини фош этдилар. Абдуҳалим Хитойда ишлаб чиқарилган тегирмон мосламасини даромад манбаига айлантириб қўйганди. У аҳолига ҳужжатсиз ва рухсатсиз пуллик хизмат кўрсатиб, топган даромадини солиқдан яшириб келаётган экан. Мана энди 450 минг сўмлик тегирмон мосламаси ҳам, тортиб қўйилган 23,4 минг сўмлик ун ва навбат кутиб турган 45 минг сўмлик ғалла ҳам қулоғини ушлаб кетди. Агар пуллик хизмат амалдаги қонун-қоидалар асосида ташкил этилганида сохта тадбиркор Абдуҳалим Соқиев бунчалик куйиб қолмасди, топгани кўкка соврулмай ўзига буюрарди.

Шундай «қора кун» Фарғона шаҳар деҳқон бозорида савдо қилаётган фуқаро Улуғбек Нишонбоеннинг ҳам бошига тушди. Улуғбек Қозоғистонда ишлаб чиқарилган 92 қоп ҳужжатсиз унни назорат касса аппаратисиз сотиб ўтирган пайтида савдоси тўхтатилди. Ноқонуний 831 минг сўмлик ун далилий ашё сифатида олинниб, вақтинча сақлаш учун махсус дўконга топширилди. Ҳозир суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

* * *

Ҳалол тадбиркорлик учун кенг йўллар очилган ҳозирги пайтда тўғри йўл қолиб ўзини эгри йўлларга ураётган бундай кимсаларни кўриб афсусланасан киши. Ҳаром йўллар билан топилган бойликнинг вафо қилмаслиги азалдан маълумку, ахир. Топганим ўзимга, бола-чақамга буюрсин, деган киши боши берк кўчага ўзини урмайди. Чунки, қинғир ишнинг қийиғи қирқ соатга қолмай чиқаверади.

Жасур НОСИРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати бош мутахассиси.

Ўғригина студент

Нукуслик гимназия ўқувчиси А.Таженова шаҳарнинг 23-кичик мавзесидаги ўзи яшайдиган 1/2 рақамли уйи олдида бораётганида номаълум шахс унинг қулоқларидаги қимматбаҳо сирғаларини олиб қочди.

Тезкор ҳаракатлар туфайли куппа-кундуз куни қароқчилик қилган кимса 1982 йилда туғилган олий ўқув юрти студенти У.С. эканлиги аниқланди.

Энди у имтиҳон оладиган профессор-ўқитувчилар ҳузурида эмас, одил суд олдида жавоб беради.

Бензиннинг таги мўл экан...

22 январь куни Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тезкор ходимлари Шўманай туманидаги «Деҳқонобод» ширкат хўжалиги ҳудудида истиқомат қилувчи фуқаро Б.Атабаевни 25 литр бензинни қонунга хилоф равишда сотаётганида қўлга туширдилар.

Б.Атабоев оқ тавба, қора тавба қилиб, уйида бошқа бензин йўқлиги тўғрисида қасам ичган эди. Хуфя бензин деярлик 2,5 тонна бўлиб чиқди.

Қилмиш-қидирмиш

Тайсон билан тенглашма

Тахтакўпир туманидаги «Мулк» ширкат хўжалиги аъзоси С.Шаймов ғирт маст ҳолда ҳамқишлоғи Ж.Сафоевга тан жароҳати етказди.

Энди унинг сўнгги пушаймони ўзига душман бўлиб, терговчиларнинг саволларига жавоб бермоқда.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ.
«Халқ сўзи» мухбири.

ЗАВОДНИНГ РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТЕРИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН
БЕНЗИН ҚУЙИШ КОЛОНКАЛАРИ
(НАРА 4216, 2816)
ва ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРНИ таклиф этади.
НАРА ТМ
Завод мутахассислари томонидан ўрнатиб ва созлаб берилади.
Тўлов шакли турлича.
Телефонлар: 144-28-44, 144-28-04, факс: 144-28-28

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

юридик шахслар учун депозит сертификатлари эмиссиясини эълон қилади
(«Ўзмарказбанк» 2002 йил 12 декабрда берган гувоҳнома № 14-4-0079).

Эмиссия ҳажми — 20 700 000 000 сўм.
Муомалада бўлиш муддатлари — 10, 30, 90, 180, 270, 360 кун.

Сертификат эгаларига:

- қўйилган маблағлар бут сақланиши ва ўз вақтида фоизлар тўланиши кафолатланади;
- сертификатларни бошқа юридик шахслар номига ўтказиш ҳуқуқи берилади.

NBU

Миллий банк депозит сертификатлари — маблағларингиз бут сақланишини кафолатлайди ва даромад келтиради.

Қўшимча маълумотлар олиш учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин: (998 71) 137-59-40, 137-62-87.
www.nbu.com

ЗдравПлюс/ZdravPlus COUNTERPART USAID

ТАНЛОВ ТЎҒРИСИДА ЭЪЛОН

"Соғлом ҳамжамиятлар" грантлар дастури Каунтерпарт ва ЗдравПлюс лойиҳаси

Американинг Халқаро ривожланиш бўйича Агентлиги (ЮСАИД) томонидан молиялаштирилаётган халқаро Каунтерпарт ташкилоти ва ЗдравПлюс лойиҳаси "Соғлом ҳамжамиятлар" биргаликдаги грантлар дастурини бошлаётганлари тўғрисида эълон қилмоқдалар.Ушбу дастур Ўзбекистоннинг нодавлат нотижорат ташкилотларига (ННТ), жамоа турдаги ташкилотларига (ЖТТ) ва жамоаларига соғлиқни сақлаш соҳасида лойиҳаларни амалга ошириш учун молиявий ёрдам кўрсатишга қаратилган. Дастурнинг асосий мақсади — соғлиқни сақлаш тизимининг ривожланишига кўмаклашиш ва Ўзбекистон Республикаси аҳолисида ўз саломатлигига нисбатан масъулиятни шакллантиришдан иборатдир.

Барча қизиққан ННТ, ЖТТ ва жамоалар қуйида қайд этилган бир турдаги ёки бир вақтнинг ўзида икки турдаги грантлар учун талабномаларни топширишлари мумкин: жамоалар ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш учун грантлар ва соғлиқни сақлаш учун грантлар. Грант олиш учун талабнома топшираётган ташкилотлар танлов асосида таълим олишлари мумкин.

Жамоалар ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш учун грантлар

Асосий мақсад: аҳоли вакиллари билан ҳамкорликда ҳамжамиятнинг аниқ белгиланган тиббий муаммоларини мантиқли равишда ҳал қилиш учун маҳаллий ҳамжамиятлар ва бошқа иштирокчилар билан иш олиб борадиган маҳаллий ННТ, ЖТТ ва жамоаларни қўллаб-қувватлаш.

Соғлиқни сақлаш учун грантлар

Асосий мақсад: Аҳолининг саломатлиги яхшиланишига таъсир кўрсатиш мақсадида ижтимоий соғлиқни сақлаш соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун маҳаллий ННТ, ЖТТ ва жамоаларни қўллаб-қувватлаш.

Дастур тўғрисидаги батафсил маълумотларни ва талабномани топшириш қоидаларини "Талабномага қўйиладиган шартлар" материалидан **2003 йилнинг 3 февралидан бошлаб** электрон почта ёки қуйида кўрсатилган манзиллар орқали олишингиз мумкин:

Нукус ш.
742000, Досназаров к., 82-уй.
Тел./факс: (361) 222-27-114/15. E-mail: nukus@cpart.uz
Дастур мувофиқлаштирувчиси: **Сергей Султанов.**

Бухоро ш.
705018, «Центральная» к., 2-уй.
Тел./факс: (365) 224-22-46. E-mail: bukhara@cpart.uz
Дастур мувофиқлаштирувчиси: **Оқил Ҳаётов.**

Наманган ш.
716000, Наманганий к., 24-уй.
Тел./факс: (36922) 6-17-87. E-mail: namcssc@uzpak.uz
Дастур мувофиқлаштирувчиси: **Давронбек Ҳасанов.**

Тошкент ш.
700007, «Паркент» к., 51-уй, 4-қават.
Тел./факс: (998-712) 68-55-66. E-mail: fact@fact.glb.net
Дастур мувофиқлаштирувчиси: **Фарҳод Отажонов.**

Қўқон ш.
713000, «Қўқон садоси рўзномаси» 61-а-уй.
Тел./факс: (37355) 23-848/11/93. E-mail: office@cpart.dinosoft.uz
Дастур мувофиқлаштирувчиси: **Гуласал Хамламова.**

Урганч ш.
740015, Ал-Хоразмий к., 23-уй, 204-хона.
Тел./факс: (362) 226-73-55. E-mail: umid@cpart.uz
Дастур мувофиқлаштирувчиси: **Умид Латипов.**

Самарқанд ш.
703000, Пушкин к., 2-уй.
Тел./ факс: (3662) 33-17-71. E-mail: SCSamarkand@rambler.ru
Дастур мувофиқлаштирувчиси: **Элдор Амирқулов.**

Барча қўшимча саволлар билан қуйидаги манзиллар бўйича мурожаат этинг:

Каунтерпарт Ўзбекистон Тошкент ш., 700077, «Донская» к.,11-а-уй. Тел.: (99871) 169-16-13/14/15/17/18. Факс: (99871) 169-16-41. E-mail: shukhrat@cpart.uz *Дастур мувофиқлаштирувчиси:* **Шуҳрат Арипов.**

ЗдравПлюс лойиҳаси Фарғона ш., 712000, Маҳмуд Қосимов к., 29-а-уй. Тел.: (998732) 24-93-53, 24-49-64. Факс: (998732) 24-76-56. E-mail: zafar@fer.zdravplus.uz *Грантлар бўйича менежер:* **Зафар Орипов.**

Тренингда иштирок этиш талабномалари **2003 йилнинг 24 февраль** кунигача қабул қилинади.
Грантлар бўйича талабномаларни **2003 йилнинг 7 апрель** кунигача топширишингиз шарт.

Харита

Австралия — бутун материкни эгаллаган дунёдаги ягона давлат. Биринчи бўлиб уни машҳур сайёҳ Жеймс Кук топган, харитасини тузган.

Мамлакат ўзининг ниҳоятда гўзал ва бетакрор табиати билан машҳур. Бу ерда яшовчи ҳайвонот оламининг хилма-хиллиги алоҳида ўрин тутади. Кенгуру, туяқуш ва ўнлаб турдаги бошқа жониворлар барчанинг эътиборини қозонган. Ҳатто кенгуру ва эма тасвири давлат гербига ҳам туширилган.

ЯШИЛ ҚИТЪА


Сидней Австралиядаги энг йирик шаҳар.

Зеро, Австралияни "Яшил қитъа" ҳам деб аташади.

Маълумотларга кўра, мамлакатнинг шимолий, ғарбий ва жанубий ҳудудларини ўрганишда голландиялик денгизчилар фаол иштирок этган. Шунинг учун ҳам бу ерлар XIX асргача Янги Голландия деб аталган. 1770 йилда Жеймс Кук Австралиянинг шарқий соҳилларини топади. Кук ўзи очган ерларни Англияга қарашли деб эълон қилади ва Янги Жанубий Уэльс деб атай бошлайди.

Ўша пайтда бутун қитъада аборигенлар (маҳаллий аҳоли) кун кечиришарди. Уларнинг сони тахминан 300000 кишини ташкил қилган. Улар асосан овчилик билан шуғулланишган, деҳқончилик ва чорвачиликни билишмаган.

Англияликлар Шимолий Америкадаги 13 та колонияни қўлдан чиқарганидан сўнг Австралияни мустамлака ҳудудга айлантиришга киришадилар. Бу қитъага аввало сургун қилинганлар жўнатилади. Уларнинг биринчи гуруҳи Англиядан 1787 йилнинг май ойида юборилади. 1793 йилдан бошлаб эса қитъага оддий муҳожирлар кела бошлайди. Европаликлар вақт ўтиши билан Австралияда кўпайиб боради ва 1824 йилда Янги Жанубий Уэльс деб ном олган Англиянинг биринчи колонияси вужудга келади. 1827 йилда эса Англия ҳукумати бутун қитъа устидан ҳукмронлик ўрнатиш ҳақида расман эълон қилган.

Энди ҳозирги Австралия ҳақида қисқача маълумот:

Давлатнинг расмий номи — Австралия Иттифоқи. Унинг таркибига Тасмания, Флиндерс, Кинг, Кенгуру, Картье, Эшмор,



Кокос ва бошқа ороллар киради. Мамлакат ҳозир ҳам Буюк Британия тасарруфида. 1901 йилда Австралия Иттифоқ деб эълон қилинган. Давлат Британия Қироличаси бошқараётган Миллатлар Ҳамдўстлиги таркибига кирса-да, ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқига эга.

Унинг майдони — 7,7 миллион квадрат километр, аҳолиси эса — 19 миллион (2000 йил июлдаги маълумот) кишини ташкил этади. Этник таркиби — 95 фоизи европаликлар (асосан Англия ва Ирландиядан келишган), мамлакатда Осиёдан келган фуқаролар ҳам бор ва улар 4 фоиздан иборат. Шунингдек, қитъанинг туб аҳолиси — аборигенлар 1,5 фоизни ташкил қилади.

Инглиз тили — давлат тили ҳисобланади, шу билан бирга аборигенлар тиллари ҳам мавжуд. Мамлакатда дунёдаги кўп динларнинг вакиллари истиқомат қилади.

Мамлакат пойтахти — Канберра. Австралияда Сидней (аҳолиси 3,6 миллион), Мельбурн (3 миллион), Брисбен (1,4 миллион), Перт (1,2 миллион) каби йирик шаҳарлар бор.

Австралиянинг тузилиши ҳақида гап юритадиган бўлсак, у ерда 6 та штат ва 2 та маъмурий ҳудуд мавжуд. Давлат тизими — демократик федератив. Давлат раҳбари — Британия Қироличаси. Айни пайтда мамлакатда Қиролича вакили — генерал-губернатор Уильям Дин (1996 йилдан буён) фаолият юритмоқда.

Ҳукумат раҳбари — Бош вазир Д. Говард.

Мамлакат Федерал Парламенти икки палатадан иборат — Сенат ва Вакиллар Палатаси. Австралия доллари мамлакатнинг миллий валютаси ҳисобланади.

Австралия экваторга яқинлиги сабабли у ерда иссиқ ва қуруқ иқлим устувор. Ёзда ёғингарчилик кам бўлади. Қишда эса меъёридан зиёд бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам сайёҳлар Яшил қитъага май-август ойларида боришни хуш кўришади. Лекин Австралиянинг барча ҳудудларида иқлим бир хил деб бўлмайди. Масалан, Канберрада об-ҳаво тоғли ҳудудларга хос (ёз иссиқ, қиш эса кўп қорли ва жуда совуқ) бўлса, Мельбурнда денгизга яқинлиги туфайли юмшоқ об-ҳаво ҳукм суради. Сиднейни энг қулай иқлимли ҳудуд дейиш мумкин.

Кўпчилик давлатлар сингари Австралияда ҳам турли байрамлар нишонланади. Бироқ бутун мамлакат нишонлайдиган байрамлар қуйидагилар:

1 январь — Янги йил, 26 январь — Австралия куни (1788 йилнинг ўша куни қитъага биринчи флот кириб келган), Пасха, 23 апрель — Анзак куни, июннинг иккинчи душанба куни ёки сентябрнинг охирги душанба куни — Қироличанинг туғилган куни, 25-26 декабрь Рождество. Мамлакат халқи яна Меҳнат кунини ҳам нишонлайди, лекин у ҳар штатда турли вақтларда бўлиб ўтади.

Салим ДОНИЁРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Дунёга мурожаат

Буюк Британия, Испания, Италия, Португалия, Венгрия, Польша, Дания ва Чехия етакчилари АҚШнинг Ироққа нисбатан тутган йўлини қўллаб-қувватлаши ҳақида очиқ хат билан чиқди. Уларнинг фикрича, агар БМТ ўз Хавфсизлик Кенгашининг Ироққа нисбатан қабул қилган резолюциясининг шартларини тўлиқ бажарилишини таъминлай олмаса, ташкилотга ишонч сусайиши мумкин, деб хабар беради «Лента ру».

«Учрашишимиз зарур»

Фаластин Миллий мухторияти раҳбари Ёсир Арофат қайта сайланган Исроил Бош вазири Ариэль Шарон билан иложи борича тезроқ учрашиб, ҳудудда тинчлик ўрнатиш бўйича музокаралар олиб боришга тайёр эканлигини маълум қилган.

«Биз музокараларга иложи борича тезроқ қайтиш тарафдоримиз» — деди Арофат Исроил телевидениесига берган интервьюсида.

«Интерфакс» агентлигининг хабарига қараганда, ФММ етакчиси Фаластин ва Исроилнинг бутундай ярашишини ҳам қўллаб-қувватлашини билдирган.

«Тиланчи» операцияси

Москва милицияси ўтказган махсус операция натижасида 6500 нафардан зиёд дайди ва тиланчилар ушланган. Москва ИИББ ахборот бошқармасидан хабар беришларича, «Тиланчи» деб номланган операция икки босқичда ўтказилган.

Ундан мақсад «Шаҳарда санитар-эпидемиологик аҳволни яхшилаш»дир. «РИА «Новости» агентлигининг маълум қилишича, ушланганларнинг кўпчилиги даволанишга муҳтож. Уларнинг ичида вояга етмаганлар ҳам бор. Шунингдек, операция давомида дайдиларнинг жиноий гуруҳлари мавжудлиги ҳам аниқланган ва уларнинг кўпчилиги маъмурий ҳамда жиноий жавобгарликка тортилган. ИИББ вакилининг айтишича, бундай операциялар энди ҳар уч ойда ўтказиб турилади.

Жониворлар учун ўйинчоқ

Британиялик фермерлар 90 кун ичида боқилаётган уй ҳайвонларини ўйинчоқлар билан таъминлашлари лозим, йўқса улар уч ойга қамоқ жазосига маҳкум қилинишлари мумкин.

ЕИ раҳбариятининг бу янги қарори Буюк Британияда кейинги ҳафтада қонун сифатида кучга киради. Бундан мақсад — жониворлар ҳаётига қувноқлик бахш этиш ва шу орқали уларнинг бир-бирига ҳужум қилишларининг олдини олиш.

Расмий кўрсатмада айтилишича, деб ёзади «The Times», фермерлар жониворларга яшаш учун қулай шароит яратишлари, яъни ўйинчоқ олиб беришлари керак. Атроф-муҳит, озиқ-овқат ва фермерлик департаментининг фикрича, бундай ўйинчоқ — коптоклар бўлиши мумкин.

Фермерлар бу янгиликни жиддий қабул қилишлари лозим. Чунки ушбу қарор бажарилмаса, уларга катта миқдорда жарима тўлаш ёки қамоқ жазосини ўташга тўғри келади, деб хабар беради «News ру».

Таклифга рози

Непал ҳукумати Мао исёнчилари етакчисининг тинчлик музокараларини қайта бошлаш таклифига рози бўлди.

Мамлакат меҳнат вазири Синкгх Пап музокаралар тез кунларда бошланишини билдирган. Унинг айтишича, икки томон ҳам ҳеч қандай шартларсиз ўт очишни тўхтатишга тайёр.

«Рейтер» агентлигининг хабарига кўра, аввалги вақтинча ярашув битими бузилиб кетгач, Непалдаги қарама-қаршиликлар оқибатида 7200 дан зиёд киши ҳалок бўлди.

Заводдаги кучли портлаш

АҚШнинг Шимолий Каролина штатида жойлашган Кинстон шаҳридаги дори ишлаб чиқарувчи заводда кучли портлаш юз берди. Дастлабки маълумотларга кўра, кўплаб қурбонлар бор.

Завод шприц ва пластик тиббиёт ускуналари ишлаб чиқаради. «West Pharmaceticals» корпорациясига қарашли бу заводда 225 га яқин ходим ишлар эди. Тахминларга кўра, портлаш юз берган пайтда уларнинг ярми иш жойида бўлган. Аввалига портлаш завод яқинида жойлашган маҳаллий аэропортдан учган самолёт қулаши оқибатида юз берди деган хабарлар бор эди. Лекин мамлакат Федерал авиация бошқармаси бу маълумотни рад этди, дейилади «РИА «Новости» хабарида.

Айни пайтда Америка телеканаллари портлаш заводнинг ўзида юз бергани ҳақида айтишмоқда.

Юрган — дарё...

Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти 2002 йил якунларини эълон қилди. Унга кўра, йил давомида 715 миллион киши чет элларда саёҳатда бўлган. Бу 2001 йилги кўрсаткичдан 3,1 фоиз кўпдир.

Сайёҳлар сонига қараб ҳамон Европа мамлакатларига қизиқиш кучли эканлигини кўриш мумкин. Бу қитъага 2002 йилда 411 миллион сайёҳ ташриф буюрган. Кўрсаткичлар бўйича Осиё-Тинч океани минтақаси сўнгги йилларда биринчи марта Американи ортда қолдирган. Минтақа мамлакатларини 130 миллион сайёҳ келиб кўрган. Америка қитъасига борганлар эса 121 миллион кишини ташкил этган.

Африка ҳайвонот олами ва табиати билан ҳамиша одамларни ўзига мафтун этиб келади. Шунинг учун ҳам бу қитъага қизиқиш йилдан-йилга ортиб бораяпти. Ўтган йили Африкага 28,7 миллион сайёҳ ташриф буюргани гапимизнинг исботидир.

Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти маълумотларига қараганда, сайёҳлар келиши бўйича норасмий мусобақада Франция олдинда бормоқда. Ўтган йили бу мамлакатга 76,6 миллион одам саёҳатга келган. Ундан кейинги ўринларни Испания (51,3 миллион), АҚШ (45,4 миллион), Италия (39,5 миллион) ва Хитой (36,8 миллион) эгаллаб турибди.

Ҳисоб-китобларга кўра, сайёҳликдан мамлакатлар хазинасига тушган умумий даромад 463,6 миллиард долларни ташкил этган.

Меросхўрнинг бош оғриғи: пулни нимага ишлатсам экан?

Дунёдаги энг бадавлатлар рўйхатига шу ҳафтада Онассислар оиласининг меросхўри Атина Рассел ҳам қўшилди. Унинг ҳисоб рақамига 4 миллиард долларга яқин маблағ ўтказилди.

Атина Онассислар сулоласининг ёлғиз меросхўри. У сўнгги пайтгача йилига фақат 5 миллион доллар ишлатиши мумкин эди. Чунки у вояга етмаган ҳисобланарди. Мана энди Атина 18 ёшни қаршилади. Ҳозир кўпчиликни янги миллиардер шунча бойликни нимага ишлатар экан деган савол қизиқтирмоқда. Чунки жуда бой-бадавлат ва машҳур кишилар баъзида пулни нимага ишлатсам, деб бош қотиради. Дарҳақиқат, бу ҳазил гап эмас.

Буюк Британияда илк бор пайдо бўлган Миллий лотореяда қарийб 15 миллион доллар ютган кишидан пулни нимага ишлатасиз деб сўрашганда, у ўйлаб-ўйлаб: "Даҳлизга янги гиламча оламан", деган экан.

Яна бир неча мисол:

Компьютер магнатлари Билл Гейтс ва Ларри Эллисонлар ўз ҳовлиларида сунъий шаршара ва қўллар қориш бўйича ўзига хос мусобақалар бошлашган.

Тарихдан маълумки, Америка XX асрнинг 30-йилларида молиявий инқирозни бошидан кечирган. Кўпчилик нонга зор бўлиб юрган пайтларда Хёрст исмли миллиардер ҳашаматли ҳовлисида олтмиш биринчи сув ҳавзасини қурдириб, уни қандай ноёб жониворлар билан тўлдириш ҳақида бош қотирган экан.



Руминияда сўнгги пайтгача мамлакат бошлиғи Николае Чаушескунинг ҳар куни янги костюм сотиб олишига ишонишмаган. Бироқ 1989 йилда Чаушеску қатл этилганидан сўнг, унинг уйидан 8000 дан зиёд янги костюм топилган.

Бойларнинг ичида энг қурумсоғи нефть магнати Жан — Поль Гетти дейиш мумкин. У ҳамиша тўйиб овқат емай, пул тежашга ҳаракат қилган. Меҳмонлар учун уйида пулли телефон ўрнатган ва умрининг охиригача пайпоғини ўзи ювган.

Рақамлар сўзлайди

Ўн миллион автомобиль

Ўтган йили Японияда 10 миллион 257 минг дона автомобиль ишлаб чиқарилди. Бу 2001 йилги кўрсаткичдан 4,9 фоизга кўпдир. Маълумотларга қараганда, енгил автомобиллар ишлаб чиқариш 6,2 фоизга ўсиб, 8,2 миллион донани ташкил этган. Юк машиналари ишлаб чиқаришда эса пасайиш кузатилган. Йил давомида бор-йўғи 1,6 миллион юк автомобиллари йиғилган. Бу ўтган йилги кўрсаткичдан 1,8 фоизга камдир.

Эҳтиёт бўл, машина!

Автомобиль — инсоннинг яқин ёрдамчиси. У узоқни яқин, оғирни енгил қилади. Шу билан бирга одамларнинг ўлими ва жароҳатланишига ҳам сабаб бўлмоқда.

"Синхуа" агентлигининг хабарларига кўра, 2002 йилда Россияда йўл-транспорт ҳодисаси 12 фоизга кўпайиб, 184 мингтани ташкил этган. Улар оқибатида 33 минг фуқаро ҳалок бўлган, 215 минг киши турли даражада тан жароҳати олган. Жароҳатланганлар ва вафот этганлар орасида болаларнинг борлиги, айниқса ачинарлидир. Маълумотларга қараганда, бир йил ичида ҳайдовчиларнинг айби билан 1504 нафар бола ҳаётдан кўз юмган, 23 минг нафар бола эса тан жароҳати олган. Умуман, йўл-транспорти ҳодисаси туфайли давлатга 182 миллиард рубль зарар етказилган.

Россия Федерацияси ИИВ масъул ходими Владимир Тимошиннинг таъкидлашича, автоҳалокатларнинг кўпчилиги ҳайдовчиларнинг машинани маст ҳолда бошқариши туфайли содир бўлаяпти. Ўтган йилда 22,5 минг ҳайдовчи маст ҳолда рулга ўтирган. Афсусланарли томони шундаки, суд-лар томонидан бу ҳайдовчиларнинг бор-йўғи 23 фоизигина ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум қилинган.

Йўл-транспорт ҳодисаларининг келиб чиқишига йўлларнинг ёмонлиги ва талабларга жавоб бермаслиги ҳам сабаб бўлмоқда.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис IX сессиясидаги маърузасида баён қилинган хулоса ва вазифаларни кенг ёритиш мақсадида ташкил этилган

«ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШ ВА ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ»

доимий республика илмий-амалий семинарининг навбатдаги йиғилиши ўтказилади.

Маъруза мавзуси:
«Ўзбекистонда маҳалла — жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг муҳим усул-услуби».

Семинарнинг мажлиси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси,«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликда шу йил 28 февраль куни соат 10.00да Ўзбекистон Фанлар академияси мажлислар залида ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 70-уй, Ўзбекистон Фанлар академияси президиуми.

Алока телефони: 139-84-29, факс: 139-85-48.

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАТК
"Lok Kolor Sintez" QK
ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНА
Лак-бўёқ маҳсулотлари таклиф этади:
Қурилиш эҳтиёжлари учун:
✓ уй ичларини бўяш учун акрил вододисперсион бўёқлари;
✓ ташқи деворлар учун бўёқлар;
✓ том учун бўёқлар;
✓ алкид ва акрилат эмаллари;
✓ полларни бўяш учун бўёқлар;
✓ ёғоч ва бўялган юзаларни қоплаш учун лаклар;
✓ мебель учун рангли лаклар;
✓ грунтовка ва шпатлевкалар;
✓ L 80, 100, 120мм.ли михлар;
✓ эмульсиявий,силикатли елим.
Саноат эҳтиёжлари учун:
✓ универсал алкид бўёқлари;
✓ том учун бўёқлар;
✓ алкид-уретан эмаллари;
✓ акрилат эмаллари;
✓ мебель учун рангли лаклар;
✓ грунтовка ва шпатлевкалар.
Тўлов - пул ўтказиш йўли билан.
Ўзи ишлаб чиқарган тикувчилик маҳсулотлари
ИШ КИЙИМЛАРИ:
• узун енгли эркаклар иш костюми;
• калта енгли эркаклар иш костюми;
• эркаклар ярим комбинезони;
• аёллар ярим комбинезони;
• аёллар иш бермудалари;
• аёллар иш фартуклари;
• эркаклар учун иссиқ иш курткалари;
• йўл хизмати ходимлари жилети;
• аёллар тиббий халати;
• эркаклар тиббий халати;
• эркаклар иш халати;
• ошпазлар курткаси;
• ошпазлар бош кийими;
• ички кийимлар;
• қўлқоплар,
шунингдек, мижозлар буюртмасига кўра, бошқа махсус кийимлар.
Сифатли хорижий хомашёдан тайёрланган, конструкцияларни қўлда ёйсимон пайвандлаш учун мўлжалланган
МР-3 русумли ЭЛЕКТРОДЛАР
Кўрпа-ёстиқ буюмлари:
• кўрпа жилдлари;
• чойшаблар;
• турли ўлчам ва рангли ёстиқ жилдлари;
шунингдек:
• дастурхонлар;
• дастурхон ва 6 та ип газламали салфетка;
• ип газламали салфетка;
• 85x50 ўлчамдаги сочиқлар.
Тошкент ш., «Фарғона йўли» к., 13/22. Телефонлар: (998-71) 191-47-41, 191-80-94. Факс: (998-71) 191-74-63. E-mail: lokcolor@online.ru Web site: kompass.com
6545/2008

Хурматли хонимлар ва жаноблар!
«ЎЗБЕКИСТОН»
ДАМ ОЛИШ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
сизларни Кисловодск шаҳрида жойлашган «Ўзбекистон» дам олиш-соғломлаштириш сиҳатгоҳида табиат қўйнида ҳордиқ чиқариб, соғлигингизни тиклаб олишни таклиф қилади.
Ўзбекистон Республикаси резидентлари учун қиш-баҳор мавсумларида 20%гача нархлар арзонлаштирилган.
Манзилимиз: Тошкент ш., С.Азимов к., 65-уй.
Телефонлар: 133-55-18, 132-67-13, 133-64-92.

Розидурманки, санга ёр қилди бу тақдир Ватан,
Айтаман шукроналар, бошимда барҳақдир Ватан.

Гар Ватан тақдир эмас, гар Ватан қисмат эмас,
Нега Ҳиндистонни тутди бўлмасам Бобур Ватан?

Юртгадолик ҳасратини тортса ким, қадринг билур,
Йиғлагайдур дил қадар Фурқат киби оғир Ватан.

Сен киби оҳанграбони, шунча кездим, кўрмадим,
Чорлагайсан бунчалар жозиб бўлиб соҳир Ватан.

То тирикман фахр этарман, кўзга суртарман сени,
Ўзбекистон деб аталган, эй улуғ, нодир Ватан.

Менда на армон қолар эрди, Зиёбек, наки ком,
Жойланолсам бағрингга жисмим билан охир Ватан.

Зиё БЕК.

Александр КАНЕЕВСКИЙ

Дадил ташаббус

Ҳажвия

Мен бош режиссёр — собиқ синфдошимни кўргани театрга бордим. Уни хафа ва гангиган ҳолда кўрдим.

— Нима бўлди? — деб сўрадим.

— Театр «ёнянти». Бунинг устига доим: қишда ҳам, ёзда ҳам, эрталаб ҳам, кечқурун ҳам, иш куни ҳам, дам олиш куни ҳам.

— Бирор чора-тадбир кўрмадиларингми?

— Кўрганда-чи! Спектакларни газеталарда тоза мақтадик, бу томошабинларни баттар ҳуркитди. Чиптани насияга сотдик, кейин пул қўшиб бердик — бўлмади!

Мен унинг елкасига қўлимни қўйдим, кўзига тик қараб сўрадим:

— Тўғрисини айт яхши спектакль қўя оласанми?

— Қўя олмайман, — қатъий ва ишонч билан деди у.

Биз театр буфетида суҳбатлашардик. Ёнимиздаги столда театрга тасодифан кириб қолган бир неча кишилар ўтирар ва пиво симирардилар. Янги парда бошланганини билдирувчи қўнғироқ чалинди, томошабинлар эса пивони хўплаб ўтиравердилар.

— Ҳар доим шунақа, — дея шикоят қилди дўстим. — Агар театрга одам адашиб кириб қолса ҳам биринчи кўринишданоқ буфетга қочиб кетади, у ердан трактор билан ҳам тортиб чиқаролмайсан... Энди нима бўлади — тасаввур қилолмайман!

Шу пайт миямда бир фикр «ярқ» этди.

— Сен буфетни томоша залига кўчир, томоша залини эса буфет ўрнига.

— Зўр! — дея қичқирди дўстим. — Ғоятда зўр! Ташқаридан қараш деб мана бунга айтилади!

Орадан бир ой ўтиб мен яна театрга бош суқдим. Касса олдида одамлар уймалашарди. «Бўш жой йўқ. Олдиндан буюртмалар қабул қилинади» деган эълон осилиқ.

Менинг ғоям тўла амалга оширилган ва ижодий ишлаб чиқилганди.

Томоша залида столлар қаторлашган. Ложалар алоҳида хоналарга мослаштирилган. Парда орқасида ошхона. Ассортиментни кўпайтиришибди, фирма таомлари ўйлаб топишибди. Ҳар бир таом учинчи қўнғироқдан кейин бериларкан ва бағоят тансиқ ҳисобланаркан.

Залдан тез-тез «Браво!», «Бис!» деган хитоблар эшитилиб турарди. Ошпазларни чақириб гуллар тақдим этишарди.

Ошхонада болалар учун ҳам махсус ширинликлар тайёрланар, комплекс пархез овқатлар мавжуд эди. Театр томон нафақахўрлар ва болалар оқиб келишарди.

Байрамона безатилган фойеда официантларнинг портретлари осилиб турарди. Кираверишда афиша ўрнида бадиий нақшланган таомнома.

Биринчи, иккинчи, учинчи танаффуслар орасида хўрандалар собиқ буфетга ўтиб, бирор бўлак спектакль «олиб» чиқишлари мумкин эди.

Тез орада театр ўз қиёфасига эга бўлди ва қўшни ресторанлар билан осонгина рақобатлаша бошлади.

— Мен бахтлиман! Менга қанот битди! — Дўстим қўлимни миннатдорона қисди. — Яқинда ажойиб мақола чиқди. Мени тоза мақташган! Мени мисол қилиб кўрсатишибди!

У менга «Калланги ишлат, фикрла, синаб кўр!» сарлавҳали катта мақолани кўрсатди...

О.ФАРМОН таржимаси.

Эссе

ПОЛВОНЛАР

Анвар ака шунақаям зўр полвон эдики... Айиқ билан олишиб, айиқни йиқитган эди.

Анвар ака қалин қора чопонини елкага ташлаб, қурга (даврага) чиқарди. Чўкарди: тиззалаб, йўғон бўйнини елкалари орасига яшириб, елкаларини қисиб. Ерга қараб. Қўлига тушиб қолган чўп билан тупроққа аллақандай расмлар чизган бўлиб.

Билганлар, бошингдан тилла сочаман, десалар ҳам Анвар полвонга доримасди. Билмаганлар қур айланарди: оёқларини ялангочлаб, липпаларини тиззасига қадар кўтариб, белбоғини салқи боғлаб. Желагининг бурма ёқаларини икки томонга сидириб. Бармоқлари учларига тилини югуртириб, танишбилишларининг маҳкам бўл, деган даъватларига бошларини лиқиллатиб.

Анвар полвон қурни айланиб ўтирмасди. Рақибига бурилиб қарамасди ҳам. Ҳамла олдидан полвонлар ўйин кўрсатадилар: кўзлари қувнаб, бармоқлари доира чертган мисол ҳаракатга келиб, товонларининг зарбидан ерлар тосирлаб. Гоҳ сўлга, гоҳ ўнгга ўзларини ташлаб.

Асл полвонни, эҳ, тўйнинг даврасида кўрингда. Парвозга шайланган бургутни, бургут нима бўпти, осмонга кўтарилаётган самолётнинг шитобини эслатади у. Метин тўғонларни ларзага солиб, унча-мунча ўзанларни писанд қилмаган тошқинларга ўхшаб кетади у. Кўзлари-чи, кўзлари ўлжасига ташланган йўлбарсникими, дейсиз.

Қишлоғимиздан бир замонлар Исмат деган полвон чиқди. Ўн етти ёшни тўлдириб полвон бўлди. Машқ қилгани, устоз кўргани йўқ. Бировнинг юзига тик қарамаган, ҳатто, тенгқур ошналарининг ёқасидан олиб кўрмаган бўш-боёвгина бола эди. Жўралари сочидан тортиб ҳазиллашардилар. Сочини юлиб олгудай бўлсалар ҳам, у киприк қоқмасди.

Ана шундай оғир бола бир куни тўйга, аниқроғи, олиш (кураш) бўлаётган жойга бориб қарасаки...

...Акаси, Қаҳҳор полвон унинг кўз ўнгида рақибига торсиллаб, чикка бўлиб йиқилиб берса бўладими. Инграб юборганини Исмат ўзиям билмай қолди. Недир хаёл билан у ўзини панага олди. Товонлари муз бўлиб яхлаб кетди. Елкаси уча бошлади. Танишнотанишлар, бутун давра, бутун қишлоқ унга термулиб қолгандай бўлди: аканг йиқилди. Елкасининг чангини қоқиб кўй. Йиқилганда бели майишгандир – хом тухум ичир, деган таъна билан. Ичагига зил етмадимикин, атала бер, деган ўгит билан. Айримлар бўлса... Айримлар, жигитмисан ўзи. Чиқмайсанми акангнинг орига. Ҳеч кими йўқ экан Қаҳҳор полвоннинг ортида дейишмайдими?! Киндигингга қадар ерга киритиб юборсаям, чиқ даврага дегандай даъват билан.

Исмат ана шуларни ўйлаб елкалари баттар қақшаб кетди. На таънаю, на ўгиту, на даъватлар билан иши бўлди. Товонлари ердан узилди. Елкаларидан қанот ўсиб чиқди, гўё. Одамлар уни давранинг ўртасида кўрдилар. Одамлар унинг, акамнинг орига чиқдим, бобожон, деб баковулга бел бўлиб турганини кўрдилар. Баковул, бор, шафтолингни тер бола, деб қўл силтаб ўзини четга олди. Ҳалигина тошдай қотиб қолган оломон ўртасида ғовурғувур жонланади: "Юраги ўйнаб чиқиптими, олиштириш керак". "Ҳали томири мўрт бачча-қу". "Раҳмон полвон уни эшиб ташламайдими", деб жавоб қайтаради баковул.

Ана шунда Бўтаёр деган одам Исматнинг қаватига чиқди. Исматни у даврадан етаклаб олиб чиқиб кетмоқчи эди. Бўтаёр оқсоқолга кўзи тушиб, Исмат... йиғлаб юборди. Айтинг-да, Бўтаёр бобожон, анови баковул бобо мени нимага акамнинг орига солмайди. Бобо...

Бу манзарани қовоғининг ости билан кузатиб турган ва дарёнинг нариги соҳилидан келган ғолиб Раҳмон полвон секин даврага чиқади. Не томошаларга қолдинглар, дегандайин бўлиб, одамларга қарайди. Бош бармоқларини белбоғига илган қилиб даврани айлана бошлайди.

Раҳмоннинг бу қилиғидан Бўтаёр буғолтирнинг ҳам кўзларидан ёш чиқиб кетди. Бўғзига нимадир қадалди.

Полвоннинг манманлигидан қаҳри қайнади. Залворли кафтлари билан Исматнинг елкасига "қарс" этказиб туширди. Баковулдан изн сўраб ҳам ўтирмади.

– Ечин, – деди Исматга овозлари товланиб. – Ҳой, Худойқул, желагингни келтир, – деди томошабинларнинг бирига. Бу полвонларнинг зотини (совринини) айт, – деди баковулга.

Бўтаёр буғолтир айтганлари бажо бўлганда ҳам даврадан чиқиб кетмади. Исмат билан қўшилиб давра айланаверди. Исматни Қаҳҳорой полвонни босган анави Раҳмон барзангининг чангалига ёлғиз ташлаб қўймайин, дебми шундай қилди. Охири Гулмирза деган одам Бўтаёр буғолтирнинг қўлтиғидан олиб даврадан чиқазди. Майдоннинг ихтиёри энди икки полвонга қолди. Олдинда айланаётган Раҳмон секин тўхтади. Ортига – Исматга ўгирилди. Ҳамма – жим. Олишни гиламда ўтириб томоша қилаётган боболар умрларидаги энг антиқа, қалтис кураш қаршисида турганларидан қаяжонланибми, соқоллари диккайиб, оғизлари очилиб қолган. Ҳозиргина тишларига ташлаган семичкани унутган болалар олдинроққа силжиб олишган. Қон босимидан зорланиб турадиган Холиёр баковул эса кексаларнинг қаватига ўтириб, пешонасини қашилагани қашилаган.

Қурда эса... Исмат рақибининг ўзига беписанд қараб туришига парво қилмади. Ундан четлаб ўтиб, беш-олти қадам босди. Ва илкис ортига қайрилиб, қўлларини бир осмонга кўтардию, ҳамлага ҳозирланди. Йўқ, энди у ҳамқишлоқлари билиб-кўриб юрган Исматга ўхшамасди. Бир сеҳрли куч, бир ғойиб синоат Тожи темирчининг мўмин-мулойим ўғлини, 17 яшар ўспиринни, нонини йиғламасдан емайдиган болани паҳлавонга айлантириб қўйган эди. Бу паҳлавондан чангалчангал тупроқ сачради, бу паҳлавон қўл солганда рақиби желагининг ип югиртиб қотирилган ёқалари чок-чок йиртилди. Бу паҳлавон белдан чил солганда Раҳмон полвоннинг ўн беш йилдан бери отларда қотган суяклари қасирлаб кетди, бўлди олиш, бўлди томоша. Холиёр баковулнинг босими ёзилиб, полвонларнинг изидан қур айланиб, одати бўйича терма тўқиб туришини кўринг:

Шер билан шер олишса,
енголмайин қийналар.
Раҳмон, агар енгилсанг,
Исмат қишлоғингдан уйланар.

Бу қўшиқни эшитиб болаларнинг қувонишларини, чопонлари устидан боғлаб олган белбоғларини баландроққа тортиб боғлашларини кўринг. Ана шундай қийқириқларнинг орасида Раҳмон Исматнинг икки оёғини ердан узиб, даст елкасига кўтариб олди денг. Шу заҳоти баковулнинг қўшиқларию болаларнинг қувноқ ҳайқириқлари оғизларда музлаб қолди. Қаҳҳор полвонни айтинг-да, ўзи йиқилгани етмагандай энди укасининг ҳам бурнини шўрқиллатиб уйга етаклаб бориши қолувдими?!

Елкадан ошириб ташлаш Раҳмон полвоннинг энг зўр усули, сўнгги чораси эди. Унинг елкасига борган полвон омон қолмасди. Ана энди Исматнинг ҳам йиқилиши тайин. Исмат йиқилса – тамом, бошқа ҳеч ким Раҳмонга дов келмайди. Ҳаммани Раҳмон ерга қаратиб кетади. Ўша оқшом одамлар гап-гаштак қилмайдилар. Гурунг, салом-алик кўнгилга сиғмайди. О, Исмат болалигингга бординг-а. Ҳолингни билмадинг-а. Аканинг орини оламан деб тортишмасанг бўлармиди. Ана энди полвонман, дегандан қўрқиб қоласан, ҳам.

Раҳмон полвон, "ё айланай" деб овоз қилди. Бу унинг, мен, зўрман, деган ҳайқириғи эди. У гавдасини озгина орқага чанқайтирди. Ўнг томонга бурилиб, Исматни бир силтов билан ерга чалқанча қилиб урмоқни мўлжалади. Лекин Исмат ваккунлик қилди. Рақибини чалқатган маҳали Исмат товонлари билан унинг тақимига чилзарба туширди. Зарбдан оёғи сирқираб кетган Раҳмоннинг ўлчамга сиғмайдиган бир кичик сонияда бўшашган қўлидан Исмат сирғалиб кетди. Ва ҳали оёғи ерга етиб-етмас Раҳмоннинг ўнг томони оша (рақибининг ўнг томонга бурилмоқчи бўлганини Исмат қандай сезиб қолди – худо билади) чил солиб юборди. Шу аснода унинг чап елкасини чалқанча тушиб йиқилишга ўнгарган бўлиб ортга сурди.

Қаҳҳор полвон укасининг қаршисида пайдо бўлганида ҳали Раҳмон полвоннинг елкаси ерга тегиб улгурмаган эди. Қаҳҳор полвон кела солиб укасини худди ёш болага ўхшатиб елкасига мингазиб олди. Зир югуриб, даврани икки бор айланди. Оғизлари қуришиб қолган боболар енглари билан кўзларини артдилар. Бўтаёр буғолтир, бугун оқшом ҳамма Исмат полвонникига, деб юзига фотиҳа тортди. Қишлоқ болалари ўша кеч оналарига, менга полвонжелак тиқиб берасиз, деб тихирлик қилишди. Абди бахши Исматнинг номини қўшиққа солиб, достон айтди.

Орадан ўн икки қовун пишиғи ўтиб, Исмат полвонни биринчи бўлиб йиқитган Анвар полвон бўлди.

Полвонлар енгилишни истамайдилар. Бу ҳақда ҳатто, ўйламайдилар ҳам. Полвоннинг табиати ёш, ўспирин боланикидай бўлади. Анови мишиқи болаларнинг ичидан эртага ўзидан ҳам кучли полвон чиқишини ҳаёлига келтирмайди. Бир кун келиб, бели ингичкароқ бир боладан енгилганига шунақаям ҳайрон қоладики...

Ана шунда ҳов, Бўтаёр буғолтирга ўхшаган бир одам даврага югуриб чиқиб, орага суқилади. Катта полвон, анови болага онг кетди (Ғафлатда қолди, демоқчи). Уларни қайтадан олиштириш керак, дейди. Полвоннинг зўр-зўрмаслиги ана шунда билинади. Йиқилган полвон, бу тўғри гап, қайтадан олишаман, бунинг устига ёнбош йиқилдим, деб тураверади. Зўр полвон-чи. У орага одам солиб ўтирмайди. Тарафкашнинг гапига учмайди. Кимнинг зўр, кимнинг нозўр эканини ўзи билади. Полвоннинг чикка-чалқанча бўлиб йиқилгани– ўлгани. Чикка бўлиб йиқилганим, керакми сизларга деб тарафкашга дашном қилади. Олишув навбати энди шу болаларники, дейди-да, бошқа қур айланмайди.

...Анвар полвоннинг олишларини кўрмагансиз. У зўр эди. Қаддини тик тутиб олишарди. Рақибларининг ғирром усулларини кучи билан қайириб ташларди. Унинг асабига тегмоқчи бўлиб, сўкинган, тили бепошна полвонларнинг тилини босиқлиги билан, энг чиройли усуллар билан йиқитиб, суғуриб оларди.

У айиқни йиқитган эди. Айиқ билан у иккита қорачопон кийиб, телпакларининг қулоғини тушириб олишганди. Тўй даврасида. Кўпнинг ичида. Кўзим билан кўрганман, айиқ эгасига эргашиб даврага кирди: лапанглаб, икки орқа оёғида тип-тикка бўлиб юриб. Қўйнинг жигарига ўхшаган тилларини осилтириб. Олд оёқларини саланглатиб. Эгаси айиққа Анвар полвонни ишора қилиб кўрсатди. Ўзини четга олди. Маймоқ ириллаганми, бўкирганми бўлди. Тилларини баттар осилтириб Анвар полвон томон юрди. Анвар полвон беихтиёр орқага тисланди. Айиқ баттар ириллабми, бўкирибми келаверди. Одамлар полвоннинг товонлари остидан чанг кўтарилганини кўрдилар. Унинг бошқа ҳаракатларини деярли илғай олмай қолдилар. Айиқ тўрт оёғи осмонда, ерга қулаб тушган эди.

Ёмон экан айиқнинг феъли. Энди у лапанглаганича ўзини ўнгариб олиб, полвоннинг изини олиб, одамлар сари юрди. Қорачопон, телпак кийиб олишни томоша қилиб ўтирган Содиқ деган шофёрга ташланиб қолди.

Эгаси Содиқ акани, айиқнинг ҳамласидан бир амаллаб ажратиб олганди.

Ана шу одам – Анвар полвон қирқ ёшида... йиқилди. Даврада, одамларнинг кўз ўнгида ўзидан зўр полвондан йиқилганида... қани эди.

Анвар полвоннинг ёлғиз ўғли ёмонларга қўшилди. Нашаванд чиқди. Бир жазаваси тутганда... Онасини сўйиб қўйди.

Анвар полвон ўша машъум кундан уч ҳафта ўтиб йиқилди. Ёмон йиқилган экан, жойидан қайтиб турмади.

Дарёнинг икки соҳилидан жаназага келган полвонларнинг ўкириб йиғлаганларини кўрсангиз эди – осмон узилиб ерга тушгандай бўлди.

Марҳумни қабрга Исмат полвон қўйди.

Ўша баҳор серёмғир келди. Анвар полвон қабрида лолақизғалдоқлар ловуллаб ёнди. ...Яна тўйлар бошланди.

Исмат полвон бир пайтлар болаларим — невараларим, деб эркалайдиган йигитлар эндиликда гурас-гурас олишиб, боболаридан қолган даврларни қизитмоқдалар...

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Халқ сўзи»
«Народное слово»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89;
Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 71, 33553 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — Б. ЭГАМҚУЛОВ.
Навбатчи — С. ҲАЙДАРОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 23.40
1 2 3 4 5 6

ЎЗБЕКИСТОН ОЧИҚ ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ – КЎМАК ЖАМҒАРМАСИ

Америка-Австрия фонди иштирокида танлов асосида Австриянинг Зальцбург шаҳрида ҳар йили врачлар учун ўтказиладиган семинарларда қатнашишга таклиф этади.

Ҳар хил тиббиёт мутахассисликлари бўйича ўтказиладиган ҳафталик семинарларни Америка медицина университетларининг профессорлари инглиз тилида олиб борадилар.
Танловда инглиз тилини мукаммал биладиган, ўқитувчилик ва амалий врачлик фаолияти билан шуғулланадиганлар қатнашишлари мумкин.
Ёши 45 гача бўлган шахслар маъқул кўрилади.

2003 йилда қуйидаги семинарлар ўтказилади:
- урология, травматология — 11-17 апрель кунлари;
- инфекцион касалликлар, психиатрия — 25 апрель-1 май кунлари.

Юқорида кўрсатилган 4 та семинарларда иштирок этиш учун аризалар 2003 йил 10 февралгача қабул қилинади. Инглиз тилидан тест синовлари 2003 йил 11 февраль куни соат 9.00да Ўзбекистон очиқ жамият институти — кўмак жамғармасида ўтказилади.

- педиатрияда шошилинч ёрдам, қон банки — 17-23 август кунлари;
- оилавий медицина, анестезиология — 24-30 август кунлари;
- неонталогия, кардиология — 12-18 октябрь кунлари;
- онкология — 31 октябрь-6 ноябрь кунлари;
- визуал диагностика, болалар урологияси — 12-18 декабрь кунлари.

Юқорида кўрсатилган 9 та семинарларда иштирок этиш учун аризалар 2003 йил 28 мартгача қабул қилинади. Инглиз тилидан тест синовлари 2003 йил 31 март куни соат 9.00да Ўзбекистон очиқ жамият институти — кўмак жамғармасида ўтказилади.

2003 йилда ҳеч қандай бошқа кўшимча танловлар ўтказилмайди.

Семинарлар қатнашчиларининг йўл ва виза харажатлари ташкилотчилар томонидан қопланиб, улар турар-жой, озиқ-овқат ҳамда тиббий суғурта билан таъминланадилар.

Танловда иштирок этиш учун аризаларни Ўзбекистон очиқ жамият институти — кўмак жамғармасига юбориш лозим. Инглиз тилидаги аризалар намунасини қуйидаги манзилдан олиш мумкин: 700031, Тошкент шаҳри, Зарбоғ кўчаси (собиқ Роза Люксембург) 31-уй, Ўзбекистон очиқ жамият институти — кўмак жамғармаси (Мўлжал: «Россия» меҳмонхонаси орқасида).

Интернет сайти: www.osi.uz Электрон почта: alexander@osi.uz
Маълумот учун телефонлар:
(371) 120-54-80/09/10/11/12/13, 120-50-10/11. Факс: 120-68-54.

АБИТУРИЕНТ 2003!

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИНИНГ МАЛАКА ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ФАКУЛЬТЕТИ:

- ноорганик моддалар технологияси;
- камёб, нодир ва тарқоқ металлар технологияси;
- силикат материаллар технологияси;
- нефть, газ ва углеродли моддаларни қайта ишлаш технологияси;
- юқори молекулали бирикмалар кимёвий технологияси;
- ёғ-мойлар технологияси;
- қанд ва бижғиш маҳсулотлари технологияси;
- гўшт, сут, балиқ ва консерваланган маҳсулотлар технологияси;
- дон маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси;
- кимё саноати иқтисодиёти ва менежменти;
- озиқ-овқат саноати иқтисодиёти ва менежменти;
- саноат экологияси;
- информатика ва ахборот технологиялари йўналишлари бўйича кириш тест-имтиҳон синовларига мукаммал тайёрланишни хоҳлаган ёшларни (жумладан, 10-11 синф ўқувчиларини ҳам) ҳамда компьютер саводхонлиги;
- чет (инглиз, немис, француз) тилини ўрганиш курсларига

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Ўқиш гуруҳлар шакллганидан кейин бошланади.

Вилоятлардан келган ёшлар ётоқхона билан таъминланади.

Факультетда таълим юридик шахслар (ишлаб чиқариш корхонаси, идора, корпорация, акциядорлик жамоаси ва ҳоказо) буюртмаси асосида уч томонлама ёки жисмоний шахслар билан икки томонлама тузилган пуллик шартнома асосида амалга оширилади (тўлов миқдори ва тартиблари шартномада кўрсатилади). Тегишли дарслар институтнинг юқори малакали профессор-ўқитувчилари томонидан чуқурлаштирилган дастурлар асосида ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Бизнинг манзил: Тошкент ш., Навоий к., 32-уй (Тошкент кимё-технология институти бош бинаси, 1-қават 1/1-04-хона, Малака ошириш факультети). Мўлжал: Ўзбекистон Миллий театри.

Мурожаат учун телефонлар: 144-79-32, 144-79-17.

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жамоаси Ўзбекистон – Америка «Коском» қўшма корхонасининг техникадан фойдаланиш хизмати раҳбари, доцент **Марат ЗАҲИДОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекэнерго» Давлат-акциядорлик компанияси жамоаси энергетика тизимининг иқтисодий фаолиятини таҳлил қилиш ва статистика бўйича маркетинг марказининг етакчи иқтисодчиси Озода Исламовага умр йўлдоши **Абдурасул ИСЛАМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Шарқ-пресс» нашриёт уйи жамоаси «Шоҳруҳ-тур» хусусий фирмаси директори Мирзаҳалил Охуновга онаси **РОҲАТОЙ ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси жамоаси қўмита қошидаги аналитик назоратга ихтисослашган давлат инспекцияси бўлими бошлиғи З. Сулейманова отаси **Маҳмудхон МУСАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти жамоаси институт амалий санъат ва дизайн факультети, амалий графика кафедраси мудири, доцент Рихсивой Аюповга рафиқаси **Зумрад она МАҲМУДОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.